

**РУСТАМ
ХУДОЙҚУЛ**

БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ

Суд залидан ҳикоялар

Тошкент
“Адолат”
2017

УЎК: 821.512.133-312.4:343.139

КБК: 84(5Ў)6

X-87

X-87 **Худойқул, Рустам.**

Бир жиноят тарихи [Суд залидан ҳикоялар]. — Тошкент:
“Адолат”, 2017. — 160 б.

ISBN 978-9943-5136-1-7

УЎК: 821.512.133-312.4:343.139

КБК: 84(5Ў)6

Жиноятнинг тури кўп, унинг сабаб ва илдизлари битта! У ҳам бўлса, балои нафсадир. Унинг бошлаб борар манзили — жаҳолат ботқофи.

Жиноятта қонуний жазо муқаррар, албатта. Аммо, афсуски, ҳар бир жиноят ишнинг беайб қурбонлари бор. Балки, улар сизу бизнинг лоқайдилгимиз қурбонларидир. Шунинг учун ҳам суд залидан ҳикоя қилинган воқеалар баёни орқали муаллиф барчамизни уйғоқ қалб билан огоҳ бўлишга ундамоқда.

ISBN 978-9943-5136-1-7

© Р. Худойқул, 2017 й.

© Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
“Адолат” нашриёти, 2017 й.

Истиқлол фидойиси, мардлар маскани —
Ачамайли қишлоғининг асл фарзанди отам
Холбой оқсоқол Бўри ўғли ва борига шукур
қилиб яшаган мұхтарама онам Саломат биби
Эргаш охун қизининг ўчмас хотирасига ушбу
китобимни ҳурмат ва эҳтиром
иля бағишиладим.

“РАҲМ ҚИЛИНГ, ОНАЖОН!..”

Xукм ўқилди. Темир панжара ортидаги ёшгина, навниҳол аёл итоаткорлик билан кишинга қўлини тутди. Эндиғина 21 ёшини қаршилаётган бу жувон узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, унга суд залида ўтирганлар ачинмадилар. Бегуноҳ фарзандининг жонига қасд қилган онага қонун адолатли жазо чорасини қўллаган эди...

Шармандага шаҳар кенг

Катта оиланинг ўнинчи фарзанди бўлиб дунёга келган Шоҳсанам кенжатоӣ бўлганлиги учунми, ҳарқалай болалигидан эрка бўлиб вояга етди. У мактабни тамомлаши билан шаҳардаги коллежга ўқишга киришни баҳона қилиб, опаси Шарофатникига бутунлай кўчиб бориб олди. Ота-она фарзандининг кундан-кунга кўпайиб бораётган “хурмача қилиқлар”идан қутулганидан, қизгина эса, “бошвоги ўзига теккани”дан хурсанд бўлишиди.

Бошда яхши ўқиб юрган Шоҳсанамнинг бора-бора мўрт иродаси панд берди. У ўзига ўҳшаган қаланги-қасанғиларнинг даврасига қўшилиб олдигина эмас, “малика”сига ҳам айланди. Ҳамтвоқлари уни энди “Шоҳина” деб чақирадиган бўлишиди. Шоҳина аввал поччасининг чўнтағига, кейин кўнглига ҳам қўл солиб кўрди. Бўш-баёв қўринган Дилмурод маккоранинг тузофига илиниш у ёқда турсин, фоят самимият билан қайнобекасини хатарли йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. Кўзлаган мақсадига эришолмагач, сири ошкор бўлишидан қўрқкан Шоҳсанам поччасига тухмат қилишдан ҳам тоймади. Эртаю-кеч бозордан бери келмайдиган Шарофат синглисининг га-

пига “лаққа” тушиб, эрини бузуқликда айблади. Опа-сингилга бас келолмаслигига ақли етган боёқиши күёв уйдан чиқиб кетишгә мажбур бўлди. “Эртами-кечми, синглингнинг ким эканлигини, янгишганингни билиб оласан, онаси, — деди Дилмурод дарвозахонага етганида хотинига, — ўшандагайтиб келаман, мени тушунган кунинг бирга, баҳти яшаймиз”. “Қайтиб бу уйга оёғингизни босмайсиз, — 15 йиллик турмуши давомида биринчи марта эрининг кўзига тик қараб, дўқ-пўниса қылди йигламоқдан бери бўлиб уй бекаси, — уч боламни ўзим боқиб оламан”... Нима бўлганда ҳам, тинч-тотув яшаб келаётган оила барбод бўлган эди.

Бўлиб ўтган ноҳуш воқеадан сўнг балки, бошқа одам бўлса ўзини ўнглаб олармиди?! Ким киму аммо Шоҳсанамдан буни кутиб бўлмасди. Ҳатто туғишигандан опасининг ахволи бундан кейин ҳандай кечиши уни заррача ўйлантиргани йўқ. Залолат ботқоғига ботиш ҳам шунчалик бўладими, дерсиз? Ҳалқимизда “Балиқ бошидан сасийди” деган нақл топиб айтилган. Оиласада тарбия берадиганларнинг ўзи тарбияга муҳтож бўлгандан кейин фарзандлардан нимани ҳам кутиш мумкин?! Йўқса, Шарофатнинг ўйидаги машмашалардан хабари бор ота-она ўзини четта олиб, “томошабин” бўлиб турармиди? Аксинча йўл тутишганда, балки, кейинчалик юз бериши мумкин бўлган кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қабоҳатнинг олди олинган, бир норасида гўдакнинг умри сақлаб қолинган бўлармиди?.. Биз қанчалик тахмин қилмайлик, ҳаёт ўз йўсунинда давом этавераркан. Вакти келиб, ҳар ким эkkанини ўраркан...

Пул “ишқи”га тушган Шарофат синглиснинг қорни кундан-кунга қаптайиб бораёттанилигини ҳам сезмай қолди. Пинҳона ишқий саргузаштлар давом этиши оқибатида орадан кўп ўтмай, Шоҳсанам фарзанд кўрди. Унга Муштарий деб исм қўйишиди.

Шарофатнинг кўр кўзлари “ярқ” этиб очилди, қаттиқ адашганини англаб етди. Шу куниёқ у акасиникида яшаётган эридан кечирим сўраб, оиласига қайтишга кўндироди. Сири фош бўлган Шоҳсанам опасиникига боришга юзи чидамай, туғуруқҳонадан чиқиб, қўлида бола билан ота уйига кириб борди. Ота-онаси ноқонуний туғилган гўдакнинг ҳақиқий отаси ким эканлигини қизидан сўраб-сuriштириб, билиб олишган бўлса-да, бундай

шармандаликка чора күрмай, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши керак, деган холосага келишди. Оила аъзолари эндигина дунёга келган Муштариини ҳам ўз ёлғонлари гирдобига тортдилар. Аллакимнинг қўққисдан хаёлига келган оти бору, ўзи йўқ номаълум кимса — Маҳмуд кейинчалик унинг тошмехр отасига айланди ва “туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома”га ҳам қайд этиб қўйилди.

Шоҳсанамнинг ота-онаси ҳам, унинг тўққиз нафар опа-акалари ҳам жигарбандлари ҳаётида бўлиб ўтган нохуш воқеаларга ўз вақтида эътибор бермадилар. Сир сақлаш баҳонасида ҳеч ким бу ҳақда “чурқ” этмади.

Шоҳсанам бирор унинг мушугини “пишт” демаётганлигини қўриб, аввалига ҳайрон бўлди, кейин қайсиdir маънода ҳақ эканман, деган холосага келди. Қандай бўлмасин, ота уйидан тезроқ кетишига ошиди.

Муштарий беш ойлик бўлганида Шоҳсанам тасодифан со-бирабодлик Шокирбек билан танишиб қолди. Улар кейинчалик никоҳдан ўтиб, яшай бошлаган бўлса-да, куёвнинг режалари мутлақо бошқа эди. Кўпни кўрган бу йигит қадди-басти келишган навниҳол жувонга вақтинчалик эрмак деб қаради. Орадан икки йил ўтар-ўтмас Шокирбек Россияда ишлайман, деб шу кетганича қорасини кўрсатмади.

“Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиш”га ўрганиб қолган Шоҳсанам эса, эрини кутиб ўтиришга сабри чидамай, отасиникига қайтиб келди. Умрида бирор кун ишламаганлиги учун у болалар боғчаси тарбиячилигини ҳам ёлчитмади. Тез орада ишдан бўшаб кетди. Аёлнинг кўнгли ҳали ҳам шоҳона яшаш, ўйин-кулгуни тусар, шуларни ўйласа, юраги орзиқиб кетарди. Буларнинг ҳаммасига эса, битта инсон — қизи Муштарий халақит берарди. Нимагадир у бошига тушган кўргиликларга ўзини эмас, мана шу норасида гўдак айбдор деб билар ва ундан қандай қилиб бўлмасин қутулиш чорасини изларди. Лекин қандай қилиб?

Кейин миясига даҳшатли бир фикр келди. Бу ўйдан сесканмаганлигига ўзи ҳам ҳайрон қолди.

Шу орада қиши ҳам тугаб, кўклам кириб келди. Шоҳсанам тоғаси билан бирга ишлайдиган Сабриддиннинг шариат никоҳи

билинг бирга яшаш түғрисидаги таклифига рози бўлди-ю, уч кишидан иборат янги оила Чирчиқ шаҳридаги даҳалардан биридаги кўп қаватли ўйда яшай бошлади.

Қизалоқнинг қисмати

Орадан бир ой ўтгач, кунларнинг бирида Сабридин ўгай қизининг “туғилганлик түғрисидаги гувоҳнома” сидан отасининг исми Маҳмуд эканлигини ўқиб қолди.

— Мен илгариги турмуш ўртоғингни танирдим, унинг исми Шоқирбек эди-ку! — деди у хотинига ўсмоқчилаб.

Эрининг қистови билан Шоҳсанам унга бор ҳақиқатни айтиб берган бўлса-да, лекин ўзини ёшлиги туфайли “хўрланган она” қиёфасида кўрсатишни қойилмақом қилди. Гарчи, Сабридин аввал түғрисини айтмагани учун хотинини бироз койиган бўлса-да, болада айб йўқлигини тан олди. Эрини лақиллатгани билан аёлнинг кўнгли таскин топмади. “Бола бор экан, бир куни сирим очилиши аниқ, — ўйларди у. — Раҳмдиллигим бошимга етадиган бўлди, туғилган куниёқ уни ахлат қутисига ташлашим керак эди. Яна ким бу тасқарани кўrsa, қизингиз сиздан ҳам чиройли экан, деб гижгижлаганига ўлайми?! Бекоргиналарни айтишибди. Ҳалитдан мен билан ҳусн талашадиган бу яшамагурни боридан йўғи яхши.” Хуллас, Шоҳсанамнинг туққан фарзандига нисбатан нафррати кундан-кунга аланга олиб, кучайиб бораарди.

Шу кундан бошлаб, қарийб икки ой давомида Шоҳсанамнинг ўй-хаёли қизи Муштариини гумдон қилиш билан банд бўлди.

Ўша куни, чамаси кундуз соат 12.00 ларда унинг хушторларидан бирин қўнгироқ қилиб, қўнгилхушлик қилишни таклиф этди. Гап нимада эканлигидан бехабар бўлган Муштарий телевизор кўриб ўтирган жойида “мени ҳам олиб борасизми, ойижон?” деб сўради эркаланиб. Ваҳший онанинг фигони фалакка чиқиб, додлаб юборди.

— Сенга у ерда пишириб қўйибдими, яшамагур! Оёғимга тушов бўлдинг-ку, ҳароми. Сени барибир бошингни ейман. Ҳозир сени мен ўзим бошқа жойга кузатиб қўяман. У ердан сени ҳеч ким тополмайди. Ҳеч қачон!

Хамма нарсаны болаларча содда тушунадиган қизалоқ онасинынг сүнгги айттан сүзларидан завқта тұлиб, қувончини ичига сиғдиролмай, қийқириб юборди.

— Вой, ойижон, бекинмачоқ үйнаймизми?! — негадир унга бақрайиб қараб турған онасига сүйкалди Мұштарий. — Биринчи бўлиб мен яширинаман, фақат тез топиб олманг, хўпми, ойижон?

Бамисоли йиртқич ҳайвондек ўлжасига ташланган Шоҳсанам қизини даҳлизга судраб олиб чиққанида норасида гўдак ўз умринг саноқли дақиқалари қолганлигини ҳали билмасди. У онасинынг қўлидаги катта ошхона пичноғини кўрса ҳам, бунга заррача эътибор бермади.

Шоҳсанам қизини тезроқ саранжомлаш учун мўъжазгина жоҳатхонани танлаб хато қилмаганди. Она-бала у ерга киргач, эшик маҳкам бекитилганини кўрган Мұштарий қандайдир инсоний сезги билан куни битганини пайқаб қолди. Қизалоқнинг қоп-қора мунчоқдай қўзларидан тирқираб ёш отилиб чиқди ва онасинынг пичноқ ушлаган қўлларини жажжи кафтлари билан силаркан, “раҳм қилинг, онажон, мени ўлдираманг, мен яшашни истайман”, деб ёлборарди. Консираган ваҳший она эса, қизини шусиз ҳам тор хонанинг бурчагига қисиб, тик турған ҳолда бир қўли билан соchlаридан чанглалаб, куч билан иягини кўтаришга мажбур қилди. Кейин иккинчи қўлидаги пичноқни бўйнига тортиб юборди...

Шоҳсанам нима қилиб қўйганини англаб, қўлидаги қонли пичноқни ўзининг кекирдагига олиб борди. Лекин сал ўтмай оғриқ зарбиданми ёки ортиқча уриниб, “чарчаган”иданми, ҳар қалай чалқанчасига йиқилди. Бироздан кейин хушига келганида, қизи қоп-қора қонга беланиб, бежон ётарди. Уни кўтариб, ётоқхонага олиб кирди. Кийимлари жиққа қон Мұштарийнинг устига кўрпа ташлаб қўйди. Кейин тошойнага қараб, томогининг кесилган жойини шошилмай латта билан боғлади-да, эшикни қулфлаб, қўшни уйда яшайдиган қариндоши Покизаникига чиқиб, бўлган воқеани имо-ишора билан тушунтириди.

Чирчиқ шаҳрини ларзага солған бу мудҳиш воқеа ҳуқуқтартибот идоралари томонидан ипидан-игнасигача жиддий текширилди. Охири, қизалоқнинг аччиқ қисмати ошкор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди қотил она Шоҳсанам Исматовага нисбатан 12 йил муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазосини қўллади.

Сабоқ

Мазкур жиноят иши билан танишиш жараёнида Муштарийнинг суратига ҳам кўзим тушди-ю, ҳайратдан ёқа ушладим. Албатта, ёш болаларнинг ҳаммаси бегубор, чиройли, аммо бу қизалоқдаги жозиба, малоҳат, маъсумалик кишини шошириб қўядиган даражада эди. Унга бу исмни бекорга қўйишмаган экан, дедим ўзимча. Ойдек юзига ярашган, дунёни гўё қорачиқларига сифдиromoқчи бўлгандек катта-катта очилган қуралай қўзларида бир савол қотиб қолгандек. “Бунча гўзал бўлмаса бу дунё, унинг бағрида ўйнаб-кулиб яшагим келяпти”, дейётгандек туюлди менга. Баданимга чўф босилгандек бўлди. Мана шу норасида гўдакнинг ўлимида биз — катталарнинг, жумладан, менинг ҳам айбим борлигини вижданон ҳис қилдим. Кўнглимдан эса, қуийдаги фикрлар ўтди: “Биз — катталар аллақачон андишанинг отини қўрқоқ қўйиб олганмиз, жон қизим. Баъзан мўмай пул дардида оқни оқ, қорани қора дёёлмай қоламиз. Ўз вақтида айтилган бир оғиз сўз балки, сени омон сақлаб қолармиди? Аммо ана шу бир оғиз сўзни айтидиган, адашганни тўғри йўлга соладиган оқсоқоллар ҳам, қўни-қўшнилар ҳам “ҳани, охири нима бўларкин” қабилида сукут сақлашди. Бобонг билан бувингта сира ҳам осон тутмайман, аммо бу мудҳиш воқеанинг содир бўлишида уларни айбдорсизлар, деб баралла айтишга ҳаққимиз бор. Аттантг-аттантг, дейишдан бошқа нима ҳам қўлимииздан келарди. Бу гапларни айтишдан энди бирор наф борми?”. Менимча бор, сабоқ олишга ҳали ҳам кеч эмас.

ФАРАНГИЗНИНГ ФИРИБЛАРИ

Қабиҳ режа ибтидоси

Дунёда нима кўп — соддадил одамлар қўплигини анча эрта фаҳмлаган Фарангиз бундан ўз мақсадлари йўлида самарали фойдаланди. Кимнидири “ёғли” лавозимга жойлайман, кимнингдири болаларини олий ўқув юртига киритаман, кимнидири чет элга ишга юбораман” деб, фирибгарлик билан шуғулланиб юрган бу аёлнинг сири очилиб, қишлоқда шармандаси чиққач, шаҳарга йўл олди.

Аввалига у танишлариникида яшаб юрди. Пули тамом бўлгач, олий ўқув юртида ўқитувчи бўлиб ишлайдиган ҳамқишлоғи Тошназарни дараклаб, унинг ишхонасига фарибона қиёфада кўзда ёш билан кириб келди.

Фарангизнинг қишлоқдаги “қилғилик”ларидан беҳабар бўлган Тошназар унга раҳми келиб, институттга ишга жойлаб қўйди. Ахир бу соддадил инсон аёлнинг “илмий иш қилиш учун ҳамма нарсадан кечиб, шаҳарга келгани”га чиппа-чин ишонганди-да! Бу лақмалиги кейинчалик бошига не-не мусибатлар солишини у бечора қаёқдан билсин эди...

Домланинг хонадонида яшай бошлаган Фарангиз секин-аста оиласдаги мавзеини мустаҳкамлаб олишга киришди. Биринчи бўлиб хонадонга доимий рўйхатга ўтиб олди. Энди кенг йўлга чиқиб олган “муштипар аёл” кунлардан бирида хонадон эгаларига масалани кўндаланг қўйди.

— Икки хонали уй олиб қўйғанларингиздан хабарим бор, — деди Фарангиз илтимосга ўхшамаган оҳангда. — Нарсаларим

тайёр, ўша ерга бориб яшайман. Сизларга халақит бермаслик учун шундай қилишга қарор қилдим.

Эр-хотин дабдурустдан айтилган бу гаплардан олдинига бир оз довдираб қолишиди.

— У жой ҳали таъмирланмаган, яшаб бўлмайди, — деди ма-салага нуқта қўйиш учун уй бекаси Ўқтамой. — Катта ўғлимиз уйланса, чиқарамиз деб мўлжаллаб қўйганимиз. Бунинг устига бешинчи қават, лифти ҳам уй ўйқ.

— Шоҳруҳ бу йил уйланмаса керак, келинойи?! — деди киноя билан Фарангиз. — Қўрқманг, унгача уйингизни бўшатиб бераман. Менинг бошимга ҳам уй битиб қолар.

Аёлларнинг ўзаро жанжаллашиб қолишини истамаган Тошназар вазиятни юмшатишга кириди:

— Фарангизхон, синглим, келинойингизни нотўғри тушуманг. У “бирга тураверайлек, ёлғиз қийналасиз”, демоқчи.

— “Йўқ” десаларингиз, майли, ижарага бирор жой топарман, — деди одамнинг раҳмини келтирадиган оҳангда Фарангиз.

Хуллас, вазият тақозоси билан эр-хотин Фарангизнинг таклифини қабул қилишиди. Аслида янги уйга қўчиш маккора аёл томонидан ўйлаб пишитилган қабиҳ режа ибтидоси эди, холос.

“Мени никоҳингизга оласиз!..”

Орадан уч ой ўтди. Фарангизнинг туғилган кунини нишонлаш зиёфатига ташриф буюрган Тошназар евротаъмирдан чиқарилган ўз уйини таниёлмай қолди. Бирга яшаганларида битта нон кўтариб келмаган аёлнинг бу қадар катта сарф-харажатни бекорга қилмаганлигини у яхши биларди.

Фарангизнинг ота-онаси, дугоналари ташриф буюрган зиёфат бошдан-оёқ видеотасмага олинди. Тасвирчининг аёл киши эканлигини ҳисобга олмагандан, бунинг ажабланарли жойи йўқ эди, албатта. Зиёфат қиёмига етганда, Фарангиз сўз олиб, бир янгиликни эълон қилмоқчи эканини айтди.

— Тошназар акам отам қилмаган яхшиликларни қилганликларини бу ерда ўтирганларнинг ҳаммаси яхши билишади, — деди у кўзига ёш олиб. — Бугун — мен учун қувончли кунда эса, у киши шу уйни менга совфа қилдилар.

Тошназар бу гаплар ҳазил ёки чинлигига тушунолмай гаранг бўлиб турганида, видеочи аёл унинг қулоғига пичирлаб, “Шунчаки, йўлига “ҳа” деб қўйинг, дугонамни шу бугун хафа қилманг. Душманлари эшитиб, бир куйиб ўлсин”, деди.

Тошназар ноилож бошини қимирлатди. Гуррос қарсаклар чалиниб, қадаҳлар уриштирилди. Ҳушёр ўтирган Нормурод ака бу гапга ўзининг кескин норозилигини билдириди.

— Бундай гапларни ҳазиллашиб ҳам гапириб бўлмайди, қизим, — деди отаси норози оҳангда. — Бироннинг мулки... — унинг гапи оғзида қолди.

— Сиз тушунмаганингиздан кейин жим ўтиринг, ота! — қичқириди Фарангиз. — Балки унга эрга тегмоқчиидирман.

— Оғзингни ёп! — ўрнидан турди Нормурод ака, — Уятини еб қўйиган оқпадар! Тилимни қичитма, бу одамни тинч қўй. Шу гапим эсингдан чиқмасин.

Ота чопонини кийиб, ранг-қути ўчган хотинига юзланди:

— Юр, кетдик! Борайлик-борайлик, дейсан, мана, оқибати. Бу қизинг одам бўлмайди!

Хотини бир сўз демай, эрига эргашди. Улар ҳеч кимнинг гапига кирмай, таксига ўтириб, темир йўл вокзалига кетишиди.

Бўлиб ўтган машмашадан сўнг зиёфатнинг файзи қолмади. Тошназар, видеочи аёл билан уй соҳибасининг яна бир дугонасидан бошқа ҳамма тарқалди.

— Ота-онангизни бекорга хафа қилдингиз-да, — деди ширакайф Тошназар. — Бунақа ҳазилнинг ўрни эмасди, синглим.

— Мен ҳазиллашганим йўқ, — деди мутлақо жиддий қиёфада Фарангиз. — Ё мени никоҳингизга оласиз ёки шу уйни менга совфа қиласиз.

— Яна ҳазилми? — сўради Тошназар. — Ҳазилкаш эканлингизни билмаган эканман.

Шу дақиқада юз берган томоша ҳаммасидан ошиб тушди. Фарангиз, ўзини диванда ўтирган Тошназарнинг қучоғига отди. Иккаласи диванга йиқилди. Ҳарчанд уринмасин, Тошназар аёлнинг қучоғидан ҳадеганда қутулолмади. Ғақат ўзига келгандагина, у бу ишларнинг ҳаммаси видеотасмага олинаётганини тушунди.

— Ярамас, бузуқи... мендан нима истайсан... — сўкинди Тошназар.

Фарангизнинг гапига кириб, хотинини бирга олиб келмаганига афсусланди. Эркак боши билан аламига чидай олмай йиглади.

— Боя айтган икки шартнинг бирига кўнмасангиз, ҳозир телефон қилиб, хотинингизни чақиртираман, — деди беҳаёларча Фарангиз. — “Номусимга тегмоқчи бўлди”, дейман. — Даил-исботларим ҳам бор.

— Номус тўғрисида сен гапирма, ярамас, — жиғибийрон бўлиб гапирди Тошназар. — Ўқтамой сендақа лўттибоз, шаллақиларга ишонмайди!

— Ишонади! Видеони кўрса, ишонади. Шу тасмани ишхонангизга олиб бориб кўрсатаман. Қерак бўлса, ҳозироқ ректоратдан одам чақираман. Ҳақиқий башафангизни улар бир кўриб қўйишишин, — деб Фарангиз дугоналарига ишора қилиб, яна гувоҳларим ҳам бор, дегандай кўзини унга тик қилиб қадади.

— Бирибир хотиним ишонмайди, нодон, — деди энди ўзини анча босиб олган Тошназар.

— Ишонмаса ҳам, уйингиз бузилади, — яна кўзини лўқ қилди Фарангиз. — Ойимчангиз менга ўхшаб баҳтсизлик нималигини бир кўрсин.

Хуллас, оиласи, ишхонадаги обрўсини ўйлаган Тошназар икки одам гувоҳлигида уйни совфа қилганлиги тўғрисида тилҳат ёзиб берди.

“Аттанг, қўнглимга келган иш бўлди...”

Ярим кечада уйига қайтган Тошназар бор гапни Ўқтамойга айтиб берди. Оқила аёл “мол аччиғи — жон аччиғи” деганларидек, йиглади-сиқтади, аммо эрининг шаънига тил теккизмади. Кейин у ўзини тутиб олиб, эрининг кўнглини кўтарди:

— Майли, бўлар иш бўпти, қўнглимга келган иш юз берди. Мен розиман. Ўғлингизни ўйлантиришга ҳали бир-икки йил бор. Ўй ҳам битар.

— Балки, инсоғга келиб, уйнинг пулини берар? — деди Тошназар бўшашиб.

— Қутулганингизга шукур қилсанғиэчи, дадаси, — деди Ўктағай хүрсишиб. — Шу билан қорасини ўчирса ҳам, катта гап. Үнга бокқан бало ҳам бордир, ахир.

— Мен адолатта ишонаман, — қатъий гапириди эр. — Яратганинг ўзи ҳаммасини кўриб турибди. Мана кўрасан, ҳаммаси жойига тушиб кетади...

Орадан 6-7 ой ўтиб, қизининг фирибгарлик ишларидан хабар топган Нормурод aka зўравонлик билан эгаллаб олинган уйнинг пулини қўярда-қўймай Тошназар билан Ўктағайга ташлаб кетди. “Сабр таги — сариқ олтин” деганлари шу бўлса керак-да...

“Мени ким деб ўйлаяпсан?!”

Ўтган ишга саловат, деган ибратли гап бор. Жиноятлари учун бирор марта жазоланмаган Фарангизз бўш-баёв бир йигитга турмушга чиқиб, фарзандли бўлганидан кейин ҳам ёмонликни ташламади...

Бу сафар Фарангизнинг фирибгарлик “тўри”га Вакил Садриддинов илинди. Тасодифий учрашувни қаҳвахонада нишонлашни аёл киши таклиф қилганлиги учун Вакил йўқ, деёлмади. Суҳбат орасида у пластик карточкасида 1 миллион 900 минг сўм пули борлигини айтиб қўйди. Ҳисоб-китоб вақтида карточка рақами ҳам маълум бўлди. Улар кўчага чиқишгач, Фарангиз совқотиб кетаётганини айтди. Йигит таомилга амал қилиб, дарров чарм курткасини ечиб, аёлнинг елкасига ташлади. Фарангиз шу заҳотиёқ, эгасига сездирмасдан пластик карточкани олиб, сумкасига жойлаб қўйди. Энди жиноят изини йўқотиш керак эди. У дожатхонага бориб келмоқчилигини айтиб, яна қаҳвахонага қайтиб кирди-да, дугонасига қўнғироқ қилди. Узоқ чўзилган суҳбат ниҳоят якунланди. Ҳамтовоқлар шу яқин орада яшайдиган Шоираникига кириб келишганда, қош қорайиб қолганди. Вакил нақд пулга сотиб олган ароқ очилиб, у яримлаганда уй ёғаси эри ишдан қайтиб келиб қолиши мумкинлигини айтиб, меҳмонлар билан хайрлашди. Эртасига Вакил Фарангизга қўнғироқ қилиб пластик карточкаси йўқолганини, ундан гумон қилаётганини очиқ айтди.

— Мени ким деб ўйлайпсан?! — ўшқирди телефонда Фарангиз. — Ўгрига чиқармоқчимисан?! Тұхмат учун сени судга бераман! Иккінчи марта менга құнғироқ қилма! Тушундінгми?!

Вакил Шоиранинг уйига пластик карточасини излаб келганида у ҳам йигитни танимаслигини айтты, ҳайдаб солди.

Аслида Фарангиз анчадан бүён пластик карточкаларни үғирлаш билан шуғулланарди. Унинг жиноят “сценарийси” жуда оддий әди. У тасодифий танишини метро бекатлари атрофида учатраттан киши бўлиб терминали бор қаҳвахона ёки емакхонага таклиф қиласарди. Аёл кишининг таклифини қайси эркак рад этади, дейсиз? Энг муҳими, “мижоз” иттеги пластик карточаси бор-йўқлигини билиш. Шунинг учун Фарангиз столга ўтириши билан “Мен спиртли ичимликлар ичмайман, жони-дилим пиво” дерди. Колгани эса, қўпинча жуда осон кечарди. Эркак ҳожатхонага кетиши билан у ечиб кетган устки кийимидаги ёки столдаги пластик карточка ҳам, Фарангиз ҳам воқеа жойидан гойиб бўларди. Агар “мижоз”ни қаҳвахонада тунашнинг иложи бўлмаса, шу яқин орадаги таниши (видеочи) Шоираникига олиб бораради-да, пластик карточасини үғирлаб, лақиллатиб жўнатиб юборарди. Фурсатни бой бермай, пластик карточкадаги пул ечиб олинарди. “Чув” тушган эркаклар бу шаллақи аёл билан жанжаллашгандан кўра, “ёниғлиқ қозон ёниғлигича қолиши”ни афзал кўришарди.

Рад этиб бўлмас далиллар

“Кўза кунда эмас, кунида синади” деганларича бор экан. Ҳалол йўл билан топган пулини товламачининг қўлига бериб қўйишни ўзига эп кўрмаган Вакил ҳуқуқ-тартибот идоралариға ариза билан мурожаат қиласди. Зудлик билан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида Вакил Садриддиновга тегишли пластик карточкадаги пулларга заргарлик моллари дўконидан тилла зирак сотиб олингани маълум бўлди. Тергов вақтида ўтказилган шахсни таниб олиш жараёнида заргарлик дўкони сотувчиси қўпчилик орасидан ундан пластик карточкага тилла зирак сотиб олган Фарангизни таниди.

Судланувчи Фарангиз Нормуродова дастлабки тергов вақтида унга қўйилган айбларини рад этиб, тухмат қилинаётганлигини важ сифатида келтирди. Аммо рад этиб бўлмайдиган далиллар кейинчалик айбига иқрор бўлишга олиб келди.

Суд Фарангиз Нормуродовага нисбатан қонуний асосда жазо тайинлади. Судланувчидан жабрланувчи Вакил Садриддинов фойдасига 1 миллион 900 минг сўм ундириладиган бўлди.

Суд қонун бўйича иш кўрди, қолгани Фарангизнинг вижонига ҳавола. У жиноят йўлини тарк этиш учун ўзида куч топа олармикан?! Негадир шу пайт “Яхши отга бир қамчи” деган нақл ёдимга тушди. Албатта, у агар яхши бўлса...

“ОҚ ОТ МИНГАН” ФИРИБГАР

Ёлғончи ёр

Тақдир тақозоси билан ота-она ажрашиб кетгач, эндиғина балофат ёшига қадам қўйган Севара отасининг қўлида қолди. Шундан сўнг кўп ўтмай, Ражаб aka бир бева аёлга уйланиб олган бўлса-да, ўгай онани уйга олиб келишга шошилмади, қизининг кўнгли ўксимасин, дея атай шундай йўл тутди. Туман миқёсидағи катта-кичик лавозимларда ишлаб, анча таниқли одамлардан саналадиган бу кишининг кун-кунора зил-замбил тўрхалталарни кўтариб, нариги маҳаллада яшайдиган хотининикига қатнашини кўриб бирор кулса, бирор ачинди. Ражаб aka эса тишини-тишига қўйиб чидади, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, вақт — олий ҳакам, деган фикрда эди. Шундай қилиб, орадан бир ярим йил ўтгач, ниҳоят ўша кутилган вақт ҳам етиб келди.

Севара тиббиёт коллежини битириш арафасида отаси ўгай она олиб келди. Бироқ худди кутилганидек, Севара билан ўгай она ўртасидаги муносабат ҳадеганда илиб кетавермади. Устига-устак, ўгай она ҳам ўзига яраша “тилли-жағлик” экан. Бу хонадонга қадам босганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмаганига қарамай, у ўзини азалдан шу ерда яшаб юргандек тутар, Севарани қўз очиргани қўймасди.

Севара дамини ичига ютиб яшашга уринар, ўйда имкон қадар ўгай онанинг қўзига қўринмасликка ҳаракат қиласарди. Унинг ўзига қолса, нақд фурбатнинг уясига айланган бу ўйда бир дақиқа ҳам қолмасди-ю, лекин энди унга бегонадай бўлиб қолган бўлса ҳам

отасини ташлаб кетишга күзи қиймасди. Қолаверса, етимчанинг жонига оро кирадиган на бирор-бир қариндоши, на яқин дугонаси йўқ эди.

Ана шундай кунларнинг бирида унинг ҳамширалик дипломини олиши оиласидаги келишмовчиликларга хиёл барҳам бергандай бўлди. Она-боланинг ўртасига ҳадеб тушавериб эси кетган Ражаб ака қизининг шифохонада тунги навбатчи ҳамшира бўлиб ишлashinga розилик берди.

Энди Севара иш билан овуниб, уйдаги майдада чуйда гапсўзларга унчалик эътибор бермасди. Ўгай она ҳам рўзфор ташвишлари билан бўлиб, ниҳоят янги оиласа меҳр қўйғандек эди. Бироқ ҳамма бало Севара ҳамшира сифатида иш бошлаган кундан сўнг бироз ўтиб юз берди...

“Одамнинг оласи — ичиди”, деб бежиз айтишмаган экан. Беморки бор, шифохонага келгач, дардига малҳам излайди. Аммо бу даргоҳга шум ният билан қадам босганлар ҳам бўлар экан. Тили бошқа-ю, дили бошқа Тоҳир ана шундай шахс бўлиб чиқди. Бир эмас, уч марта ўйланиб, биринчи хотинидан битта, қолганларидан иккитадан фарзанд орттириб, кейинчалик сарсон-саргардон қилиб ташлаб кетган, ҳам мол ўғриси, ҳам қалб ўғриси бўлган бу кимса палаталардан бирида соxта бемор сифатида пайт пойлаб ётарди. Бирорта бадавлат оиланинг қизини тузогига илинтираман деб, bemorлардан тортиб, оқ халат кийган ҳамшираларгача зимдан “фалвир”дан ўтказиб юрган Тоҳир аллақандай фамгин қиёфадаги Севарани кўрди-ю, нияти ушалганлигини англади. Айниқса, қизнинг бўйнидаги шода-шода тақинчоқлару бошқа зеб-зийнатлари йигитни шошириб қўйғанди.

Севара оиланинг ягона фарзанди, данғиллама ҳовлижой, гаражда турган мойи артилмаган “Каптива” автомашинаси ҳам ана шу меросхўрники эканлиги тўғрисидаги “маълумотлар” тўлиқ тасдиқланди. Энг муҳими, қизгинани ўгай она чиқиштирмаётганини орқаворотдан эшитган фирибгар ўзига ўзи “Бойвучча келин муборак, Тоҳирбек!”, дейишдан тийилолмади. У уйидан безор бўлган бу “кўча кўрмаган” ойимтиллани “кўп йиллик тажриба”сидан келиб чиқиб, ортиқча қийинчиликсиз ўз

томонига оғдириб олишига шубҳа қилмасди. Энди фақат “иш”га киришиш лозим эди, холос.

Нопок ниятли Тоҳирнинг дастлабки “уринишлар”и беҳуда кетди. Ота-онаси берган тарбия Севарани ўзи сезмаган ҳолда балоқазолардан асраб қолганди. Тоҳир қизни тузогига илинтириш учун ўта устомонлик билан ҳаракат қилиш лозимлигини тушунди. Ўша куни тунги навбатчилик пайтида Севаранинг ортидан соядек әргашиб юрди. Ширин-ширин сўзлар билан кўнглини овлашга уринди, ҳатто қўлидаги китобдан шеърлар ўқиб берди. Ўзини олийжаноб, қўлидан ҳар қандай иш келадиган уддабурон-бизнесмен қилиб кўрсатди. Гап орасида эса, ўтган ҳаётидан, бошига тушган мусибатдан ёзғирди, ўзини ноҳақ алданган кимса қилиб кўрсатиб, қизнинг кўнглида раҳм-шафқат ўйғотишга уринди.

Аслини айтганда, Севара ҳам ана шундай таскин-тасалли, меҳр-оқибатга муҳтоҷ эди. Чунки унинг нозик кўнглини уйдаги адойсиз тортишувлар, ўғай онанинг аччиқ-тирсиқ гап-сўзлари буткул зада қилиб ташлаганди. Энг ёмони, у кейинги кунларда ўғай онаси қаторида отасидан ҳам кўнгли совий бошлаганди, бу дунёда ўзини ёлғиз-нотовон, ҳеч кимга кераги йўқ бир кимсадек ҳис этарди. Унинг ҳаёти ана шундай абгор бўлиб ётган бир пайтда Тоҳир меҳрибон бир инсон қиёфасида қалбига кириб келди. Ҳали оқ-корани яхши ажратолмайдиган қиз бир номарднинг домига илинганини, севгиси сохта бўлиб чиқишини, вақти келиб фожиали яқунланишини қаёқдан ҳам билсин эди!

Севара 4-палатадаги беморнинг совфаларини садоқат рамзи сифатида хурсандчиллик билан қабул қилас, дугоналарига кўз-кўз қилишдан завқланарди. Энди у ўтиrsa ҳам, турса ҳам Тоҳир акасини хаёлидан чиқаролмас, бошига баҳт қуши қўнгани, “оқ от минган шаҳзода”си келганига ишончи комил эди. Йигитнинг ёши унга тўғри келмаслиги, илгари бир неча марта уйланиб, болаларини ташлаб кетганлиги тўғрисидаги ишхонадаги tengdoш-дугоналарининг гап-сўзларини у шунчаки фийбат-бўхтонга ўйниб қўяқолди.

Ражаб ака қизининг кўзларидаги қувончни кўриб, ўзида йўқ қувонди. Буларнинг ҳаммаси янги ўй бекасининг шарофатидан, деган хulosага келди. Ўғай она эса, аёл киши эмасми, Севара

кимнидир ёқтириб қолганини аллақачон сезган ва унинг бахтини топиб, иложи борича тезроқ бу хонадонни тарк этишини жуда-жуда истарди.

Тоҳир шифохонадан чиққанидан кейин биринчи учрашувдаёқ ўта эҳтиёткорлик билан Севарада кўнгли борлигини айтди. Аввалига оиласи ҳақида, хусусан, хотини фуруру шаънини ерга уриб, хиёнат қилганини шундай жабрдийда оҳангда гапириб бердики, беихтиёр Севаранинг кўзига ёш келди.

Буни кўриб Тоҳир ўқ нишонга бехато текканини англади ва фурсатни қўлдан бой бермай, муддаога ўтди. Агар Севара ҳўп деса, уйланишини, бир умр бошида кўтариб юришини айтди. Севарава эса, унинг илтижоли термулиб турганини кўриб, индамай босини эгди. Бу — розилик аломати эди.

Тутқунлик

Севара бир фирибгар усталик билан қўйган тўрга илиниб қолганини мутлақо ҳаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, ўша кунлари у ҳаётда узоқ пайтдан буён излаётган бахтини кутилмаганда топиб олган кимсадек, ўта бахтиёр эди...

Тоҳир эҳтиёткорликни унумасди. У Севара билан учрашув жойини бир неча марта ўзгартирап, уларни ҳеч ким қузатмаётганига ишонч ҳосил қилгандан кейингина кутилмаганда арвоҳдек пайдо бўларди. Соддадил қиз эса, “буни мен учун қиляпти, демак севади” деган ўй-хаёлда хафа бўлиш у ёқда турсин, аксинча, фурур жўш уриб, йигитта нисбатан меҳри яна ҳам ортарди.

— Дадангизга мен ҳақимда гапириб бергандирсиз? — сўради бир куни қиздан Тоҳир.

— Вой, сизни қарангут, дадам у ёқда турсин, ҳатто, ўғай онамга ҳам муносабатларимизни билмайди, — қизариб ерга қаради Севара. — Вақти келганда ҳаммасини билиб олишади.

— Офарин, азизам, яна бир марта офарин! — қувончини ичига яширолмади Тоҳир. — Чиндан ҳам яхши тарбия кўрган қиз экансиз, яна бир марта тан бердим. Тўйга яқин дадангизнинг олдига бирга бориб дуоларини оламиз, унгача сўрасалар ҳам мени “сот-масликка” сўз беринг. Йўқ, яхшиси, қасам ичинг.

— Нега?

— Отадай улуг зотнинг ҳурмати... — тилёғламалик қилиб йиғламсиради йигит. — Менинг отам ёки онам ҳаёт бўлганларида эди... водариг...

— Сиз нима десангиз шу, — йигитнинг кўзларига қарашга уялди Севара, — сўз ҳам бераман, сиз учун қасам ҳам ичаман.

Пухта ўйланган жиноий “режа”ни ортиқ пайсалга солишнинг иложи йўқ эди. Ниҳоят, ўша кун ҳам келди. Январь ойининг аёзли кунларидан бирида Тоҳир Севарани кутилмагандага “үй”ига таклиф қилиб қолди.

— Биласиз, сўққабош одамман, фақат кўчада овқатланаман, — ёзғирди йигит. — Уйда пиширилган овқатни қанчалик соғинганимни билсангиз эди. Ҳадим сифмаса ҳам илтимос қиласман, уйга келиб бирор-бири овқат пишириб беролмайсизми?

Рости гап. Тоҳирнинг бу самимий илтимоси Севарага ёқиб тушди. Ахир, бу киши унга бегона эмас, кейин йигитнинг арзимаган илтимосини рад этиш инсоғизликтай кўринди қизга. “Ёки менинг пазандалигимни синаб кўрмоқ учун атайлаб шундай қиляптимикан?” — деган хаёл ҳам яшин тезлигида хаёлидан ўтди. Шу боис у дарров розилик билдири:

— Бугун кечгача вақтим bemalol, айтган овқатингизни тайёрлаб бераман.

Кейин улар Тоҳирнинг саккизинчи қаватдаги З хонали ижара уйига йўл олишди. Ўша куни Севара масаллиқ етарли бўлмаса ҳам овқатни алоҳида меҳр билан тайёрлади. Анчадан бери ювилмаган идиш-товоқларни чайиб-артиб, жой-жойига қўйди. Уй жихозларини тозалаётганда диванда беўхшов ётган Тоҳирнинг унга беҳаёларча тикилиб турганини сезиб қолди. Қиз даҳлизга чиқиб, кийимларни кийди-да, ишга борадиган вақт бўлди, дея кетишга рухсат сўради. Севара кечириб бўлмас хатога йўл қўйганини сезди-ю, сир бой бермаслик учун ўзини хотиржам тутишга тиришарди. Тоҳир ўта хотиржамлик билан унинг қўлига калитни тутқазди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Севара эшик қулфини очди-ю, аммо эшик очилмади. Қизнинг асаби қақшаб, жаҳл билан эшикни тортди, итариб ҳам кўрди. У ёнгинасида турган Тоҳирга нажот илинжида қаради.

Йигит кутилмаганда унинг қўлидаги телефонни тортиб олди-да, бошига зарб билан мушт тушириди.

— Шовқин кўтарма, барибир фойдаси йўқ... — деди Тоҳир кўзларини ола-кула қилиб. — Нақд саккизинчи қаватдан пастга улоқтириб юбораман.

Севара Тоҳирнинг важоҳатини кўриб, қўрққанидан юраги ёрилиб кетай деди.

Наҳотки, у алданган бўлса?! Кечаги ширин сўзлару ваъдалар қани?.. Нега у дабдурустдан бундай ўзгариб қолди? Унинг нияти нима ўзи?!

— Ҳеч қаёққа кетмайсан, бугун шу уйда қоласан, — деди Тоҳир таҳдидли овозда. — Ниятим нима эканини кейин айтаман. Ҳозир эса, мени бир хурсанд қиласан...

Тоҳир қизни зўрлик билан тўшакка томон судради...

* * *

Севаранинг дарду дунёси қоронфу тортиб кетди. Унинг бу ердалигини ҳеч ким билмаслиги ва најжот йўқлиги бир муддат юрагига ғулгула солди-ю, ожизлигидан юм-юм йифлади. “Энди дадамнинг юзига қандай қарайман, ор-номусини сақлай олмаган қиз кимга керак”, юрак-бағри аламу адоваратга тўлиб кетган Севара ўзига ўзи тинимсиз савол берар, лекин уларнинг бирортасига жавоб тополмасди. У калаванинг учини йўқотиб қўйган одамдек қаловланиб қолганди. Кечагина энг самий туйғулардан тўлиб-тошиб гапирган Тоҳирнинг кутилмаганда шундай ёвуз кимсага айланиб қолганига ўзини сира ишонтиrolмасди.

Энди боёқишининг таҳдиди қандай кечади, уни яна қандай қўргуликлар кутяпти, буни яратгандан бошқа ҳеч ким билмасди.

— Қочишга ёки бирордан ёрдам сўрашга уринсанг, ўлдираман, — деди Тоҳир баттар таҳдид солган кўйи. — Қачон рухсат берсам, шунда уйингга кетасан, уқдингми? Бугундан бошлаб сен тутқунлиқдасан!

— Менга уйланасизми? — минг битта истиҳола билан Севара шу саволни беришга ўзини мажбур қилди.

— Етти ёт бегона одам яхши гапириб, етакласа кетаверадиган қизни ким ҳам хотин қиласын, — деди пинагини бузмай йигит.

— Мен сизга ишонгандым, — йиғлади абгор бўлган қиз бечора, — баҳтимни ўғирладингиз, ҳали бунга жавоб берасиз. Жиноятчи!

Афтидан, Тоҳир қизни фақат хўрлаш билан чекланиб қолмай, яна аллақандай қабиҳ ниятни мўлжаллаб турган эди. Унинг нияти кўп ўтмай аён бўлди.

Ўша куниёқ у Севаранинг уйига, аниқроқ қилиб айтганда, унинг дадасига қўнғироқ қилиб, “қизингиз ишончли жойда, фақат бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очманг”, деда гўшакни қўйиб қўйганди.

Этаси куни кечқурун эса, у яна Ражаб акага бошқа телевондан қўнғироқ қилди. Фақат бу гал мақсадини очиқ айтди: “10.000 АҚШ доллари эвазига Севарани қўлингизга соғ-саломат қайтараман”, деди. Шунингдек, у бу ҳақда ички ишлар бўлими ходимлари ёки бошқа бирор кимса хабар топгудек бўлса, қизидан умидини узаверишини ўқтириди.

Одатда, Тоҳир эрталаб Севаранинг устидан қулфлаб уйдан чиқиб кетар, аллақаерларда дайдиб юриб, ярим тунда маст-аласт ҳолда қайтарди. У бугун-эрта Севаранинг дадасидан пулни олиб, узоқроққа жуфтакни ростламоқчи эди.

Ражаб aka ички ишлар идорасига мурожаат қилиши билан тезкор чоралар қўрилганлиги оқибатида жиноятчининг изига тушишга муваффақ бўлинди. Сўраб-суриштиришлар туфайли Тоҳирнинг ижара уйи аниқланди. Бироқ Тоҳир у ердан қочишига, Севарани бир танишиникига олиб бориб яшириб қўйишига улгурган эди. Шоҳидамас, баргига юрадиган милиция ходимлари гаровда ушлаб турилган Севара билан маҳфий равишда телефон орқали алоқа ўрнатишиди. Кейин қизнинг ҳаётини хавф-хатарга қўймаслик учун кузатув давом эттирилди. Энди сири фош бўлган Тоҳирдан ҳар қандай қабиҳликни кутиш мумкин эди. У ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида яширинмоқчи бўлганида қўлга олинди. Тутқунликдан озод этилган Севарани дадаси уйига олиб кетди.

Шундай қилиб, муқаддам икки марта судланган, одам ўғриси Тоҳир Турманов суд ҳукми билан қонуний жазога тортилди ва узоқ муддатта озодликдан маҳрум этилди.

Сабоқ

Нур борки, соя бор деганларидек, ҳаётда яхшилик билан ёмонлик ҳамиша ёнма-ён яшайды. Оиладаги нохушликлар, ота-онанинг фарзандига нисбатан беэътиборлиги эндигина балофат ёшига етган, ҳали етарли ҳаёттй тажрибага эга бўлмаган соддадил Севарани азоб-уқубатлар чекишга олиб келди. Унинг қалб яраси битиб кетишига анча вақт керак бўлади.

Тўғрисини айтадиган бўлсак, баъзи одамлар Севара тутқунликда яшаётганидан хабардор бўлишган. Аммо бунга лоқайдлик билан қарашган.

Хулоса шуки, ҳаётда эзгулик барқарор бўлиши учун ҳамма бирдек курашиши, хайрли амалларни қўллаб-қувватлаши лоэим. Ҳар ишда огоҳлик ҳаёт мезони бўлиши керак.

ОНАСИННИГ ҚОТИЛИ

Ароқхўр келинчак

Соҳибжамол Виктория барча давраларнинг гули бўлганлиги учун ҳам, ошиқларининг сон-санофи йўқ эди. Наримон бу қизни бир қўришдаёқ севиб қолди. Виканинг ҳам унга қўнгли борлигини билган йигит суриштириб ҳам ўтиромай, совчи қўйди. Шундай аснода Наримон бадавлат оиласининг якка-ю ягона қизига не-не орзулар билан уйланди. Келинчакнинг аввалдан қўйған шартига қўра, ёшлар никоҳ кечасидан кейин тўғри янги уйга келиб яшай бошлишди. “Келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичиш”ни ният қилган қайнота-қайнона фарзандининг баҳти учун ўз орзуларидан воз кечишга мажбур бўлишди.

Аввалига янги келин-куёвнинг ҳаёти бошқалар ҳавас қилгудек бир маромда кечаётгандек эди. Лекин тез орада Викториянинг “хурмача” қилиqlари эрини ҳайрон қолдира бошлиди. Деярли ҳар куни ишдан ширакайф бўлиб келадиган келин бу қилмишини тури-туман баҳоналар билан изоҳлар, ўзини оқлашга тиришарди. “Ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзинг ичасан” деганлариdek, Наримон оиласидаги бу нохушликларни ота-онаси билиб қолишидан чўчир, шунинг учун дарди ичиди эди. Бора-бора, Наримон хотинини саҳар-мардонда ҳам ўрнидан тополмайдиган бўлди. Охир-оқибат, у Викторияни қўшни кўчадаги газакхона олдида “бошоғриқ” қилаётганида ушлаб олди. Маълум бўлишича, келинчак ёш бўлишига қарамай, ичмаса туролмайдиганлар касалига мубтало бўлган экан. Күёв бечоранинг боши қотиб қолди. Оиласи сақлаб қолиш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қилиб кўрди. Афсуски, Виктория даволаниб келганидан кейин ҳам, ўз билгани-

дан қолмай, қылғилигини давом эттираверди. Бу орада отасининг вафот этганлиги унга яхшигина баҳона бўлди.

— Отамни эслаб ичяпман, бўлмаса менга зарил келибдими? — дерди аёл эрининг даккиларига жавобан.

“Букрини гўр тузатади” деганлариdek, пешонаси шўрлигига чидай олмаган Наримон хотини билан ажрашди. Чунки кунлардан бирда хотини унинг қўзига бақрайиб:

— Иккаламиз ҳамма нарсани teng бўлишишимиз керак. Пулими бўлса, етарли. Ёшлиқда ҳаётнинг завқини суриш керак, азизим. Нега энди сен эrim бўла туриб, ароқнинг teng ярмига шерик бўлмаслигинг керак?! — деб айтган масхараомуз гапи унинг бусиз ҳам тўлиб турган сабр косасини тошириб юборди.

Онасиникига қайтиб келган Виктория туппа-тузук ишини ҳам ташлади. Ичкиликбозликка муккасидан кетган аёлни бирин-кетин “улфатлар” и ҳам тарк этишди. Онасининг жамғариб қўйган пули қаердалигини яхши билган Виктория пайт пойлаб, уни ўғирлади. “Дўппи тор келганда” эса, у қўшниси Манзура опани ўғрига чиқарди. Жамғармасининг қаерга “гумдон” бўлганлигини яхши билган она қизининг жавобгар бўлиб қолишидан қўрқиб, аламини ичига ютди. Шунинг учун бўлса керак, қўни-қўшниларига: “Пулни ўзим бир жойга яшириб қўйиб, ёдимдан кўтарилган экан, яқинда топиб олдим”, деб ёлғон гапиришга мажбур бўлди. Қизининг аризасига мувофиқ, тергов ҳаракатларини бошлаган ички ишлар ходимларига ҳам ана шу жавобни қилди. Шундан кейин ҳам бир эмас, икки эмас, уч марта турмушга чиқсан Виктория ҳар сафар, ўзининг тили билан айтганда, “шунчаки хобби учун” эрга тегиб, орадан кўп ўтмай, онасиникига қайтиб келарди. Табиат ато эттан чироили қадди-қомат ва ҳусну малоҳат туфайли бу аёл ҳар қандай эркакни жуда тез “ўраб” оларди.

Хўрланган она

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Икки нафар фарзанди бўй етиб, орзу-ҳаваслар билан тўй қиласман, набира қўраман деб турган Мансурни нима жин урди, қариндош-уроф, танишлари ҳайрон. У Викторияни севиб қолган эмиш... Ажабо! Аслида 40 ёшдан ош-

ган танбалнинг бу иккинчи муҳаббати, чунки биринчиси ароқ ва буни ҳамма билади. Мансур Мөхрибонлик уйида ўсиб-улғайган Хосиятга уйлангач, оила ташвишини унинг бўйнига илиб қўйганди. Борадиган жойи бўлмаганлиги учун бечора аёл ҳаммасига бардош берди, кетмон ҳам чопди, кўча ҳам супурди, охир-оқибат, шаҳардаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонага буюртма асосида маҳсулот етказиб берувчи-таъминотчи бўлиб ишга кирди. Маҳалла аёллари ҳам ундан миннатдор. Ахир, ҳалол меҳнат қилиб, даромад кўрганга нима етсин?!

Ана шундай аёл бугун кўчада қолди. Хотини билан болалирини уйдан ҳайдаган Мансур тез-тез янги қайнонасиликiga борадиган, ҳатто ўша ерда тунаб қоладиган одат чиқарди.

Шундай кунларнинг бирида кечга томон одатдагидай кайфи тароқ Вика ичганлари камлик қилди шекилли, онасидан пул талаб қилди. Кампир пули йўқлигини унга тушунтираман деб, боши ба-лога қолди.

— Керак бўлса, бошқа оналар каби мени бир умр боқасан, тушундингми? — деди газаб билан онасининг бир тутам сочини чанглаб олган жувон. — Керак бўлса, тиланчилик қиласан! Гап тамом, халтадаги пулдан чўз!

Ожизлигидан диванга ўзиқилган шўрлик она юм-юм йиғлашдан бошқа юпанч топа олмади. Тунги соат 21.00 ларда Викторияни излаб келган ширақайф Мансур бўлиб ўтган машмашадан хабар топгач, она-болани муросага келтироқчи бўлди. Янги куёв бошқаларга ўхшаб “севгилиси”ни гул билан эмас, балки бир шиша ароқ, тузланган бодринг билан йўқлаб келган эди. Келин-куёв ошхонада ароқни ичib тутатишгач, кайфлари ошиб, кўзларига ҳеч вақо кўринмай қолди. Эҳтиётдан озгина пулни халтачага солиб, бўйнига осиб олган Раиса опа қизининг дўқ-пўписаларини одатдагидай харҳашага йўйди. Аммо бу сафар қизи ҳеч нарсадан таптортмаслигини она шўрлик қаёқдан билсин эди...

Қабоҳат

Онасини бир зарб билан ерга қулатган Виктория Мансурни “ёрдам”га чақирди. Улар додлаётган кампирни коптоқдек тепиб,

нафаси чиқмайдиган қилиб қўйишиди. Аммо “мол аччиғи — жон аччиғи”, деганларидек, қонга беланганд Райса опа бўйнида осилиб турган халтани икки қўллаб чанглалаб олганча, қўйиб юбормасди. Келин-куёв аёлни калтаклаб чарчашиб шекилли, бир оз “танаффус”га чиқишиди. Вика “қора кун”га деб яшириб қўйган 200 грамм ароқни ошхонага кириб ичиб олишгач, “гапга кирмас” кампирни уриб-тепишида яна давом этишиди. Ниҳоят, чўзилган қўйи қимирламай қолган онасининг бўйнидаги халтача боғичларини пичноқ билан кесиб олган Вика пулни Мансурга берди.

— Бўлар иш бўлди, — деди чайқалиб турган йигит бир амаллаб қаллифи томонга буриларкан, — Сен ниманидир унутмадингми, жонгинам? Ахир, кампиршога тилла занжирнинг нима кераги бор?

— Унга кераги йўқ, лекин менга ҳам кераги йўқ, — деди ҳафсаласизлик билан аёл. — Чунки у тилла эмас, ялтири-юлтири тошлар, холос.

— Барибир бу нарса товар, — деди бир амаллаб кампирнинг бўйнидаги тақинчоқни ечиб оларкан Мансур, — товарни эса, ҳар доим сотса бўлади, у пулга айланади.

Улар уйдан чиқиб кетишаркан, Вика бўш халтачани полда беўхшов ётган онасининг устига отиб юборди-да, эшикни устидан қулфлади. Туни билан текин пулга майшат қилган “келин-куёв” Мансурнида тунаб қолишиди. Вика қоқ пешинда ўзига келиб, уйғонди-ю, нимагадир кўнгли фаш бўлиб, уйига шошилди. У квартира эшигини очиши билан полда қонга беланиб ётган онасига қўзи тушди. Аввалига дод солиб қўшниларни чақирмоқчи бўлди-ю, кейин нимадир элас-элас ёдига тушгандай бўлди, бу шаштидан қайтди. “Нималар бўляпти ўзи?” ўйга толди у. Виктория онасининг шу алфозда ётганини илгари қачон кўрганини эслашга уринарди. Ҳа... ёдига тушди. У кечаси Мансур билан уйдан чиқиб кетаётганда ҳам онаси худди шу ерда, ўз қонига беланиб, беҳуш ётганди. Шундагина енгидаги қизғиши доғлар қаердан пайдо бўлганлигини англагандек бўлди. “Наҳотки, мен... наҳотки, биз... йўқ бўлиши мумкин эмас!”. Яшин тезлигида ўйлаётган Вика секин эгилиб, томир уришини аниқлаш учун онасининг билагини ушлади. У худди муз парчасини ушлагандек беихтиёр инграб юборди ва кўчага отилиб чиқди. Эшикни қулфлашни унутмади, албатта.

Вика ўзини хотиржам одамдек қилиб күрсатишга қанчалик уринмасин, узун-узун киприклар орасидан доимо мафтункор боқадиган шаҳло кўзлари шу тобда бежо чақчайиб, мудҳиш сирни ошкор қиласидигандек эди. Аёл шу дамда онасига ачиниш ўрнига кўпроқ ўз тақдери тўғрисида қайфураркан, қотиллик жойидан иложи борича тезроқ узоқлашишни хоҳларди. Энди нима қилиш кераклигини ўйлаётган Вика йўл-йўлакай бошогриfiga кўча юзида-ги газакхонадан 100 грамм ароқни урди-да, тузланган бодрингни ямлай-ямлай дугонаси Шураникига кирди.

— Мабодо, милициядан суриштиришса, тунда Мансур билан Вика менинг уйимда тунаб қолиши дейсан, — тайинлади дугона-сига. — Яримта ароқ мендан.

Адолат

“Кўза кунда эмас, кунида синади” деганларидек, у сўнгти нияти жуда кўп йилларгача амалга ошмаслигини ҳали билмасди. Аллақачон ҳамма гапдан хабардор бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари Виктория уйига қайтиши билан қўлга олиши. Унинг жиноий шериги — муқаддам судланган Мансур ҳам ҳибсга олинди.

... Темир қафас ичидаги кўзларини ердан узолмай ўтирган хушсурат аёлга суд залида ўтирган яқинлари ҳам нафрат билан қарашарди. Афсуски, у бунга лойиқ. Ҳозир у нималарни кўнглидан ўтказаётган экан? Буни биз билмаймиз. Лекин бошқа бир нарсани биз аниқ биламиз. Онаизор ўз фарзанди унинг умрига зомин бўлади, деб сира-сира ўйламаганлиги айни ҳақиқат.

Хом сут эмган бандаси билиб-бilmай хато қиласди. Албатта, тавба қилиб, хатони тўғриласа бўлади. Ҳатто мудҳиш жиноятлар ҳам, вақти келиб, кечирилиши мумкин. Аммо бир гуноҳ борки, унинг тавқи лаънати ҳеч қачон кечирилмайди. Ўз онасининг жонига қасд қилиш — катта гуноҳ. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик одамни, таъбир жоиз бўлса, бир муддат манқуртга айлантиради. Манқуртлик эса, нафақат оиласа, атрофдагиларга, балки одамзотга таҳдиддир.

Одил суд сохта “севишганлар”га содир этган жиноятига яраша жазо тайинлади. Бошқача айтганда, адолат қарор топди.

САРОБГА АЙЛАНГАН ОРЗУЛАР

Бир кам дунё

Оиланинг тўнгич фарзанди бўлмиш Тўлқин уйлангач, тўрт қаватли уйдан икки хонали квартира сотиб олиб, оиласи билан кўчиб ўтди. Эр хотин — қўш ҳўқиз, деганлари дик, бир йил ичидаги рўзгорни бутлаб олишди. Улар аҳил, тинч-тотув яшар, шу боис бу ёш оиласа кўпчилик ҳавас билан қааради. Кунлар ана шундай тинч ва осойишта ўтиб борар, бунинг устига ҳадемай фарзанд кўришлари тўғрисидаги хабар Тўлқинни ҳам, Сайдани ҳам бирдек қувонтириб юборди. Улар ҳадемай дунёга келадиган янги меҳмонга исм қўйиш, уни қандай тарбиялаш ҳақида ширин-ширин орзуларга берилишарди.

Аммо инсон уни эртага нималар кутаётганини билмас экан. “Бир кам дунё” деб шунга айтишса керак-да. Фарзанд туғилишига бир ой қолганида мусибат юз берди, Тўлқин автоҳалокатга учраб, вафот этди. Ҳаётнинг кутилмаган бу зарбасидан Саида қаттиқ гангигб қолди, фарёд чекиб, ўзини тўрт томонга уорди. Бироқ осмон узоқ, ер қаттиқ, тақдиргага тан бермай, илож ӣӯқ. Саида йиглай-йиглай охири айрилиққа қўниқди.

Орадан кўп ўтмай, янги меҳмон — Ёдгор туғилиши билан оиланинг ўчган чироги қайта ёнгандай бўлди. Чақалоқнинг чилласи чиқиши билан шу вақтгача Сайданинг ёлғизлигини билдирамаслик учун кечак-ю кундуз унинг ёнида бўлган онаси, укасига ҳам ўз уйларига кетиш учун изн берилди. Уларнинг ҳам рўзгори, тириклиги бор, уйларига кетишиди. Фақат укаси Қаҳрамон бир муддат кечаси шу ерда ётиб юрадиган бўлди.

Еганин ош деманг, ёлғиз аёлнинг...

Оддий кунларнинг бирида Саида чақалогини шифохонага олиб борди. Тушликка яқин уйига қайтиб келди-ю, эшикни очиши билан додлаб юборишига оз қолди. Хоналар тўпиққача сувга тўлган эди. Ваннахонадаги сув жўмрагини очиқ қолдирибман-да, деб ўйлаб қараган эди, шифтдан шариллаб сув оқаётганини кўрди. Саида ухлаб қолган боласини каравотига ётқазди-да, иккинчи қаватга чопиб чиқиб, қўшнисининг эшигини тақиллатди. Хонадон эгаси Холида опанинг ўғли эшикни очди.

— Э-э, келсинлар қўшни, — деди йигит ўзига ярашмаган мулоzамат билан.

— Ойингиз уйдами? — сўради аёл шошиб. — Уйингиздан бизниги сув оқиб тушяпти, тез тўхтатинг, ҳаммаёқ расво бўляпти.

Аммо бу гапларга киприк ҳам қоқмаган Фарҳод унга аллақандай хирс билан тикилиб тураверди.

— Мен ўт кетдими деб ўйлабман? — Намунча шошасиз, Саидахон, бундай уйга киринг, сұхбатингизни олайлик, — деди Фарҳод худди караҳт одамдек. — Кўздай қўшни, қорангизни кўрсатмайсиз...

Бундай беҳаёликни кутмаган Саиданинг баттар асаби чақнади. Йигит ширақайф бўлса керак, деган ўйда уни четлаб ўтиб, юви ниш хонасига кирди. Тахмин қилинганидек, ҳақиқатан ҳам ваннадан сув тошиб, пастки қаватга оқаётган экан. Худди атайин қилингандек, жўмраклар ҳам очиб қўйилган, шариллаб оқаётган сувнинг овози хонани тутиб кетганди. Саида сув кечиб, шошапиша жўмракларни беркитди. Уйда қўшниси йўқлигини билгач, эшикларни очиб қўйди-да, ерда тўпланиб ётган сувни ҳам тозалаб, артиб олди. Уйига қайтаркан, азбаройи жаҳлини босолмай, ҳамон қоқилган қозиқдай унинг барча ҳаракатларини сурбетларча кузатиб турган йигитга юзланди.

— Атайлаб шундай қиляпсизми, Фарҳод ака? — Сизни таниёлмай қолдим? Нима гап ўзи?

— Жудаям очилиб кетибсиз-ку, Саидахон, — деди жавоб ўрнига беҳаёларча ишшаяркан Фарҳод.

Энди жувоннинг сабр косаси тўлди. У оғзига келганини қайтарадиган аҳволда эмасди.

— Жинни-пинни бўлиб қолмаганмисан, уятсиз, — деди жаҳли чиққан Саида. — Аям уйда йўқ, деб ичиб олиб, валдирайверасанми?

Саида гавдаси билан эшикни тўсиб турган давангирдай йигитни куч билан суриб, ташқарига отилиб чиқиб кетди.

— Биринчидан, мен сендан бир, бир ярим ёш каттаман, сенсирама, хўпми? — деди ўша-ўша хотиржам оҳангда Фарҳод аёлнинг ортидан. — Иккинчидан, ҳозир кўчадан келдим, сув тошганидан хабарим йўқ. Учинчидан, қўрқма, ҳамма харажатларни икки ҳисса қилиб тўлайман.

Йигит гапини тугатмасдан пастки қаватдаги хонадон эшиги қарсиллаб ёпилди. Саида шошилганча уйига кирди-ю, пишиллаб ухлаёттан ўғлини кўриб, кўнгли бироз хотиржам бўлди. Аммо селдай бостириб келаётган аламли кўз ёшлигини, қанчалик уринмасин, барибир тўхтатишга ожизлик қилди. Жувон жигаргўшасининг майин, қоп-қора соchlарини силаркан, дардини унга тўкиб солди: “Даданг мени сенга ишониб ташлаб кетган, болажоним. Сен қачон катта бўлиб мени ҳимоя қиласидиган бўласан, Ёдгоржон? Ёлғиз аёлга нақадар қийин эканлигини мана энди бошимга тушганда билдим. Ейиш-ичищдан камчилигим йўқ, лекин қадримга йиғлайман. Кимга ишим тушса, бошим очиқлигини билиши билан муомаласи ўзгаради. Бахтимга тезроқ катта бўл, суюнган тогим...”

Кечга томон уйига қайтган Холида опа бўлган воқеани эшишиб, ўғли билан биринчи қаватдаги қўшнисиникига тушди. Узр сўрашди. Она-бала усталар ҳақини ҳам, таъмирлаш харажатларини ҳам зиммасига олишини айтди. Бундан Сайданинг кўнгли хиёл таскин топди. Ҳарқалай айбини билиб, кечирим сўраяптику. Кўздай қўшниси билан сан-манга бормаслик учун ўғлининг сурбетлик қилганлиги тўғрисида онасига лом-мим демади. Бу кўнгилчанлиги кейинчалик ўзига нақадар қимматга тушишини бечора қаёқдан ҳам билсин эди. Жувон сув тошиши тасодифан эмас — Фарҳод томонидан атай уюштирилганлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Ўша куни Саида Холида опа билан сұхбатлашиб ўтирган пайтда Фарҳод ўзини “қўй оғзидан чўп олмаган” одамдай хокисор тут-

ганини кўрган уй бекаси унга меҳмонхонадаги телевизорни қўйиб берди. Бу ўғрига пул ва тилла тақинчоқлар сақланадиган сейфни очиб кўрсатишигина эмас, балки унинг калитини қўлига тутқазиш билан баробар эди. Фарҳод илондай сеззирмай, уйни обдон кўздан кечириб чиқди. Қўлга илинадиган ҳар бир қимматбаҳо буюмни ушлаб, нимагадир чамалаб кўрди. У хонадонни тарк этар экан, кайфияти чоғ эканлигини яшириб ўтирумади. Бу бежиз эмасди, албатта. Шундоқ оёғининг остида яшайдиган оила у ўйлагандан кўра анча бадавлат эканлиги унинг “иштаҳа”сини очиб юборганди. Чиндан ҳам, Саиданинг эри саранжом-саришта, пул топишни ҳам, сарфлашни ҳам яхши биладиган тадбиркор инсон бўлганлиги учун рўзгори бут, ҳатто энг сўнгги русумдаги теле-видеоаппаратлардан тортиб, компьютер, ноутбук, DVD, тикув машинасигача бор эди. Биргина қандилнинг ўзи фалон пул туришини ҳамма ҳам билавермасди... Аммо Фарҳоднинг димофини бу қадар чоғ қилган нарса бу буюмларгина эмасди, қолаверса, Саидадай ҳурилиқ жувон унинг қилғилиқларини онасига айтмаганини ўэича тушунди...

“Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли...”

Уйига қайтиб келган Холида опа ўғлидан қаттиқ ранжиганини яшириб ўтирумади.

— Саиданикода кўзинг “олма териб” ўтирганини мени сезмади деб ўйлайсанми? — деди хуноби ошган онаси. — Ер ёрilmади, мен кириб кетмадим, яна эски қилиғингни бошлияпсанми?

— Ҳеч нарсани бошлиётганим йўқ, ая, — ўшқириб берди Фарҳод. — Ўтган гапларни қўзғаб, жаҳлимни чиқарманг.

Холида опа тоби қочиб бораётганини сезиб, жовондан дорисини олиб ичди-да, ўриндиққа омонатгина ўтироди. Унинг кўзларида аламли ёш қалқиди. Дилядагини тўкиб солди:

— Бутун маҳаллага ўғри эканлигинг “отнинг қашқаси”дек маълум бўлгач, ўшандай жойларни ташлаб, шу ердан қўним топдик.

Саидадек келиним бўлишини орзу қилгандим. Боши очиқ экан, шу жувонга сени ўйлантириб қўймоқчиман.

— Бунақаси кетмайди, — бақирди онасига йигит. — Онаси ўпмаган қизга ўйлантираман, деган эдингиз. Она-болаликни бoshимга ураманми?

Шу дақиқада Холида опа у ишонган төf қулаганини биринчи марта жуда аниқ ҳис қилди. Аслида бу төf аллақачон қулаган әди.

“Мени тинч қўй, Олапар!”

Холида опа ўша тунни ѡч қачон унугомаса керак. Ёдида бор, бу воқеа ўғли “Россияга бориб ишлаб келаман”, деб рухсат ҳам сўрамай чиқиб кетганидан сўнг, орадан роса бир ой ўтгач, содир бўлганди.

Электр чироги ўчиб қолгани учун эрта ўрнига ётган Холида опа ҳовлидаги итнинг қаттиқ ҳуришидан уйғониб кетди. Гургурт ёқиб, соатга қаради, тунги уч ярим. У қўрққанидан товуш чиқармай, ҳовлига чиқди. Энди итнинг овози чиқмас, аммо жониворнинг икки кўзи оғилхона тарафдаги отда әди. Ой хира нур сочиб турган бўлса ҳам, онаизор отлиқни таниди, у ўз ўғли әди. Она барибири онада экан-да, бақириб юборишдан ўзини аранг тўхтатиб қолди. Кейин эса, итдан аламини олди.

— Сен Олапар, сира одам бўлмадинг-да! Билганингни қиласан. Мени тинч қўй, хўпми?

Холида опа уйга кириб, юм-юм йиглади. Шунда ҳам ўғлини эмас, унга тарбия беролмаган ўзини койиди. Орадан ярим соатча вақт ўтиб, сал наридаги Бўрижар томондан машина товуши эшилди. Кейин яна ҳаммаёққа жимжитлик чўқди.

Эрталаб Холида опа оғилхонадаги боқувда бўлган бия билан буқанинг ўғирлаб кетилганлигини билса ҳам, ортиқча шовқин қўттармади. Милицияга ҳам бу ҳақда қўшнилар хабар беришди. Терговчига ҳам тўғрисини айтмади. Ўғлим ўқолган жониворларни излаб кетди, деб алдади.

Аммо она ҳам, бола ҳам чучварани хом санашганди. Чунки уч кун ўтиб, “Қўйлиқ” дехқон бозорида от ва буқа гўштини ултуржи пуллаётган Фарҳод қўлга тушди. Тергов жараёнида у мол ўғирлашга “ихтисослаш”ган жинойӣ гурухга бошчилик қилгани рад қилиб бўлмас далиллар билан исботланди. Ўғлининг қилмишидан ор қилган она раҳматли эри қурган ҳайҳотдай ҳовли-жойни ташлаб, маҳалладан кўчиб кетишдан ўзга чора тополмади.

Хуллас, амнистия туфайли муддатидан илгари озодликка чиққан Фарҳодни онаси Бинокор қўргонидаги янги кўп қаватли

үйда кутиб олди. Янги жойда ўғли янгича ҳаёт бошласа керак, деб ўйлаганди. Аммо янгишган экан. Она фарзанд тарбиясида адашганини юрак-юракдан тан олди. Боласининг ножӯя хатти-ҳаракатларига ўз вақтида эътибор бермади, нотўғри йўллардан қайтармади. Унинг қилимшларини, ҳатто жиноятини ҳам яширганлиги ҳали бошига минг бир балоларни солмаса эди! Холида опа ўз хаёлларидан ўзи ваҳимага тушарди. Унинг қўрққанича бор эди. Таъбир жоиз бўлса, тақдирнинг учинчи, сўнгги қўнғироғи аллақачон чалинган эди.

Қулай фурсат келди...

Фожиа юз берган ўша кун тушлиқдан сўнг Холида опанинг уйига Сайданинг онаси қўнғироқ қилиб қолди. Бахтга қарши телефон гўшагини Фарҳод кўтарди.

— Вой борингларга шукур, Фарҳод ўғлим, — ҳол-аҳвол сўради онахон, — тани-жонингиз соғми, Холидаҳон яхши юрибдари. Қизим бугун тунда боласи билан ёлғиз қоладиган бўлди, Қаҳрамонжоннинг тоби қочиб қолди, онангизга айтинг, Сайдадан боҳабар бўлиб турсинлар, — деди онахон.

Йигит холанинг гапларини охиригача тинглаб, илтимосини онасига етказишини, қўнгли тўқ бўлишини қайта-қайта тақрорлади. Фарҳод аллақачон миясида “пишган” режани амалга ошириш вақти келганини англади. У онаси уйга келиши билан бир баҳона топиб, яқинда тўй қиладиган аммасиникига жўнатиб юборди, табиийки, қўнғироқ тўғрисида лом-мим демади. Кейин кунни кеч қилиш учун қиморбозлар йигиладиган жўрасининг уйига йўл олди.

Илон инидан чиқди

Фарҳод шу кетганча, бор-будини қиморга бой бериб, ярим тунда уйига қайtdi. У онаси уйда йўқлигига яна бир марта ишонч ҳосил қилгач, секин биринчи қаватга тушиб, йўлак чироғини ўчириди-да, Сайданинг эшик қўнғироғини устма-уст босди. Ҳеч ким жавоб беравермагач, эшикни тақиллатиб ҳам кўрди, бироқ ичкаридан бирон-бир товуш эшиклимади. “Демак, хоним уйда йўқ, янаям яхши бўлди. Боласи билан ёлғиз қолишга қўрқкан”, деган ўйда калит билан эшикни очиб, ичкарига бош суқди.

У Сайданинг тилла тақинчоқлари қаерда сақланишини аниқ билганлиги учун уларни қийинчиликсиз топди. Кейин күтаришга енгилроқ бўлган компьютер монитори ва видеокамерани олиб, чиқиш эшигига етган ҳам эдики, қархисида турган Сайдага кўзи тушиб, турган жойида қотиб қолди.

— Ҳаммасини жойига қўй, ярамас! — деди Саида разаб билан. — Шунчаликка борасан, деб ўйламагандим.

Йигит итоаткорлик билан қўлидаги буюмларни столга қўйди.

— Ҳўп, мана, айтганингизни бажо келтирдим, хоним, — деди у истеҳзоли тиржайиб. — Энди нима қиласай?

— Энди кўзимдан йўқол! — бақирди уй бекаси.

Бироқ Фарҳоднинг кўзи ёвуз чақнаб турар, у шу тобда ҳеч нарсадан қайтмаслиги яққол сезилиб турарди. Бунинг устига у қиморхонада гиёхвандлик моддаси истеъмол қилган, шу боис нима қилаёттанини ўзи ҳам тўлиқ англаш етмасди. Ҳиёл ўтмай унинг ёвуз нияти юз кўрсатди. Чўнтағидан пичоқни шартта чиқариб, кутимагандан Сайданинг қўксига санчди. Ожиза аёлнинг додлашга ҳам мажоли етмади, баданига кетма-кет пичноқ санчилди.

— Аблаҳ, — деди кийимлари қонга беланган Саида жон талвасасида. — Майли, нима истасанг олгину кўзимдан йўқол!

— Йўқ, бойвучча, мени бекор йўлдан қайтардинг, энди сени тирик қўймайман, — деди Фарҳод.

— Норасида гўдагим борлигини биласиз. Унинг отаси йўқ, шу бола ҳаққи мени тирик қолдиринг, Фарҳод ака, — сўнгги кучини йифиб, ўлимини сезгандай ялиниб-ёлворди аёл.

Қотил эса, аёлнинг ялиниб-ёлвориши, илтижоларига парво ҳам қилмай, унга қайта-қайта пичноқ санчарди.

Кейин у қўшни хонада ухлаб ётган чақалоққа бир қаради-да, ортига қайтиб, энди мурдага айланган аёлнинг қўли, бўйнидаги тақинчоқларни ҳам ечиб олди. Столга қўйган ўфирангдан буюмларни олиб кетишни ҳам унутмади. Фарҳод шу кетишда яна тўғри ҳамтовоқларининг ёнига бориб, ҳеч нарса бўлмагандек, қартабозликни давом эттириди.

Сўнгги пушаймон — оғир

Хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан қотил ўша куниёқ қўлга олинди. Аввалига Фарҳод мен бу ишга қўл урганим йўқ, деб туриб олди. Аммо бу узоққа чўзилмади. Далиллар унинг “кўзини мoshдек” очиб қўйгандан кейингина, у бу қабиҳ жиноятни қандай қилиб амалга оширганини бирма-бир айтиб, кўрсатиб ҳам берди. Тергов ишлари якунланиб, жиноят иши судга ўтказилгач, унга тазийқ ўтказиш, чалкаштириш учун оғзиға кучи етмаган айрим кимсалар, “ўлганни устига тепган” деганларидек, Фарҳодга уй эшигини Сайданинг ўзи очиб берган экан, қабилида асоссиз мишишларни тарқатишгача бориб етишди. Калитни унга жувоннинг ўзи берган экан, деб пана-панада гапирганлар ҳам топилди. Аслида, сув тошиб кетгач, Сайданинг ўйига таъмирчиларни олиб келган Фарҳод пайтдан фойдаланиб, калитни ўғирлаб, ундан нусха ясатиб олган эди. Кейинчалик бунга унинг ўзи иқкор бўлди.

Суд маҳлисида, қанчалик оғир бўлмасин, Холида опа ёлғиз ўғелининг ёнини олиш у ёқда турсин, унинг жинойӣ хатти-ҳаракатини қаттиқ қоралади, бу билан гийбат гапларга ҳам нуқта қўйди.

— Афсуски, пок бир инсоннинг қотили бўлган мана шу жиноятчининг онасиман, — деди аламли кўз ёшлиарини артаркан она. — Отасиз бир норасида гўдакни тирик етимга айлантирган қотилни фарзандим дейишга тилим бормайди. Берган сутимга рози эмасман... Дунёга сифмайдиган орзуларим бор эди... Афсус, орзуларим саробга айланди...

Суд маҳкум Фарҳод Бердиёровни ўта оғир жиноят содир этишда айбдор деб топди ва тегишли муддатта озодликдан маҳрум этди.

Хулоса ўрида бир фикрни айтиб ўтиш жоиз. Фарзанд — бу ниҳол. Ниҳолни эса, қайси томонга эгсангиз, ўша тарафга қараб бўй чўзади. Демак, фарзандларимизга гўдаклигидан эзгуликдан дарс берсак, у ҳам улғайгандага атрофга эзгулик уруғини сочади. Аксинча, унга эътиборсиз бўлиб, тарбияси билан ўз вақтида шуғулланмасак, бир кун келиб, у бизга раҳматнинг ўрнига афсус-надомат келтириши турган гап. Шундай экан, бир кун келиб пушаймонлик азобини тортгандан қўра, фарзандларимизни ўз вақтида тўғри йўлга бошлайлик. Зоро, инсон учун бу ҳаётда сўнгги пушаймондан ҳам оғирроқ жазо бўлмаса керак.

“ЖИЯН” ОПЕРАЦИЯСИ

“Одамнинг олasi ичida” деган гап бежиз айтилмаган. Бахиллик, ҳасадгүйлик, ичиқоралик, охир оқибат жиноят күчасига әлтүвчи айланма сўқмоққа ўхшайди. Ҳасад ўти қаттиқ аланга олса, одамнинг кўзини кўр қилиб, қотилликкача олиб борар экан. Бирорванинг томи қанчалик юксакка бўй чўзган бўлмасин, нодон кимсанга ўзиникидан паст туюлиши, аммо ўзганинг арзимас бойлиги ҳам ҳасадгүйнинг кўзига унивидан минг чандон кўп кўриниши ҳам рост.

Ичиқоралик

Сайдакбар ака қайниси Тўрабекни чин кўнгилдан, самимий яхши кўрар, аммо унинг ножӯя хатти-ҳаракатлари, хизмат вазифасини бажаришдаги камчиликлари учун баъзан насиҳат қилиб, енгилгина койиган вақтлари ҳам бўларди. Тўрабек эса, табиатан кеккайган, мол-дунёга ўч, ҳасадгүй инсон бўлганилиги учун поччасининг дашномларини индамай тингласа-да, ҳеч қачон тўғри қабул қиласди. “Хе, сендақа поччадан ўргилдим”, дерди ўзини таҳқирланаётган деб ҳисоблаган Тўрабек, баъзан ичидагини сиртига чиқариб, “Бойвачча бўлсанг, ўзингга. Менга насиҳат қилиш қанақа бўлишини ҳали сенга кўрсатиб қўяман” дегиси келарди.

Тўрабекнинг ичидаги гиналари йигилиб, адоватга айланди-ю, туғишган опасининг эри — поччасидан ўч олиш режасини туза бошлади. Аслида унинг мақсади бадавлат поччасининг молмулкини қўлга киритиш эди ва бу манфур ниятнинг қора булулари ҳасад осмонида тўплана бошлаганига анча вақт бўлганди. Ўшанда поччаси қишлоқда биринчи бўлиб “Дамас” автомашинасини сотиб

олганини эшитиб, уч-тўрт кун аламзада бўлиб юрди. Бир кўнгли автомашинани яширинча ёқиб юбормоқчи ҳам бўлди. Аммо иложини тополмагач, опасининг кўзи олдида ҳали ёғи артилмаган машинанинг эшигини газаб билан очиб-ёпавериб, шалагини чиқарди. Укасининг одатини яхши билган опаси унга бир сўз демай, юм-юм йиғлади.

— Темирда нима айб, укажон, — деди у йифламсираб, — бу машина сизларники ҳам.

— Қўйсангизчи бўлмағур гапларни, опа, — деди ҳарсиллаб нафас олаётган Тўрабек, — у бизники эмас, эрингизники. — Энди сизлар машинаси бор бойваччасизлар. Сизлар билан тенг бўлолмаймиз.

— Энди поччангга нима деб жавоб бераман?

— Мени айтаверинг, ундан қўрқадиган жойим йўқ, — ўсмоқчилади йигит. — Керак бўлса, эрингиз билан эркакча гаплашиш ҳам қўлимдан келади!

— Жигаримни айбдор қиласманми? — аёл терсайиб турган укасининг елкасини силади. — Иложим қанча, бирор баҳона ўйлаб топарман.

Тиниб-тинчимас поччаси эса, кўп ўтмай автомашинани иккита қилди. “Нексия”дан кейин “Ласетти” ҳам олди. Сайдакбар aka табиатан тўғрисузв, меҳро-оқибатли инсон бўлиб, хотинининг кўнгли учун ҳам Тўрабекни қўллар, сийлаб турарди. У эса, поччасининг фамхўрикликтарини жон-жон деб қабул қиласа-да, лекин ўзини хўрланган, камситилган деб ҳисобларди. У поччасининг борбудидан айрилиб, хонавайрон бўлишини истар, ҳатто қотилликка қўл уришга ҳам тайёр эди. Бу йўлда Тўрабек шу даражага бориб етдики, ҳатто поччаси билан тинч-тотув яшаетган тувишган опасининг аҳволи не кечишини ўйлаб ҳам кўрмади.

Поччасининг кутилмаганда тўсатдан вафот этганлиги туфайли бу ёвуз нияти амалга ошмай қолди. “Ўтган гапга саловат” деганларидек, одам ўлгандан кейин нафақат қариндош-уруғлар, балки етти ёт бегоналар ўртасида ҳам таомилга кўра, орадаги кин-адоват унтуилгувчи эди. Ким киму аммо Тўрабек бундай “кўнгилчан” одамлар сирасига кирмасди. Поччасининг ўлими, опасининг тул қолганлиги ҳам унинг юрагидаги қасос алансини кучайтиурса кучайтириди,

асло үчиргани йўқ. Энди у яқиндагина отасиз қолган, ўн гулидан бир гули очилмаган 19 ёшли жияни Сайдмухторни қандай қилиб бўлмасин “гумдон” қилиш пайига тушди.

Шу ўринда ўз-ўзидан поччасига нисбатан аслида таги пуч адватни эндигина балофат ёшидан хатлаган жиянига нима дахли бор эди, деган савол туғилиши шубҳасиз. Жавоби эса, кутилганидан ҳам оддий: у ҳам бўлса, ўзганинг мулкини қўлга киритиш, бойликка ҳирс қўйишидан бошқа нарса эмасди. Аслида Тўрабекнинг ҳам топиш-тутиши бошқаларнидан кам эмасди. Фақат унда қаноат йўқ эди. “Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга соладир”, деганлари шу бўлса керак-да?

Шундай қилиб, у жиноий ишини амалга ошириш учун шерик излай бошлади.

“Жинояting ҳеч қачон очилмайди”

Тўрабек бундай ҳамтовоқларни қаердан топиши мумкинлигини яхши биларди. Шунинг учун бўлса керак, у ўзи яшайдиган туман марказидаги пивохонага кирди, ўтирганларни обдон кузатгач, улардан бирини кўз остига олиб қўйди. Кейин унинг кўнглига “қўл” солиб кўрди.

— Пул бўлса, ҳамма ишни қиласерман, aka — деди кулимсираб Жунус.

Улар тез орада яна учрашишга ваъдалашиб, ажралишди. Иккинчи учрашувда Тўрабек дангал мақсадга кўчди:

— Агар шу ишни эпласак, автоуловларни олиб қочиб, эҳтиёт қисмларга бўлиб сотиш билан шуғулланардик. — Тезда бойиб кетардик. Қарзларингдан ҳам қутулардинг...

— Ўйлаб кўриб, жавобини айтаман, — деди кутилмаган таклифдан довдираф қолган Жунус.

— Нимадан қўрқасан?! — деди бамайлихотир Тўрабек, — мен “орган”да ишлайман, жинояting ҳеч қачон очилмайди.

Жунуснинг иккиланаётганини сезган Тўрабек унинг айниб қолишидан чўчиб, қўрқитишга ўтди.

— Менинг ниятимни билиб олдинг, — деди у, — энди орқага ўйл ўйқ. Энди мендан қутуломайсан. Керак бўлса, кўчада юролмайдиган қилиб қўйман.

Жунус бу гап-сўзларни нарироқда кузатиб турган қайниси Темур Собировга бироздан сўнг оқизмай-томизмай гапириб берди.

— Рози бўлаверинг, почча, — деди Темур. — Тошназаров Мақсаджон деган танишим бор. Қамоқда ўтириб чиқкан, керак бўлса, одам ўлдиришдан ҳам қайтмайди.

Хуллас, орадан бир неча кун ўтиб пивохона ёнида Тўрабек билан учрашган Жунус хизматга тайёр эканлигини айтди. Тўрабек чўнтагидан 3x4 ҳажмдаги суратни чиқариб Жунусга қўрсатди, кейин совуққонлик билан “Мана шу болани ўлдирасанлар”, деб атрофга олазарак қаарarkan, “Хавфсирамасанг ҳам бўлади, у менинг қариндошим, тўғрироғи, жияним бўлади”, деди.

Суратдаги йигитчага разм солиб, унинг ўспирин эканлигини фаҳмлаган Жунус сўради:

— Уни нега ўлдириш керак?

— Бу ёғи сенинг ишинг эмас, керак, вассалом! — деди овози титраб кетган Тўрабек суратни яна чўнтагига қайтариб солиб қўяркан. — Сен буюртмани бажаряпсан. Бунинг учун мен сенга 5 000 АҚШ доллари тўлайман.

Шундан кейин Тўрабек суратдаги йигитни қаердан топиш кераклигини тушунтириб, унинг “Ласетти” русумли автомашинасининг давлат рақамини айтаркан, қўшиб қўйди, “Болани қандай қилиб “гумдон” қилиш сенларнинг ишинг. Фақат машинага “диқ” тегмасин. Қаерда қолдирсанглар ҳам майли, ўзим топиб оламан. Қасдма-қасдига, бир кунга бўлса ҳам уни ҳайдайман. Кейин эҳтиёт қисмларга бўлиб, сотиб юборамиз... Мен тўғримда бирортасига гуллаб қўйсаларинг, ўзларингта жабр бўлади”.

Сиртмоқ

Шу куни ҳеч нарсадан хабари йўқ Сайдмухтор одатдагидек, машинасида метро бекати ёнидаги доимий жойига келиб, киракашлик мақсадида мижоз кута бошлади. Тахминан кеч соат 19.00 да Сайдмухторнинг олдига икки киши келиб, шошилинч Жиззах вилоятига олиб бориб келишини ундан илтимос қилишди. Гап орасида мижозлардан бири йўл-йўлакай ўйига кириб ўтишни илтимос қилиб, кийиниб чиқиши кераклигини айтди. Ҳайдовчи 80 минг сўм кира

xaқига рози бўлди. Суратдаги йигит айнан мана шу Сайдмухтор эканлигига Жунус ва Темур энди ишонишганди. Айни вақтда жиноий тўданинг яна бир иштирокчиси Мақсуд ваъда қилинган 1000 АҚШ доллари учун маҳкумни бўғиб ўлдиришга мўлжалланган арқонни тайёрлаб, Жунуснинг уйида кутиб ўтиради.

Негадир бир соатдан кўпроқ вақт ўтса-да, кийиниб чиқишига улгурмаган мижозини кутиб, меҳмонхонада телевизор томоша қилиб ўтирган Сайдмухтор хотиржам эди. Аслида эса, ҳал қиувчи паллада Мақсуднинг панд бериб қўйғанлиги вақтнинг чўзилишига сабаб бўлганди.

— Одам ўлдириш қўлимдан келмайди, — деди у ошхонада арқонни столга қўяркан.

— Ўзи бошида сенга ишонмагандим, — деди зарда билан Жунус. — Одам ўлдириш менинг ҳам қўлимдан келмайди. — Шунинг учун сени чақиргандик.

“Операция” барбод бўлишини сезган Жунус қандай қилиб бўлмасин, бошланган ишини охирига етказиш учун чора қидира бошлади. У тезда ташқарига чиқиб, икки шиша ароқ билан икки шиша пиво олиб келди. Шишаларни бўшатгач, учаласи ҳам дадил бўлиб қолишиди. Заҳри қотил ўз ишини қилди. Боягина “одам ўлдириш қўлимдан келмайди”, деган Мақсуд арқонни олиб, ўриндиқда бамайлихотир ўтирган Сайдмухторнинг орқасидан бўйнига ташлади-да, уни чалқанчасига йиқитди. Ҳали навниҳол Сайдмухтор уч нафар барзангига бас келолмади. Қотиллар вақт ярим кечадан оққанида мурдани ўзининг машинасига ортиб, шу яқин ўртадан оқиб ўтадиган ариқ бўйига олиб боришиди-да, қорнига олдиндан тайёрлаб қўйилган телевизорнинг стабилизаторини боғлаб, сувга чўқтириб юборишиди.

Балои нафс эмасми, кейин жиноятчилар шу ернинг ўзида олдиндан тузилган “режа”га ўзгартриш киритишиди. Улар Тўрабекдан бекитиқча “Ласетти”ни айланма йўллар орқали қўшни мамлакат ҳудудига олиб ўтиб, пуллаб юборишига қарор қилишиди. Автомашинанинг салонидан топилган пулга яна ароқхўрлик қилишиди.

Қотилларга кайф бўлиб қолганликлари панд берди. Улар Тошкент шаҳридан чиқишига улгурмай, автоҳалокатга учрашди.

Катта тезлиқда елдай учиб бораётган “Ласетти” йўл четидаги тўсиққа урилиб, олди қисми пачоқ бўлди. Натижада енгил тан жароҳати олган жиноятчилар машинанинг олди ва ортидаги давлат рақамларини ечиб олиб, ҳужжатлари билан уни Бўзсувга чўктириб юбориши. Ўлжага олинган автомагнитола эвазига улар таксида туман марказига етиб олиши.

Сир очилди

“Такси” ҳайдовчисининг ҳушёрлиги ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг тезкор ҳаракатлари туфайли орадан бир кун ўтиб бу жиноят фош этилди. Барча жиноятчилар, жумладан, буюртмачи Тўрабек Тарлонов ҳам қўлга олинди.

Бундан ташқари, Т. Тарлоновнинг уйи кўздан кечирилганида ўқотар қурол, ўқ-дорилар билан Сайдмухторнинг кичик ҳажмдаги фотосурати топилди.

Вақти келиб, қора курсида ўтириши етти ухлаб тушига ҳам кирмаган Тўрабек жазо муқаррарлигини сезгач, зўр бериб, терговни чалғитишга ҳам уриниб кўрди. Лекин далил-исботлар бунинг аксини кўрсатиб турарди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди мазкур жиноят ишини очиқ суд мажлисида кўриб чиқди. Судланувчилар Тўрабек Тарлонов, Жунус Ўсаров, Темур Нормўминов, Мақсуд Эсонов узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Адолат қарор топди. Лекин маржумнинг айрим қариндошлари, чамаси, Тўрабекка ён босиш учун ёлғон гаплар тарқатишганига ёқа ушлайсиз. Миш-мишларга қараганда Сайдмухтор ўлган эмас, у йўқолган, чунки бир неча бор уйига қўнгироқ қилиб, савдо-сотиқ билан Новосибирскда шуғулланиб юрганини айтган эмиш. Энг ёмони, онаси ҳам буни тасдиқлаган. Юзхотирнинг ҳам чегараси бор. Бу жиноятни хаспўшлаш эмасми? Унда одамийлик, диёнатнинг нархи ер билан битта бўлмайдими? Мурда топилгач, бу миш-мишларга чек қўйилди, албатта. Кимдир андуҳдан адо бўлди, кимларнингдир эса, юзи шувут бўлгани қолди.

СУВДА ОҚҚАН ҚИЗАЛОҚ

Нодонлик

Түкин ҳаётта ўрганған Жамиланинг бўйи чўзилиб, балоғат ёшига етгани сайин, хурмача қилиқлари ҳам кўпайди. Дугонасининг очиқ-сочиқ кийинганини кўрган қишлоқ қизлари “Чилла-ки чиллакини кўриб, чумак уради” деганларидек, унга тақлид қила бошлашди. Бундан хавотирга тушган айрим ота-оналар маҳалла оқсоқолига мурожаат қилишди.

— Ўша арз қилган ота-оналарга айтиб қўйинг, — деди Баҳром aka оқсоқол билан суҳбатда, — уларга ўхшаб менинг ўнта болам ийқ. — Ёлғиз қизим қандай хоҳласа, шундай кийинади!

— Боланинг тарафини олманг, Баҳромбой, — бош чайқади оқсоқол. — Сизга ўхшаганларнинг “аттанг” қилганини кўп қўрганимиз. Гап фақат кийимда эмас...

— Йўқ! Гап айнан ўша кийимда! Чунки қизим “бутик”дан, тозасини кияди. Бошқалар буни кўролмай, фийбат қиласди. Сиз ҳам ана шу гийбатларга қулоқ осасиз.

— Бу фийбат эмас, ўз кўзим билан ҳам кўрдим, — бўш келмади маҳалла раҳбари.

— Ёшларни ўз ҳолига қўйинглар, — вазмин гапиришга ўтди Баҳром aka, — бориб-бориб қуйилиб қолади. — Энди, замонавий ёшлар шунаقا бўлади-да. Буни тушунишга ҳам маданият керак!

— Илм-фан чўққиларини эгаллаб, спортда шода-шода медалларни қўлга киритаётган йигит-қизларни замонавий ёшлар деса бўлади, — деди оқсоқол. — Маданият ҳақида ҳамма га-

пирса ҳам, сиз гапирмасангиз бўларди. Суриштиридим, Жамила мактабда энг қолоқ ўқувчилардан экан. Ҳали ҳам вақт бор, болани йўлга солинг.

— Насиҳатингизга зор эмасман!.. — гапни қисқа қилди қизнинг отаси. — Бола меники, билганимни қиласман! Оғзим бор, деб гапираверасизми?!

— Ҳамма гап ўзи сизда экану, — ҳафсаласи пир бўлди оқсоқолнинг, — вақти келиб, афсус қиласиз. — Аммо унда кеч бўлади. Аттанд...

“Яхши отга бир қамчи” деганларидек, шу гаплардан кейин ҳам Баҳром ака ўзига тўғри хуоса чиқариб олмади. У ҳамма нарсани пул, бойлик, мол-дунё ҳал қиласди, деб ўйлайдиганлар тоифасидан чиқиб қолди. Бўлмаса, ҳали балофат ёшига етмаган қизини бойлигига учиб, савдоғар дўстининг ёлғиз ўғлига узатиб юборармиди? Ёш келин-куёвнинг турмуши икки йилгача тинч-тотувлиқда ўтди. Аммо “Еб ётганга тоғ ҳам чидамайди” деганларидек, энди камхарж бўлиб қолган ота-она олдингидай пул бермай қўйгач, оиласа жанжал бошланди. Шу вақтгача бир ишнинг бошини тутмаган эр-хотин ҳаёт синовлари олдида довдираб қолишиди. Умрида қийинчилик кўрмаган Жамила эридан қандай қилиб бўлмасин кўпроқ пул топиб келишни талаб қила бошлади. Кунлардан бирида у эри Шоҳимардонни қўчага ҳайдаб чиқарди:

— Бозорда арава судрайсанми, ахлат қутисидан қофоз териб топширасанми, бу сенинг ишинг, — ўшқирди аёл. — Кечқурун пулсиз келсанг, уйга киргизмайман!

Ноилож қолган күёв қурилишга ёрдамчи-ишчи бўлиб ишга кирди. Орадан бир ой ўтиб, маошини хотинига топширган Шоҳимардон қайтага балога қолди.

— Бу пул бир марталик макияжимга ҳам етмайди-ку! — бақирди Жамила. — Йўқол, уйимдан! Менга деса, қўлингдан келса, ўғрилик қил. Пул топсанг бўлди.

Боши қотган йигитнинг жиноят кўчасига киришдан бошқа йўл тополмади. Эрининг ўғрилик қилиб топган ҳаром пуллари Жамила га мойдай ёқиб тушарди. Аммо оиланинг “дориломон” кунлари узоққа чўзилмаслиги кундай равшан эди. Шундай бўлди ҳам.

Кунлардан бирида уйидан “ов”га чиқиб кетган Шоҳимардон жиноят устида қўлга тушиб, қамалиб кетди. Озодликдан маҳрум этиш жойида эри билан учрашган Жамила унга ортиқ бирга яшамаслигини маълум қилди.

Эркин “қуш”нинг парвози

Унинг бу қарорини гапдаги улфатлари қарсаклар билан кутиб олишиди.

— Ана энди сен ҳам биз каби эркин қуш бўлиб, узоқларга парвоз қиласан, — деди тилла билагузукларини атайлаб шиқирлатаркан жўрабоши Гулмирахон. — Савдогарчилик қилиб, кам бўлмайсан.

Чиндан ҳам Жамила бирни ўн қиласиган устаси фаранг савдогарлардан чиқиб қолди. Аммо бу унга камлик қилди шекили, зимдан бошқа режа тузиб, уни амалга оширишга киришди. Муттаҳамнинг “парвоз”и ўзи савдо қиласиган бозордаги кийим-кечак растаси хўжайини Маликни “қармоқ”қа илинтиришдан бошланди. Ўзини кўхликкина бу аёлнинг ноз-ишваларига ром бўлиб қолгандек кўрсатса-да, Малик ҳам анойилардан эмасди. Очиқчасига айтганда, у икки болага вақтинча ота бўлиб, Жамиланинг икки қаватли данғиллама уй-жойига әгалик қилмоқчи эди. Иккаласидан қайси бири “шоҳидамас, баргида юрган”лиги ҳозирча номаълум бўлса-да, бир фарзанднинг отаси бўлган Малик таваккал қилиб, хотини билан расман ажрашиди.

Кўп ўтмай, энг қиммат ресторанлардан бирида Малик билан Жамиланинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди. Тантаналар тугаши билан келин-куёв жанжаллашиб қолишиди.

Фарзандлари Покиза билан Нозимани етаклаб олган келин гуллар билан безатилган оқ “Лимузин”нинг олдига келганларида эридан сўради:

— Дадаси, бизни қайси уйингизга олиб борасиз?

— Она-болалар яшаган уйга дадаси ҳам боришга рози, — жавоб қилди бу савонни ҳазил деб ўйлаган эр.

— Мен сиз билан ҳазиллашётганим йўқ, — эрини четроққа тортди келин, — жиддий сўраяпман!

— Нега мени довдиратасиз, йўғ-е, довдиратасан? — Сеникида бирга яшашга келишгандик-ку?

— Уйимни кеча сотдим, — тиржайди Жамила. — Қарзларимга тўладим. Шароит шунаقا бўлиб қолди. Барибир ичкуёвликка рози бўлмасдингиз, биламан, азизим.

Малик “чув” тушганини сезган бўлса-да, бўш келмади:

— Мен уйимни хотинимга берганман. Демак, меҳмонхонага борамиз.

— Нега энди? — истеҳзоли жилмайди келин. — Шаҳар четида янги уйингиз, йўғ-е, уйимиз борлигини биламан. Ўша ерга борамиз.

Бу аёл ўзи ўйлаганидан ҳам айёроқ эканлигини фахмлаган Малик тиљёфламаликка ўтди:

— Ҳа, дала ҳовлини айтипсизми? Сизга маъқул тушса бўлгани. Майли, кетдик.

— Менга фарқи йўқ, — деди болаларини “Лимузин”га ўтказаётган Жамила, — бошпана бўлса, бас.

“Ўтники – ўтга, сувники – сувга...”

Бошида узоққа чўзилмайдигандек кўринган бу оила пой-девори беш йилгача нурмай турди. Малик тақдирга тан берган бўлса-да, Жамила ўз макридан қайтмади. Ҳатто, бирин-кетин қизлари Солиҳа билан Саиданинг дунёга келиши ҳам унинг фикрини ўзгартиролмади. У кеча-ю кундуз бирга яшаб, кир-чирини ювдирадиган эрдан кўра, онда-сонда келиб-кетадиган жазманларни хуш кўрарди.

Ўғрини қароқчи урганини аллақачон сезган Малик ҳам “Ҳап сеними!” дегандек, ўзи билганича йўл тутди, биринчи хотини билан бекитиқча ярашиб олди. Ҳаёт бу тахлитда давом этиши мумкин эмасди. Нимадир юз бериши керак эди. Биринчи бўлиб оиласий нотинчлик, келишмовчиликларга Маликнинг юраги дош беролмади. У инсультга чалиниб, ётиб қолди.

Жамила бемор эрини даволатишдан кўра, уй-жой, автомашиналарни ўз номига расмийлаштиришга шошилди. Аммо бу сафар у кеч қолди. Маликка қарз берганлар унинг ётиб қолганини эшитиб, ҳужжат-далил билан ҳақини талаб қилиб

келишди. Натижада уй ҳам, машиналар ҳам қарзни тұлаш учун сотилиб кетди. Бу мулклар уники бўлмагани учун Жамила тилини тишлиб қолаверди.

Кўчада қолган Маликни биринчи хотини уйига киргазиб олди. Кўп ўтмай дарди оғирлашган Малик унинг қўлида вафот этди. Тўрт нафар бола билан бева қолган Жамила шаҳарчадан ҳовли-жой сотиб олди. Бирор жойда ёлчитиб ишламаган аёл эски “ҳунар”и билан шуғуллана бошлади. Сири фош бўлгач, у бошқа шаҳарчага кўчиб кетишга мажбур бўлди. Шу орада отасиз бешинчи фарзанд — Тўлқин ҳам туғилди.

“Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас” деганлариdek, Жамила бир ёшга ҳам кирмаган гўдакни Нозимага қолдириб, яrim тунгача йўқ бўлиб кетарди. Оч-наҳор қолган болаларга қўшнилар ош-овқат бериб туришди. Оиланинг тўнғичи Покиза мавсумий дала ишларига чиқиб кетганлиги учун уч нафар болага кўз-кулоқ бўлиб туриш Нозиманинг зиммасида эди. Бунинг устига, у мактабга ҳам қатнарди.

Махалла фаоллари бир неча марта Жамилани чақириб, танбех беришди. Болаларини меҳрибонлик уйига ёки болалар боғчасига жойлаштириш тўғрисида таклиф киритишиди. Аммо у нимагадир қайсаарлик қилиб, ҳеч кимнинг гапини назар-писанд қиласди.

Шундай кунларнинг бирида бу оиласда еру кўкни ларзага соладиган фожиали воқеа юз берди.

Қаердасан, Солиҳа?..

Чақалоқ укаси Тўлқинга сутини бериб, ухлатган Нозима мактабга отланаркан, Солиҳага ўзи қайтгунича укаларига қараб туришини тайинлади. Эндигина беш ёшдан ошган Солиҳа болалигига бориб, тихирлик қилди:

— Мен ўртоқларим билан чўмилишга бораман.

Бусиз ҳам ҳар куни эртадан кечгача укаларига қарап жонига теккан Нозима йўлакка чиққанда ўдағайлади:

— Чўмилишга борганингни кўрсам, ўлдираман сени!

Кейинги пайтда жizzаки бўлиб қолган Нозима мактабдан қайтаётib, ариқда чўмилаётган синглисини кўрди-ю, алланималар

деб унга таҳдид қилди-да, ўйи томонга юриб кетди. У ўйга бориб, бешикда ётган болакайни ечиб олди-да, сутини иситиб, ичирди. Сўнг болани қўшниникига олиб чиқиб берди. Кейин ўзи яшириб қўйган арқончани қидириб, охири топди.

Шу пайт Солиҳа чўмилишдан қайтиб келиб қолди.

— Юр, чўмилишга борамиз, — синглисининиг қўлидан тутди нимагадир ич-бадани қалтираётган Нозима. — Лекин сени энди ариқдан ҳеч қачон чиқмайдиган қиламан. Эрта-ю кеч сузиб юра-верасан.

Саида опаларининг ортидан эргашди. Учовлон ҳайқириб оқаётган ариқ қирғоғига етиб келганларида, атрофга қоронғилик чўқаётганди. Сувни кўриб, ваҳимага тушган Солиҳа опасига ялинди:

— Чўмилмайман, опажон, кетайлик! Энди айтганингизни қиламан. Қўрқяпман!..

Нозима синглисининг ноласини эшитмагандек, атрофга разм солди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, қўйлагининг ичидан белига боғланган арқонни олди-да, қочмоқчи бўлган Солиҳани тутиб, унинг икки қўлини боғлади. Қўллари чандиб боғланган бечора қизгина буларнинг ҳаммасини ўйин деб ўйлаб, аввалига, қиқир-қиқир кулди. Лекин опаси уни тик қирғоқнинг олдига ҳайдаб келгандан сўнг даҳшатдан караҳт бўлиб, тили айланмай қолди. Сўнгти ҳамла билан ортига тисарилган синглисини сувга итариб юборган Нозима ортига қарамай кета бошлади. Саида эса, сувда оқиб кетаётган опасининг ортидан қирғоқ бўйлаб анча жойгача югуриб борди. Солиҳанинг “Ёрдам беринглар! Ёрдам!..” деган ҳайқириғи анча пайтгача эшитилиб турди.

Ўйга келган Нозима Саидани сиқувга олди:

— Агар Солиҳа сувга чўкиб кетганини ойимга айтадиган бўлсанг, сенинг бошингга ҳам унинг кунини соламан! Ўлдираман, тушундингми?

Ярим кечага яқин ширакайф ҳолда уйга келган Жамила Солиҳанинг қаердалигини сўраб, қизларидан тайинли жавоб ололмади.

— Ўртоқлари билан ўйнаб юрганди, — жавоб қилди бепарвонлик билан Нозима.

Эртаси куни Солиханинг мурдаси ариқдан топилди. Тергов давомида балоғат ёшига етмаганлиги учун амалдаги қонун-қоидалар асосида сўроқ қилинган Нозима ўз айбига тўлиқ иқрор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди Нозима Рафиеванинг балоғат ёшига етмаганлигини ҳисобга олиб, унга 3 йил синов муддати билан жазо тайинлади.

Инсонийликни унугтиб қўйган, она деган юксак номугуносиб бўлган Жамиланинг кўзи балки энди очилгандир. Аммо унинг қолган умри афсус-надоматда ўтиши муқаррар. Ахир, она учун фарзанд доғидан ортиқ азоб борми? Жамила бу азобни тақдирдан ўзининг қилмишлари, эътиборсизлиги ва нопок қадами ортидан тилаб олди...

ҲАСАД АЛАНГАСИ

Буни одамгарчиллик дейдилар...

Хаёт ҳар доим ҳам равон ва текис йўллардан иборат эмас экан. Унинг паст-баланд, баъзан боши берк кўчалари кишини адаштириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Кўринишдан қўй оғзидан чўп ҳам олмайдиган ювощигит бўлган Миразиз билиб-бilmай, йўл қўйган қонунбузарлиги учун қамоқда ўтириб чиқди. Кечагина ош-қатиқ бўлиб юрган ошна-оғайнилари энди ундан ўзини олиб қочадиган бўлишди. Исмининг ёнига “ўғри” деган тавқи лаънат қўшиб айтиладиган кимса билан дўстлашиш кимга ҳам хуш ёқарди дейсиз?!

Ана шундай мураккаб бир шароитда Миразизга ёрдам қўлини чўзадиган инсон топилди. Якка тартибдаги уй-жой қурилиши бўйича МЧЖ раҳбари, қўшни қишлоқлик Салоҳиддин кўпчиликнинг қаршилигига қарамай, уни ишга олди. Янги ишчига бир миллион сўм ёрдам пули ҳам берилди. “Қарши бўлганлар”нинг орасида тадбиркорнинг отаси Низомиддин aka ҳам бор эди.

— Яхши танийман, Миразизнинг отаси ҳам пиёниста ва ўғри эди, — деди у ўғлига насиҳат қилиб. — “Қазисан, қартасан, асл зотингга тортасан”, дейишган машойихлар. Ҳеч бўлмаса, синов муддати билан ишга олсанг, бехавотирроқ бўлармиди?..

Салоҳиддин отасининг олдида хижолатдан ер чизиб қолди. Сўнг ўзини оқлаб, шундай деди:

— У билан қурилиш коллежида бирга ўқигандик. Ўшанда Миразиз тўғрисида айрим узунқулоқ гаплар юради. Кейин бил-

сам, қамалиб кетган экан. Иш сўраб келди, ҳар ҳолда мутахассис, йўқ деёлмадим. Бунинг устига менда дастёр кўпу қурувчи эса, тақчил...

— Бўлар иш бўлибди, — деди ўзининг раъйини қайтаришни истамаган ота. — Балки мен адашаётгандирман? Омон бўлсак, кўрармиз.

Нақл исботини топди

Шу гаплардан сўнг уч қун ўтиб, Миразиз бошчилигидаги бригадага икки қаватли шахсий уй қурилиши топширилди. Салоҳиддин ҳар сафар қурилиш ишларини кўриш учун объектга ўзининг “Эпика” автоминасида келар, буни кўрган Миразиз ичэтини ер, ўзига — ўзи дашном берарди: “Нега шу машинани сен эмас, Салоҳиддин миниши керак? Бойликка, бойваччаларга ўхшаб яшашга фақат сен ҳақлисан. Мухтож вақтимда ёрдам берди, дейсанми? Бўлмаган гап! Аслида, сенга пул бериб, ўзининг кимлигини кўрсатмоқчи бўлган. Бу — одамгарчилик эмас, бироннинг қадорқимматини ерга уриш! Ундан қаеринг кам?! Уни бу ерга қайтиб қадам босмайдиган қиласан. Ахир ҳабиҳ режалар тузишга устаси фарангсан-ку! Қани, олга, бўшашма, Миразиз!..”

Шундай қилиб, Миразизнинг кўнглида аллақачондан бери бўғилиб, тутаб ётган ҳasad ўти гуриллаб ёна бошлади. У пайсалга солмай, Салоҳиддинга туҳмат тоши отишни бошлаб юборди. Бунга сабаб ҳам топила қолди. Юк машинасига ортиб келинган ёғоч жанжалнинг боши бўлди.

Миразиз кечга томон ҳовлиниң нариги бурчагидаги эски уйда яшайдиган қурилиш эгаси Ҳайдар акани гапга солди:

— Бу Салоҳиддин дўстим бўлса ҳам, сизга меҳрим тушиб қолгани учун, раҳмим келганидан бир гапни айтиб кўйй дедим, ака.

— Тинчликми, уста? — ҳайрон бўлиб сўради уй эгаси.

— Ноинсоф Салоҳиддин, — хокисор овозда давом этди Миразиз, — олиб келган тахтасининг нархини ошириб юборибди-да. Сиз ҳам лақиллаб ўтирибсиз.

Ҳайдар ака бу гапни кутмагани учун ўнгайсизланди.

— Ҳамма шу йигитни мақтагани учун иморат қурилишига буюртма берандим, — овози ўзгарди унинг. — Наҳотки, алдаган бўлса?

— Менга нима?.. — ўрнидан турди уста. — Беблиска пулингиз кўп бўлса, тўлайверинг.

Эртаси куни келтирилган икки ўрам электр симидан ҳам Миразиз “хато” топди. Тўғрироғи, симларни ўзи яширинча қирқиб қўйиб, Салоҳиддиннин айблади. — Мана, фалон пулга олдим, деган сими ишлатишга яроқсиз, — деди у Ҳайдар акага маҳсулотнинг узуқ-юлуқ жойларини намойиш қиласкан.

— Бугуноқ бу муттаҳам Салоҳиддиннинг “патта” сини қўлига тутқазаман!.. — газаби қайнади уй эгасининг. — Тўғри айтган экансиз, ярамас йигит экан. Бунақада қурилиш расво бўлиши, турган гап.

Мақсадига эришган Миразиз ўзини оқлашга ўтди.

— Мен холис одамман, — пинагини бузмади у. — Бунақа уйларнинг қўпини қурганман. Сиздек яхши одамни алдашларига чидаф туролмадим. Виждоним йўл қўймади.

— Сиз ҳам унинг одамисиз, — устага юзланди ўй эгаси. — Салоҳиддинга эргашиб, кетиб қолмайсизми?

— Пули нақд бўлса, уйингизни ўзим қўлдан чиқараман, — мақсадга кўчди Миразиз.

— Сизга ўхшаган дангалчи одамларни ёқтираман, — деди шарт Ҳайдар aka. — Битта машинамни сотиб, пулини шу қурилишга атаганман. Етмаса, темир қутимда ҳам 80-90 минг АҚШ доллари бор...

Шу куниёқ Ҳайдар aka Салоҳиддинни чақиритириб, қўлига шартномани тутқазди-да, уйидан ҳайдаб чиқарди. Ўзи — хон, қўланкаси — майдон бўлиб қолган Миразиз аллақаёқдан қаланғи-қасанғи ёлланма ишчиларни топиб келиб, ишга солиб қўйди. У аллақачон ўзи тузган режага мувофиқ, Ҳайдар аканинг хонадонидаги темир қути ва у турган хона эшигининг калитидан нусха ясаттириб, чўнтағига солиб қўйганди.

Ҳадеганда қулай фурсат келавермади. Оила аъзоларининг бирор ёқса кетишларини кутишдан фойда йўқлигини тушунган Миразиз жуда қалтис усуслни қўллашга мажбур бўлди. Куппа-кундуз куни, оила аъзолари сериал томоша қилишга кириб кетиши билан, у алоҳида эшиқдан кириб, сейфдаги 89 минг АҚШ доллари ва сотилган автомашинадан қолган 23,5 миллион сўм пулни ўмарди.

Сўнг пулларни ўзи олдиндан белгилаб қўйган, нарироқдаги хилват бир жойга яшириди.

Хийла иш берди

Сал кейинроқ у ҳовлида иш қилиб юрган Ҳайдарнинг хотинидан “Бу Салоҳиддин яна пулини сўраб келган эканми?” — деб сўради.

— У кишига кўзим тушма-ди, — бамайлихотир жавоб берди аёл.

— Нега унақа дейсиз?.. — ўсмоқчилади Миразиз. — Ўзим кўрдим-ку, ортингиздан ўйга кирганини...

Сұҳбат шу ерга етганида ширакайф Ҳайдар ҳовлига кириб келган, Миразизнинг гапини эшишиб улгурганди.

— Хўш, ўша эрингизга фирибгарлик қилган Салоҳиддин нимага келган экан? — хотинига юзланди жаҳли чиққан Ҳайдар.

Эрининг важоҳатини кўриб, ранги ўчиб кетган хотини бояги гапини тақрорлади.

— У кўринмас одаммидики, ортингдан ўйга кирса ҳам, кўрмаган бўлсанг, манжалаки? — ҳайвондай ўкирди эри.

Жиноий режанинг энг қалтис жойи ҳам ўзи ўйлаганидек “хамирдан қил суургандек” битганидан ичиди суюнган Миразиз ўзини хижолат бўлган одамдек кўрсатди:

— Мен ўз кўзим билан кўрганимни айтдим, холос. Бу ярамасдан ҳамма нарсани кутса бўлади. Ифлос. Янаям, бу ёгини ўзинглар биласизлар. Узр...

Қолгани нима билан тугашини у яхши биларди. Шу куни эридан калтак еган айбсиз-айбдор — шўрлик ўй бекаси болаларини етаклаб уйига кетди. Орадан икки кун ўтиб, пуллари ўғирланганини билган Ҳайдар биринчи навбатда Салоҳиддиннинг унга ёрдам берганлиқда хотинини айблади. Бу машмашаларни сиртдан томошабин сифатида кузатиб турган Миразиз сувдан қуруқ чиққанига шубҳа қилмай қўйди. Шу орада Салоҳиддиннинг ўйида ҳам нотинчликлар юз бериб, хотинини отасиникига кетиб қолгани муттаҳамнинг ишончини янада мустаҳкамлади.

Чучварани хом санаган Миразиз

Аммо қанчалик уримасин, ҳаёт Миразизга ўҳшаганларнинг измига ҳеч қачон бўйсунмаган ва бўйсунмайди ҳам. Вақти ке-

либ ҳар қандай жиноят ойдинлашади. “Қорлар ёғиб, излар босилди” деб үйлаган Миразиз ҳам аслида чучварани хом санаганди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам анойилардан эмаслигини, шунингдек, үзининг ҳар бир қадами назоратга олинганини у ҳали билмасди. Тез орада Миразизнинг қўшни вилоятга кетаётгани ҳақида хабар олинди. Қўрилган тезкор тадбирлар натижасида у ўзи ўғирланган пулларнинг қўлидаги купюра раҳамлари билан айнан бир хил бўлиб чиқди. Бир ярамаснинг касрига иккита мустаҳкам оила бузилиб кетиши ва гулдек фарзандлар тирик етим бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Оиласарку тикланди-я, лекин эрхотинлар ўртасида дарз кетган ишонч чандиги ҳали-бери битиб кетмайди. Энг ёмони, тухмат тоши Салоҳиддиннинг соғлиғига жиддий путур етказди. У отасининг айтганини қилмаганига ҳали-ҳануз афсус чекади.

Эчкининг қасами

Шундай қилиб, иккинчи марта судланиб, жиноятига яраша жазоланган Миразизни ҳамма энди тавбасига таянган бўлса керак, деб үйлаганди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Одатда, жиноят кўчасига адашиб кириб қолган одамлар қилган ишларидан пушаймон бўлиб, чин кўнгилдан тавба қиласди. Миразиз эса, текин пул, бойликни кўриши билан ичган қасами ҳам, тавба-тазаррулари ҳам ёдидан чиқиб кетадиган бетайн, ёвуз кимсалардан бўлиб чиқди.

Шу куни Миразиз ўйига меҳмон бўлиб келган қайниси — Шавкат билан ярим тунгача чақ-чақлашиб ўтиришди. Охири вақт алламаҳал бўлиб қолганини рўкач қилиб, меҳмон ўрнидан турди. — Менга барибир-ку, — ҳазилнамо гап қотди уй әгаси қайнисига, — шунча пулни ташлаб кетаверасизми?

— Қанақа пул ҳақида гапиряпсиз, почча? — сўради ҳеч нарсани тушунмаган Шавкат.

— Бир девор қўшнимиз Сұҳробнинг қўш қаватли, данғиллама ўйига қўзингиз тушгандир? Шу уйда ҳозир ҳеч ким йўқ, эгалари қариндошлариникига кетишган.

— Буни менга нима дахли бор? — тушунмади қайниси.

— Сұхроб жуда пишқириб кетган бойлардан, — меҳмоннинг кўзига тик қаради уй әгаси. — Ўғриликка тушсак, пулнинг тагида қолардиқда, ўзиям.

Меҳмон қайтиб жойига ўтирди.

— Ити борга ўштайди-ку? — деди сўнг ва бу билан поччасининг таклифига рози эканлигига белги берди — Э, у ит эмас, кучукча, — деди “иш” пишганидан хурсанд бўлган уй соҳиби, — ечиб қўйилган экан, боғлаб қўйдим. Мени танигани учун “миқ” этмайди. Орқа эшик очиқ, муаммонинг ўзи йўқ.

Орадан ярим соат ўтиб, почча-қайнини девор-дармиён қўшнивикига ўғриликка тушишди. Улар уйни тинтиб, пул топишолмагач, энг қиммат уй-рўзгор буюмларини олишга қарор қилишди. Ўғрилар бир дона “SONY” телевизори, 4 дона “Матиз” автомашинасининг диски билан фидираклари, 14 дона гилам, тикув машинаси, “болгарка” кесиш асбоби, пресс-дазмол, “Panasonic lumix” фотоаппарати, 300 метр “Помбархат” матоси, бир нечта куртка, адёл, ёстиқ ва шунга ўхшаш бошқа буюмларни олишди. Фараз ниятдаги Миразиз жиноят изини йўқотиш учун қўшнисининг уйига ўт қўйди. Ёнгин унинг уйига ҳам қисман зарар етказган бўлса-да, бундан у фақат хурсанд бўлди. Чунки ўзини ҳар қандай шубҳадан холи бўлдим, деб ўйлади-да. Сўнг ўғирланган буюмларни яширин равишда бозорга олиб чиқиб, улгуржи пуллай бошлади. У киракашликка ёллаган енгил машина ҳайдовчисининг ҳушёргиги туфайлигина сир очилди.

Содир этилган жиноят бўйича бўлиб ўтган суд ҳукмига кўра, почча-қайнини Миразиз ва Шавкатларнинг ҳар бирига 12 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ўғрилик бўйича қопланмаган 14.550.000 сўм ва ёнгин натижасида етказилган 415.320.000 сўм пул судланувчилардан жабрланувчининг фойдасига ундириладиган бўлди.

“Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади”, деганларидек, поччасиникига меҳмон бўлиб келган Шавкат ҳам билиб-бilmай босган ножӯя биргина қадами учун узоқ ўиллар симтўсиқ ортида “меҳмон” бўладиган бўлди...

ЎФРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Суд залига ҳаммадан кейин кириб келган ўрта ёшлардаги аёл энг чеккадаги ўриндиққа бориб ўтирди. У ҳозир ер тарс ёрилса, кириб кетишга тайёр эди. Чунки панжара ортидаги қора курсида унинг бир эмас, икки нафар фарзанди бош эгиб ўтиришибди. Ён атрофида эса, ана шу она туғиб ўстирган фарзандлар томонидан қийноққа солинган, моли талон-тарож қилингандык жабрдийдалар адолат сўзини кутишяпти.

Нихоят, ҳукм ўқилди. Ашаддий жиноятчилар — ака-ука Наби ва Фани Сармоновларнинг бирига 18 йил, иккинчисига 17 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди...

Бир оила фожиага юз тутди. Онаизор қариган чоғида узоқ йиллар ёлғизлик, соғинч азобини тортадиган бўлди. Шуларни ўйлабми, у чуқур “уҳ” тортиб, “аттанг” деган сўзни бир неча бор тақрорлади. Аммо энди кеч. Ахир, у фарзандларини ўз вақтида нопок йўлдан қайтарса бўларди-ку?! Ёки уйига оқиб келаётган жарақ-жарақ нопок пулларни она сезмаганими? Сезганди! Афсуски, бошида болаларини рағбатлантирган ҳам ўзи эди...

Бозордаги “пистачи” хола

Дехқон бозорига кираверишда писта, қурт сотиб ўтирган, од-мигина кийинган Эира холани бир қарашда бечораҳол кампир деб ўйлаш мумкин эди. Аслида унинг данғиллама ҳовли-жойи, шахсий автомашинаси, бошида эри, икки нафар тоғни урса, толқон қиласидаган ўғли борлигини бирор билан билмасди. Ўзини бефарзанд аёл деб, арзимаган патта пулини ҳам тўламайдиган бу пистачи холанинг бошқа “даромад”и борлигидан ҳам ҳеч кимнинг

хабари йўқ эди. Аввалига “қора бозор”да хуфия доллар олди-сотиси билан шугулланиб юрган Зира хола кейинчалик валюта айирбошлиш шохобчаларида сунъий навбатчи хотинлар гурӯҳини тузди. Орадан кўп ўтмай, у туппа-тузук ишлаб турган катта ўғли Набижонни ўзи шугулланётган қингир ишларига жалб қилди. Натижада шаҳардаги валюта айирбошлиш шохобчаларидан бирида пайдо бўлган Наби онасининг ўрнига сунъий навбатчиликни ташкил этиш, бегоналарни у ерга йўлатмаслик билан шугулланадиган бўлди. Зира хола эса, бозорда писта сотувчи қиёфасида лақмаларни топиб, номига доллар олиш учун фуջаролик паспортларини ўғлига етказиб берадиган бўлди. Ўтган тўрт-беш ой давомида она-бала ва гумашталари томонидан олинган пуллар 2,3 миллион долларга етди ва “қора бозор”да қайта сотилиб, нархлар орасидаги фарқ ҳисобига яна қўшимча фойдага эга бўлишди.

Зира хола бугун ўғли кечикаётганидан хавотирда эди. Ёнига пул сўраб келган паттачига ҳам “бир стакан ҳам писта сотганим йўқ, бор йўқол!” деб бобиллаб берди. Шу пайт осмондан тушгандай қаршисида пайдо бўлган Набига кўзи тушиб, яйраб кетди.

— Ўзингиз берган ўнта паспортни қайтаряпман. Ҳар бирини ичида ўн минг сўмдан пул бор, — деди ўғли ишлатилавериб яғири чиқиб кетган сумкани онасига узатаркан.

— Аввал менинг ҳақимни чўз, — гапни чўрт кесди она.
— Сумканинг ичида алоҳида 250 минг сўм пул бор. Бугунги хизмат ҳақингиз.

— Нега кам? Ҳеч бўлмаса, яна эллик минг қўш!
— Ҳар сафар шу гапни такрорлайсиз-а, ойи? — жаҳл қилди ўғил. — Қочиб кетаётганим йўқ-ку? Уйга кечқурун бораман, сотилган пулдан қолган фойдани бўлишамиз.

— Шуни олдинроқ айтсанг, кўнглим жойига тушарди. Бизнинг бизнесда она-бала деган гап йўқ, — кесатди она. — Биз шериклармиз, тушундингми? Бозорда “ойи” дема, ҳозир сенга бегонаман, холангман.

Захар солмоқ эрур қасби илоннинг...

Фирибгарликда шайтонни ҳам ярим ўйлда қолдириб кетадиган Набининг нафси тобора ҳакалак отиб борарди. У энди

каттароқ үлжани қидира бошлади. Бу йўлда у дўстларини ҳам, кечагина битта нонни бўлиб еган ҳамтовоқларини ҳам аяб ўтироқчи эмасди. Дарду фикри текин даромад орттириш ниятида бўлган одам учун дўстлик, одамгарчилик деган тушунчаларнинг қадри бўлармиди? “Ўғрини қароқчи урди” деганларидек, Наби ҳам энди ҳамтовоқларини “чув” тушириш учун қабиҳ режа тузди.

Одатда, валюта алмаштириш шохобчаси орқали сунъий навбатни ташкил этиб, сўмга доллар сотиб олиш билан боғлиқ жинойӣ “операция” бир неча босқичдан иборат бўлади.

Унда барчанинг ўз вазифаси аниқ белгиланади. Наби ана шу узун “занжир”нинг бор-йўғи бир ҳалқаси эди, холос. Яъни, у шохобча олдида сунъий навбатни ташкил этиб, уларга “мижоз” паспортини етказиб берар, “хўжайин”лар қанча ҳақ берса, шу билан қаноатланишга мажбур эди. Бора-бора кимгadir дастёр бўлиш унга ёқмай қолди. Тўғрироғи, у биратўла ҳамма пулга эга бўлишни хоҳлаб қолди.

Шундай қилиб, Наби ҳамтовоқларининг ҳар бирига янги вазифаларни тақсимлаб берди. Унга кўра, бир неча валюта айирбошлиш шохобчаси олдида доллар сотиб олиш учун заҳира сўм пуллари ортилган автомашиналар хуфия назоратга олинади. Бу уловларнинг ҳайдовчилари ва қўриқчиларидан тортиб, пул ташувчи куръерларнинг жисмоний тайёргарлигигача ўрганилади. Қулай пайт келиши — “айғоқчи”лар хабар бериши билан Наби бошчилигидаги қуролланган қароқчилар “иш”ни охирига етказишади. Наби бу ишга ИИББ тизимидағи гуруҳлардан бирида ходим бўлиб ишлайдиган Норқул Оппоқов ва Шамси Шаметовларни ҳам жалб қилди. Натижада жинойӣ тўда ўқ отар қуроллардан фойдаланиш режасини ҳам назардан четда қолдирмади.

Шундай қилиб, жинойӣ гуруҳ айғоқчиларидан бири тумандаги қўпқаватли уйлардан бирининг биринчи қаватидаги хонадон ҳовлисидаги автомашинада жуда катта микдордаги пул борлигини маълум қилди.

Ниқоб кийган шарпалар

Тонг фира-ширасида шаҳар кўчаларидан елдек учиб бораётган “Нексия”нинг давлат рақамлари латта билан ўралганини

хисобга олмаганда, айтарли ажабланарли томони йўқ эди. Автомашина кўп қаватли уй этагидаги атрофи темир панжара билан ўралган, сердараҳт кичкина ҳовли олдида тўхтади. Ундан юзига ниқоб тақсан икки киши тушиб, одам бўйи келадиган тўсикдан қийинчиликсиз ўтишди ва ёғоч супада ётган кимсанинг қошига келишди. Босқинчилардан ҳарбийларникуга ўхшаш кийингани ётган одамнинг чаккасига тўппонча қададида, буюрди:

— Овозингни чиқармай, ерга қараб ёт, йўқса, ўласан!

Итоаткорлик билан юзтубан ётиб олган кимса титраб-қақшаганча, “Кимсизлар?” деб сўради.

— Биз маҳсус гуруҳданмиз, — жавоб берди қуролли кимса. — Бу ерда жиноятчилик билан топилган пул яширилганлиги тўғрисида хабар берилган. Пул қани?

— Калитни чўз! — деди иккинчи ниқобли киши ва калитни олгач, машинанинг эшигини очиб, пул тўла чарм сумкани оларкан, “Кетдик!” ишорасини қилди.

Машинанинг эгаси шу дамда бошига урилган темир тўқмоқ зарбидан ҳушидан кетди. Ниқобли кимсалар эса ташқаридағи уловга ўтириб, кўздан фойиб бўлишди.

Бу ишларни сал наридаги автомашинадан кузатиб турган Наби пул эсон-омон белгиланган жойга етказилгани тўғрисидаги хабарни эшитгандан кейингина жойидан қўзғалди. Шундан сўнг уюшган жиноий гуруҳ аъзолари бехавотир жойда учрашиб, босқинчilik йўли билан талон-торож қилинган 38 миллион сўм пулни ўзаро тақсимлаб олишди. Наби ўзига 10,5 миллион сўмни ажратди. “Операция”ни бевосита амалга оширган Норқул Оппоқов ва Шамси Шаметовларга жами 16 миллион сўм “улуш” тегди. Пулларнинг қолгани тўдабошининг укаси Фани ва бошқалар ўртасида тақсимланди.

Янги “ўлжа” – “Paynet”

“Ҳикмат излаганга — ҳикматдир дунё, иллат излаганга — иллатдир дунё” деганларидек, кимдир тонгда янги кун яхшиликлар келтиришини ният қилиб, ишга, ўқишга отланса, Наби эса, бугун кимнинг баҳтига чанг солсан экан, деб қўчага чиқарди.

Наби айғоқчилари жимлигидан ғазабини босолмай, телефонда ҳамтвоқларига дўқ-пўписа қилишга ўтди: “Қачонгача тухум босиб ўтирасанлар?! Жарақ-жарақ пулларни фақат мен топиб беришим керакми? “Объект” топмасаларинг, гуруҳдан ҳайдаласанлар!”

Шу пайт жиноий гуруҳ аъзоларидан бири — Нурали қўнғироқ қилиб, бир манзилдаги қаҳвахона ертўласида, аниқроғи, “Paynet”да пул ҳам, моддий бойликлар ҳам мўллигини, кечиктирмасдан таппа босиши кераклигини хабар қилди. Кайғияти кўтарилган Наби кечаси 23.00 да ўша ердаги бозор ёнида йиғилишларини айтди.

Тунги соат 23.30 ларда “Paynet” шоҳобчасига кириб келган уч нафар йигитни Воҳиджон одатдаги мижозлар деб ўйлади ва компютердан қўз узмай, “Қайси компания?” дейишга улгурди, холос. У бошига келиб тушган мушт зарбидан курсиси билан ерга йиқилди...

Босқинчилар сумкага жойланган нақд 1 миллион сўм пул ва 205 АҚШ доллари билан бирга ҳар бирининг нархи 400 минг сўм бўлган “Nokia 880”, “Nokia 6500” русумли иккита уяли алоқа телефоны, шунингдек, бир нечта принтер картрижлари, “Sony” фотопарвати, “Ipad UPЗ” русумли мусиқа мосламасини ўғирлаб чиқиб кетишиди. Талончилик оқибатида “Paynet” шоҳобчасига 2 миллион 300 минг сўм ва 205 АҚШ доллари микдорида моддий зарар етказилди. Мазкур жиноятда иштирок этганларнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан пул тақсимлаб берилди.

Боши берк “кўча”

Ҳар қандай жиноятчилик, қонунбузарлик охири боши берк кўчага олиб бориши кундек равшан. Ҳукуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам аллақачон Наби Сармонов бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳнинг изига тушган эди. Тезкор ўтказилган тадбир натижасида улар қўлга олинди. Тинтуб пайтида Н. Оппоқовнинг ёнида гугурт қутисига жойланган “марихуана” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Аниқланишича, судланувчи Н. Оппоқов босқинчилик жиноятини содир этиш пайтида шаҳар ИИББ идораларидан бирида навбатчиликда бўлган. Гарчи навбатчилик пайтида ўқотар

қурол олиб юришга унинг ҳақи бўлса-да, шахсий юмуши билан ишхонадан ташқарига чиққанда қуролни топшириши лозим эди. Аммо ўша куни Оппоков буни негадир “унутиб” қўйган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суд мажлисида акаука Наби ва Фани Сармоновлар бошчилигидаги жиноий гурӯҳ аъзолари устидан ҳукм чиқарилди. Айбордларнинг ҳар бирига узоқ муддатли озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланди.

Суд ниҳоясига етди. Панжара ортида ўтирган маҳкумлар олиб чиқиб кетилди. Зал четидаги ўриндиқда ўтирган она кўз ёшларини тўхтатолмади. Ён атрофидан ўтиб кетаётган одамлар унга тасалли бериш-бермаслигини ҳам билишмасди.

Бу ҳолатда унинг бир муддат ёлғиз қолгани маъқул. Балки, у ҳозир оила аталмиш қўрғонни тўзғитиб юборганилиги учун ўзини койиётгандир... Ёки икки ўғилни ўстириб, қўш келин қўлидан бир пиёла чой ичолмай, армонда қолгани учун ёзғираётгандир... Барча оналар қатори унинг ҳам бир дунё орзулари бўлгандир... Фақат бу орзулар энди саробга айланди. Бунинг сабабларини ўйлаб кўришга эса унда вақт етарли, узун-узун айрилиқ йиллари ҳали олдинда турибди. Ҳаёт эса, давом этади. Ким билади, балки унинг онаизорга аталган қувончлари ҳали олдиндадир. Балки, вақти келиб қўш келин қўлидан чой ичиш, бир этак набираларга буви бўлиш бу аёлга ҳам насиб қилас. Бунинг учун эса, у атрофидаги ҳалол меҳнати билан машғул замондошларимиз каби яшashi керак, холос. Бу жуда оддий ҳақиқат, аммо ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

ВИСОЛ ОҚШОМИДАГИ ФОЖИА

Үйимизнинг тўри сизники

Ишдан қайтган Сотволди болалар майдончасидан Шералини тополмади. Аммо бегона бола ҳайдаб юрган ўғлининг япянигги велосипедни дарров таниди, чунки бунақаси маҳаллада ҳали ҳеч кимда йўқ эди-да.

— Ҳей бола, бироннинг велосипедини нега минасан? — бақирди у икки қўлини “карнай” қилиб. — Яхшиликча эгасига бер, йўқса мендан кўрасан!

Ғала-ғовурда ҳеч нарсани эшитмаган ўспирин доира бўйлаб ҳаракатини тобора теззатиб бораради. Сотволди гапини писанд қилмаган боланинг таъзирини бериб қўйиш учун икки ҳатлаб велосипед билан тенглашди-да унинг орқа фидирагига зарб билан тепди. Аввал ерга ҳайдовчи, кейин велосипед, энг охирида оёғи фидирак симларига кириб қолган Сотволди йиқилди.

Тирсаклари, тиззаси шилинган болага шу азоблар етмаганидек, уст-боши чанг-тупроқ бўлган амаки қулоғидан маҳкам ушлаб, чўза бошлади. Шу пайт уй томондан ўғли Шералининг овози эштилди:

— Уни урманг, дада, у менинг ўртоғим. Велосипедимни ўзим берганман.

— Велосипедни биронга бергин деб олиб берганим йўқ-ку, сен аҳмоқка, — деди ҳали ҳам боланинг қулоғини қўйиб юбормаган ота ўғлига юzlаниб. — Қаёқдаги қаланги-қасанғиларнинг болалари билан ўртоқ бўлма, деб сенга айта-айта чарчадим.

— Мен қаланги-қасанғининг ўғли эмасман, — деди амакининг қўлидан аранг қутилган бола. — Менинг ота-онам яхши одамлар.

— Вой, фурурли бўлмай қолинг, — деди у болага киноя билан, — жаҳлингиз чикдими? Ўша “яхши” одамнинг отини айт, эшитайлик бўлмаса?

— Сарём аканинг ўғлимани, исмим Сарвар, — деди бола дона-дона қилиб.

— Қайси Сарём... ўзи битта Сарём ака борлар. Корхона бош директори... — дудуқланди Сотволди.

— Сарвар ўша, Сарём ака деган директорнинг ўғли-да! — ўртоғидан чаққонлик қилди Шерали.

Шу сониянинг ўзида Сотволди буқаламун сингари бутунлай бошқа одамга айланди-қолди. Энди унинг кўринишидан ҳам, юриштиришидан ҳам, гап-сўзидан ҳам “самимийлик уфуриб” турарди.

— “Танимасни сийламас”, деб шунга айтишса керак-да, Сарварбек, — тилидан бол томди амакининг, — бу ерда нима қилиб турибмиз ўзи? Қани, дўстингни ичкарига бошла.

Хуллас, ўша куни Сарвар нима учун дўстининг ота-онасидан юқорида, тўрда ўтириб ош еганини сира ҳам тушунолмади. Сарвар ўйига кетиш учун отланётганда эса, Зумрад опа билан Сотволди ака уни иззат-икром билан кузатишиди.

— Ҳақиқий ота ўғил экансиз, омон бўлинг, — ялтоқланди уй эгаси. — Шу уйнинг тўри ҳар доим сизники. Тез-тез келиб туринг.

Муноғиқ

Мехмон ўигит кетиши билан Зумрад ая эрига таъна қилди.

— Сарём акани кўришга кўзингиз, отишга ўқингиз йўқ эди-ку! Ўғлига лаганбардорлик қилишингизни қаранг!

Эшикни зичлаб ёпган Сотволди хотинининг нақ қулоги остида пицирлаб гапириди:

— Отасининг устидан юмалоқ хатни керакли жойга юбор-ғанман. Боласи тушмагурни роса лақиллатдимда! Энди ҳаммадан шубҳаланса ҳам, Сарём Сайдович мендан шубҳаланмайди.

— Ўша, Сарём деганингиз ишдан бўшагани билан, ўрнига сизни қўйишармиди?

Шу вақт дўстини кузатиб қайтган Шерали ота-онасининг сухбатини эшитиб, ажабланди.

— Бу ерда нима гап бўляпти ўзи? — сўради у. — Сарварнинг дадасини ким ишдан бўшатмоқчи? Менга тушунтириб беринглар.

— Нимасини тушунмайсан, ўғлим, — деди ота ётифи билан, — нега энди ўша корхонага сенинг отанг эмас, ўша Сарварнинг отаси бошлиқ бўлиши керак?! Ёшинг ўн бешдан ошди, дўст ким, душман ким — билишинг керак.

— Демак, Сарём aka бизнинг душманимиз, — деди дадасининг гапларидан ўзича хуласа чиқарган фарзанд, — ўғли билан ўртоқчиликни ҳам йиғиштиришим керак экан-да?

Сотвoldи тиззасига “шап” этиб урди-да, ўрнидан турди.

— Менинг ишонган боғу рофим сенсан, ақлингни ишлат, ўғлим, — деди Сотвoldи ўғлига юзланиб. — Сарёмнинг ўғли билан ошна-оғайнигарчиликни йиғиштириш эмас, аксинча, янада кучайтиришинг керак. Тушундингми? Уйида бўладиган барча гап-сўзларни билиб, менга айтиб келасан.

— Карабсизки, дарвозамиз олдида ҳар куни эрталаб отангнинг хизмат машинаси кутиб турди, — азбаройи завқи келганидан эрининг гапини бўлди хотини. — Биздан юз ўгиранг қўшнилар ҳам, Зумрадхонга етти букилиб салом берадиган бўлишади, ўғлим.

— Ҳаммасига тушундим, мендан қўнглингиз тўқ бўлсин, — деди ўғли муштини қисиб. — Айғоқчиликни дўндираман.

Болалигидан ота-она чизган чизигидан чиқмасликка ўрганган Шерали ўша куни шахсий манфаат йўлида ҳар қандай тубанликка бориш кераклигини юрагига тутиб олди.

Тиниқ сувлар лойқаланди

Вақт ўтган сайин Сотвoldининг хонадони кечки овқатдан сўнг “жанговар операция”лар муҳокама қилинадиган штабга айланиб бораётгандек эди, гўё. Бу ердаги гаплар фақат қизлари Зарнигордангина сир тутиларди. Чунки Зарнигорнинг фикри, дунёқараши умуман уларникига зид эди.

Бугун ҳам одатдагидек, кечки овқатдан сўнг дастурхон йиғиштирилгач, “ҳисобот”лар тингланди.

Биринчи бўлиб Зумрад опа гапирди:

— Сарём аканинг маҳалласида бўлиб ўтган “чаллар”ига чақиришмаса ҳам бордим. Бир амаллаб Сарём аканинг хотини Жамиланинг тогорасини топиб, гўштли заказ сомса қилиб келганлигини аниқладим. Ҳамма хотинлар дастурхон атрофига йифилгач, ўша хонимча олиб келган сомсани бир тишладим юргурганча ташқарига чиқиб келдим. Ҳамма мендан ҳол-аҳвол сўрай бошлади. “Каллапоча солинган сомса кимнинг тогораси?” деб, афтимни буриштиредим. Жамила тогорасини тан олиб, ўзини қанчалик оқламасин, шармандаи шармисор бўлди. “Баттар бўл!” дедим...

— Бу гапинг яхши-ю, — деди ахборотдан қўнгли тўлмаган Сотоволди, — лекин мени кўпроқ душманимизнинг уйидаги гапсўзлар қизиқтиради. — Текшир-текшир бошландими, йўқум? Оиласдаги ташвиш, саросима, мени мана шулар қизиқтиради.

— Ҳалиги воқеани ҳам дадангга айт, — деди ўғлига имлаб онаси, — билгани яхши.

— Кеча Сарвар билан Зарнигор хилватроқ жойда гаплашиб турган экан. — деди отасининг кўзига бақрайиб Шерали. — Иккаласини ҳам дўппосладим.

— Нега? Севишиб қолишибдими? — сўради отаси.

— Шунақага ўхшайди, — жаҳли чиқди Шералининг. — Бу воқеа иккинчи марта бўлиши. “Неча марта калтакласанг ҳам розиман. Сенга қўл кўтартмайман, чунки бир куни қариндош бўламиз”, деди менга Сарвар. Синглим эса: “Ўлдирсанг ҳам уни севаман” деди.

— Севги-муҳаббат ўйқ нарса, — ишшайди ота. — Сарём ишдан бўшагач, синглинг ҳам Сарвардан воз кечади. Одам бойликни, пулни севиши керак. Бўлмағур нарсалар ҳақида тортишмайлик.

Шу зайлда зиддиятлар давом этар, вақт эса, ўтиб бораради.

Сароб

Кунлардан бирода уйига келган Сотоволди ўғли билан овқатланиб ўтирган Сарварга кўзи тушди-ю, бирдан бақир-чақир қила бошлади.

— Мен сенга ҳар хил қаланғи-қасанғиларни уйга бошлаб келма, демаганмидим, — ўсмоқчилади ўғлига у.

Кейин Сарварнинг ёнига бориб бақирди.

— Ўйнинг тўри қачондан бери сеники бўлиб қолди, тур йўқол!

— Амаки, мен сизга нима ёмонлик қилдим? — деди ҳеч нарсага тушунмаган йигит.

— Отанг ишдан бўшади, сен ҳам уйни бўшатиб қўй, — мазах қилиб кулди уй эгаси.

Ўрнидан туриб, кетишга тараддуланаётган Сарвар яна жойига ўтиреди.

— Отамнинг нияти ҳам шу эди, — деди яна қошиқни қўлига олиб.

— Тушунмадим, — сергакланди Сотволди, — нега ундаи деяпсан?

— Ишдан чарчадим, озроқ дам олишим керак дегандилар, — деди бамайлихотир овқатини ичаркан Сарвар.

— Мен ўйлагандан ҳам бетаъсири бола экансан-ку? — бирдан тутақиб кетди уй эгаси. — Отангни бўшатиши. Ишсиз қолган одамнинг боласига менинг уйимда бало борми? Йўқол!

Сарвар индамай ўрнидан туриб, кўчага йўл олди. Отасининг бундай муомаласидан ошхонада юм-юм йифлаётган Зарнигор шу тобда ўзидан ўтганини ўзи биларди.

Орадан икки ойдан мўлроқ вақт ўтиб, тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек уйига кириб келган Сотволдини хотини хушламайгина кутиб олди.

— Сарём Саидовични яна ишига тиклашди, — деди убехол. — Шунча йиллардан бери қилган уринишларим саробга айланди.

— Майли, эсон-омон қутилибсиз, — чой узатди эрига аёл, — энди қўйинг шу думалоқ хатларингизни, дадаси. Ўғлингиз улғайди, институтта ўқишига кирди.

— Бекоргиналарни айтибсан, хотин, — жаҳл билан чой тўла пиёлани чеккага улоктириди эр. — Сал эскирсин, Сарёмининг қасдига тушаман. Бизнинг уруғда ортга қайтиш йўқ.

Фарёд

Дам олиш куни шаҳардан келган Шерали синглиси уйда кўринмагач, онасидан унинг қаердалигини сўради.

— Нариги маҳалладаги дугонаси Муқаддасларникига кетганди, — жавоб қилди онаси. — Ҳар шанба-якшанба шу ўртоғиникига боришни канда қилмайди. Ҳализамон келиб қолади.

Үзича бир фикрға келган Шерали ошхона пичогини ички күкрап чүнтағига солиб, күчага чиқди.

Синглиснинг дугонасиникидан аллақачон чиқиб кетганини бориб билгач, у сал наридаги фермер хўжалигининг боғи томон йўл олди. Тахмини тўғри чиқди. Шомнинг гира-шира ёруғида ўриндикда ёнма-ён гаплашиб ўтирган Сарвар билан Зарнигорни йигит дарров таниди. У дараҳтларни панараб бориб, бирдан севишиганлар қаршисида пайдо бўлди. Шерали шошилиб ўрнидан турган Сарварнинг қўксига пичноқ санчди. Жонҳолатда қотилни итариб юборган Сарвар “Зарнигор, қоч!” дея бақирди ва қизни ортидан эргаштириб, шу яқиндаги қишлоқ врачлик амбулаторияси томонга югуриб кетди. Кўп қон йўқотиб, мажоли қуриган йигитни қиз ичкарига суяб олиб кирди. Зудлик билан жабрланувчига тез тибий ёрдам кўрсатилди. Туман шифохонасига етказиб борилган йигит, кўрилган чораларга қарамай, қаллигининг кўз ўнгида вафот этди.

Ўша машъум воқеа юз берган куни Сарвар қизникига совчи юбормоқчилигини айтиш учун Зарнигорни учрашувга чақирган экан.

Жамила опа не-не умидлар билан ўз қўли билан тандирда ёпиб, дастурхонига ўраб қўйган патир нонлари ёлғиз фарзандининг тўй фотиҳасига эмас, аза-маъракасига насиб қиласди, деб сира ўйламаганди, Аза бўлаётган хонадонга бошдан-оёқ оқ либос кийган Зарнигор фарёд солиб кириб келганида йиглаган ҳам, йиғламаган ҳам йиглади...

Суд қотил Шерали Сотовлдиевга ўн уч йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Агар Шералининг ота-онаси яхши ният билан яшаб, фарзандига тўғри тарбия берганида эди, бу фожиа юз бермас эди.

БОЛАЛИ АЁЛЛАР “ОВЧИ”СИ

Xудбинлик иллатига йўлиққан кимсалар қўшни “бог-роғ”ларни йўқ қилмагунча “тиниб-тингчимайди”лар. Охир-оқибат бундайлар ўзини ҳам нобуд қилишади. Бахил, ва ичи қора одамлар ўз нодонликлари оқибатида меҳр-оқибат илдизларига болта урадилар. Ота-бала, ака-ука, қариндош-уруглар орасида юз берадиган бундай худбинлик бизнинг ҳалқимиизга буткул ёт, ярашмайди. Афсуски, ҳануз орамизда шундайлар бор...

Акам “Нексия” олибдими?

Ўзига қолса, Нурмат ота кичик ўғли Шермаматнинг ўйига бормаган бўларди. Мажалла оқсоқолининг қистови билан ака-укани яраштириш учун яна бир марта бу ишга жазм этди.

Ҳар доимгидай, ўғлининг дарвозасини тақиллатиб ўтирмаӣ, тўғри ҳовлига кириб бораркан, ота томорқани кесиб ўтган ариқча ёнида тўхтаб қолди. Аслида уни энди ариқча деб ҳам бўлмасди. Шу палла унинг қошига етиб келган Шермамат истамайгина отасига салом берди.

— Нима бало, сув тегирмони қурмоқчимисан, ўғлим, — деди алиқдан сўнг Нурмат ота, одам бўйидан ҳам чуқурроқ ариқ тубига мўраларкан.

— Ўз ҳовлимдан ўтган ариқни хоҳлаганимча кавлашга ҳаққим йўқми? — совуққина жавоб қилди у.

— Акангнинг боғи нега қуриб қолганлигини энди тушундим, — ўксинди ота, — энди унга сув чиқмас экан-да?

Шермамат саволга жавоб бериш ўрнига гапни чалғитиш учун отасини ҳовлидаги ёғоч каравоттга ўтиришга таклиф қилди.

— Боги қуриган бўлса ҳам, бойвачча ўғлингиз “Нексия” сотовлди, ота, — деди күйиниб Шермамат, — ҳали “Каптива” олса ҳам, ажабмас.

— Сени ҳам тагингда “Матиз”инг бор, аканг бой бўлса, қувонмайсанми, — деди ота ҳайрон бўлиб.

— Нимасига қувонаман, ота, — жаҳли чиқди Шерматнинг, — ҳовлимнинг ярмини тортиб олгандан кейин у бойимай, мен бойийманми?

Оқсоқолнинг, “Ака-ука ўртасида ер жанжални бор, Шермаматнинг гап уқмайди, ўзингиз келиштирасангиз бўлмайди”, деганига ота энди тушунди.

— Унақа йўқ ердан жанжал чиқарадиган одатингни ташла, ўғлим, — ичидан ҳайқириқ келаётган бўлса ҳам босиқлик билан гапирди ота. — Ҳовлидаги ерни иккалантга тенг бўлиб берганман.

— Ўртадаги чегарага анор экканингиз ростми, ота? — деди оғзидан кўпик сачратиб Шермамат.

— Тўғри, — тасдиқлади отаси.

— Ана, яшанг! — голибона қийқирди ўғил. — Ўша анор акамнинг ҳовлисида. — Демак, тўрт метрдан кўпроқ мен томонга кирган.

Бу гапларни эшитган ота ўрнидан туриб кетди:

— Сен бола, Эрмаматни тинч қўй, ўзинг томондаги анорни кесиб ташлаб, акангга тухмат қиляпсанми? Аттанг-а!

— Тўғри гап туққанингга ёқмайди, деб бежизга айтишмас ёкан, — деди безрайиб Шермамат. — Судга бериб, ҳаққимни ундириб оламан.

— Ўғлим, — боласини инсофга чиқаришга уринди ота, — аканг обрў-эътиборли фермерлардан, уни қийнама. — Мен қариб қолдим. Бир-бирларинг билан иноқ бўлинглар. Сенга шу уй-жой камлик қилаётган бўлса, ўзим яшётган уйни ҳам сенга хатлаб бераман.

Шермамат бу гапларга бир сўз демай, уйига кириб кетганича, қайтиб чиқмади.

Шу куни уйига бир аҳволда қайтиб келган Нурмат ота кўрпатўшак қилиб ётиб қолди.

“Насиҳатингиз ўзингизга сийлов!”

Отасининг соғлиғидан хавотирга тушган Эрмамат ноилож укаси қўрсатган жойдан девор олди. Фақат унга бу ён бериш эвазига отасининг олдига бориб акаси билан ярашганлигини айтишишни шарт қилиб қўйди.

Ҳайтовур, эътиrozга ўрин қолмаганлиги учун, Шермамат ваъдасининг устидан чиқди. Ака-укани бирга кўрган ота бир оз тинчлангандай бўлди.

Лекин Шермамат тинчланишини хаёлига ҳам келтирмасди. Энди у акасидан унинг еридан қўрган фойдасидан каттагина улуш ажратишни талаб қилиб туриб олди.

— Майли, пул ўрнига яқинда ўйингизга туширилган икки юзта шифер билан 2-3 куб метр ёғочни берсангиз ҳам ҳисобга ўтади, — уятсизларча илжайди укаси.

— Сен айтганча бўлсин, — деди негадир укасини юзига қарашдан қўзини олиб қочаркан ака, — фақат ўғирлик қилишини ташлайсан. — Икки-уч марта қамалиб чиқдинг, етар энди. Отам оғир ётиби, сендан рози бўлиб кетсин.

— Насиҳатингиз ўзингизга сийлов! — жиддий оҳангда жавоб берди Шермамат, — Мен ўзим билганча яшайман. Ким яхши-ю, ким ёмонлигини бу одамларга ҳали қўрсатиб қўяман.

Укасини залолат йўлидан қайтаролмаган aka охир-оқибат яшаб турган ҳовли-жойини сотиб, бошқа жойга қўчиб кетди.

Қора қўзойнакли одам

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, Шермамат эса, уни бир эмас, бир неча марта йўқотди. Судланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Лекин тавба қилишини хаёлига ҳам келтирмасди. Одамларни қон қақшатиб бойиб кетаман, деган ўй уни сира тарқ этмади. Охирги марта жазони тўлиқ ўтаб чиққанидан сўнг яқинлари у энди инсофга кириб, эл қатори тинч-осуда, ҳалол меҳнат қилиб яшаса керак, деган фикрда эдилар, аммо “ўргангандан кўнгил ўртанса қўймас” деганларидек, у жиноий қилмишларини давом эттириди. Ашаддий жиноятчи энди болали аёлларни тунашга ўтди.

Қора күзойннак тақиб олган Шермамат Чилонзор туманидаги болалар шифохонаси яқыннаның автобус бекатига келип, ўриндиққа үтириди. Бола күттарған аёллардан бирининг ёнига келип үтиришини узоқ кутмади. Ёшгина она тинмай йиглаётган чақалогини овутолмагач, ноилож уни эмизиш учун унинг ёнидаги бўш жойга омонаст үтириди. Рўмолчаси билан пана қилиб, гўдагига кўкрак тутган онаизор ёнига қўйған сумкаси аллақачон киссавурнинг қўлига тушганини қаёқдан ҳам билсин эди. Сумкадаги пулларни ўмарган Шермамат зудлик билан воқеа жойидан фойиб бўлди.

Кейинчалик Мирзо Улуғбек ва Олмазор туманларидағи болалар шифохоналари олдидағи бекатларда ҳам у эмизикли боласи бор аёлларни куппа-кундуз куни тунаб кетишни давом эттириди.

Воқеаларнинг бу тарздаги ривожи ички ишлар органи ходимларини безовта қилмасдан иложи йўқ эди, албатта. Фуқарорлар мол-мулкига таҳдид солаётган босқинчи зудлик билан қўлга олиниши лозим эди. Сўраб-суриштирувлар натижасида жиноятчи қора күзойннак тақиб юриши маълум бўлди. Шу нарсанинг ўзиёқ ҳуқуқтарибот идоралари ходимлари учун тахминий қотил қиёфасини яратишга асос бўлди. Жиноятчининг қуроли бор-йўқлиги номаълум бўлганлиги учун ҳам у зудлик билан қўлга олиниши ва зарарсизлантирилиши лозим эди. Башарти, жиноят янга қайтариладиган бўлса, турли миш-мишлар тарқалиши ва айниқса, болали аёллар орасида бошланиши мумкин эди.

Одатдаги иш кунларидан бирида “Тиббиёт академияси” автобус бекатида жамоат тартибини таъминлаш билан шуғулланадиган икки нафар милиция ходими ўриндиқда узоқ вақт үтириб қолган йўловчини пайқашди. Шубҳали шахснинг қора күзойнаги йўқлиги ҳам уларни чалғитолмади. Вазиятни ўз назоратларига олган ички ишлар ходимлари кузатувни давом эттиришди.

Шу пайт эмизикли боласи бор аёллардан бири шубҳали шахснинг ёнига үтириб, боласини тинчлантириш учун эмиза бошлади.

Шу фурсатда газета ўқиб үтирган гумондор аёлнинг чарм курткаси чўнтағидан пулларни олиб, чангалида эза бошлади. Чўнтаккесар бу ишни шунчалик тез бажардикни, атрофдагилар ҳам, аёлнинг ўзи ҳам буни пайқашмади. Фақат воқеани кузатиб турган

ва керак бўлса, она-боланинг ҳаётига таҳдид соладиган салгина ҳаракатни ҳам бартараф қилишга шай турган орган ходимлари жиноятчининг қошида ҳозир нозир бўлишди. Қочмоқчи бўлганида, уни жойига ўтқазиб қўйишди.

Воқеа жойидаги холислар иштирокида киссавурликда гумон қилинаётган шахснинг кафтида, бармоқлари орасида эзиз юмалоқланган пуллар борлиги маълум бўлди. Жабрланувчидан сўралганида, чўнтағидаги пуллари йўқолгандигини айтган. Жиноятчи ўғирлаган турли миқдордаги купюра пуллар миқдори солиширилганда, жабрланувчининг чўнтағида бўлган пуллар билан мос келиши ўз далил-исботини топди.

Ички ишлар бўлимига олиб келинган жиноятчининг шахси тезда аниқланди. У ашаддий жиноятчи, муқаддам бир неча марта судланган Шермамат Нурматов бўлиб чиқди.

Оқпадарнинг жазоси

Қамоққа олинган маҳкум суд залида атрофга нигоҳ ташлади ва ёлғиз ўтирган кимсага кўзи тушди. Бу ўша, ўзи бошига минг бир жабру жафо солган акаси Эрмамат эди. Шундагина у балои нафс туфайли оқпадар бўлиб, хотин, бола-чақасидан айрилганини, қариндошларидан воз кечганини эслади. Эслади-ю, юрагида муз-дек шамол эсгандек бўлди...

Балки, акаси унинг бир кун келиб тўғри йўлга қадам босишига умидвор эканлигини билдириш учун келгандир... Яна, ким билади... Нима бўлганда ҳам ўз қилмишини ўйлаб кўриб, хуроса қилишга укада вақт етарли даражада бор. Умр дафтарининг янги садиғасини очиб, эзгу ишлар қилишга ҳеч қачон кеч бўлмайди. Бу инсоннинг ўз қўлида.

Суд ҳайъати Ш. Нурматов илгари ўхшаш жиноятлари учун судланиб, қасдан, янгитдан жиноят содир қилиш йўлига кирганини, фаразли мақсадларда ҳимоясиз одамларни жабрлаганлигини жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолади ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддаси билан айборд деб топди. Суд уни уч йил озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Шермамат жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

МАККОРЛИК ТҮРИ

Xаётда күпчилік ұалол йўл билан умргузаронлик қылса, ай-римлар қінғирлик билан ҳам кун кечиришни күзлади. Улар бу йўлнинг охири “вой” эканлигини билишмайди ёки билишса ҳам, бир гап бўлар, ўтар-кетар деган ўй-хаёлга борадилар. Қўйидаги воқеа ана шу ҳақда.

ЛАҚМАЛАР УЧУН ҚЎЙИЛГАН ХЎРАК

Топиш-тутиши бинойидай бўлган Турсунали гулдай ҳунарини ташлаб, осон пул топиш йўлини танлади. Иккиталаб уй-жой ва автомашинаси бўлган олий маълумотли йигит қінғир мақсадда одамларга ўзини гўёки одамларни хорижий мамлакатларга ишга жўнатадиган идора вакили сифатида кўрсата бошлади.

У ўзини чет элда ишлаш истагида бўлган фуқароларга ёрдам берадиган шахс сифатида таништириб, эвазига “чўтал” йиғишга киришди. Аниқроқ қилиб айтганда, Турсунали фирибгарлик йўлига ўтди.

— Сизни қайси шайтон йўлдан урди, дадаси? — деди эрини бу хатарли йўлдан қайтармоқчи бўлган хотини Бувиниса. — Шу ёлғон-яшиқсиз ҳам туппа-тузук яшаётгандик-ку!

— Гапни кўпайтирма, — хотинига ўдагайлади Турсунали. — Яххиси, дугонанг нима учун кечикаётганини аниқла...

Шу орада кутилаётган мижоз — Сарвинознинг қораси кўринди-ю, эр-хотиннинг даҳанаки жанги тақда тўхтади. Турсунали энди антиқа лиbosларни кийиб, қўша-қўша тилла узуклар тақиб олган Сарвинозга танбех беришга ўтди.

— Агар мижозни кўпайтирмасанг, “доля”дан маҳрум бўласан, тушундингми?! Мен бекорга сенга пул тўламаяпман. Бундан ташқари, Германияни Голландияга алмаштиришни бас қил.

— Мен-ку, ҳаракат қиляпман, лекин сиз ўйлаганчалик ҳамма ҳам лақма эмас, — нолиди Сарвиноз йўл-йўлакай шода-шода тилла занжирларни бўйнига осаркан. — Германиями, Голландиями, нима фарқи бор, барибир ёлғон гап-ку?!

Келишилган режага кўра, қимматбаҳо либосларга бурканган Сарвиноз “Гўзаллик салони”, меҳмонхоналар, қаҳвахона-ю, бозорларда пайтини топиб аёлларга куни кечадан жуда катта миқдорда пул ишлаб келганини, ўша пулга фалон-писмадон ашёлар сотиб олганини айтиб, мақтаниши лоэим эди. Гап орасида яқин орада яна ўша ёққа кетиш ниятида эканини, атиги бир неча бўш жой борлигини қистириб ўтишни ҳам канда қилмаслиги керак.

Пул топиб, ақл топмаганлар

Тез орада бу маккорона тузоққа дастлабки “ўлжа” ҳам тушди. Эртаси куни Турсунали шаҳарнинг кўп қаватли уйларидан бирида азиз меҳмон сифатида кутиб олинди. Германияга бориб ишлаш истагида бўлган Шоҳида Ураимовадан ўзи учун 800, ўғли Шуҳрат учун 1300 АҚШ долларини қуртдай санаб олган Турсунали керакли ҳужжатларни тўғрилашга ваъда берди-ю, зумда қорасини ўчириди.

Орадан саккиз ой ўтгач, Шоҳида билан учрашган Турсунали “шароитлар ўзгариб кетган”лигини рўкач қилиб, ортиқча гап-сўзсиз яна 300 АҚШ долларини олди.

Орадан яна уч ой ўтиб, сохта визалар қайд этилган паспорт нусхаларини қўлига олган мижоз лом-мим демай, яна 6 100 АҚШ долларини санаб берди. Шундай қилиб, Шоҳида Ураимова жами 8 500 АҚШ доллари миқдоридаги пулни ихтиёрий равишда фирибгарнинг қўлига тутқазди.

Текин пулнинг бу тарзда осонгина оқиб келишини қўрган Турсунали вақт ўтиши билан ўз фаолият “доира”сини кенгайтириб, энди одамларни бошқа хорижий давлатларга ҳам юбориши мумкинлиги ҳақида ваъдалар бера бошлади.

Бошқача айтганда, пул топиб, ақл топмаганлар эса, унчалик кам әмас экан. Бўлмаса, Ибрат Қолдибоев, Авазмат Шералиев, Замира Амироваларнинг ҳар бири ўз қўли билан 3 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулни Турсуналига санаб беришармиди? Лекин бирорта мижоз ундан ваколатини тасдиқловчи ҳужжатни сўрамаганликларига куласизми, куясизми? Кўпчилиги унинг фамилиясини ҳам билмасди.

Бу лаҳма одамларни осонникча “чув” туширган Турсуналининг бир йилгача қораси ҳам қўринмай кетди. Ниҳоят мижозлардан бири Ибрат Қолдибоев уни излаб топди-ю, визасининг муддати ўтиб кетганлигини рўкач қилиб, пулини қайтаришни талаб қилиб туриб олди. Турсунали эса, дўқ-пўписага парво ҳам қилмай, “асосий айбдор”нинг манзилини қўрсатиб юборди. Турсунали билан жиноиӣ шерик бўлган Маъруф эса, унга қўшни вилоятда яшовчиFaффорнинг манзилини бериб, сувдан қуруқ чиқди. Сўнгти манзил соҳиби эса, қамоқ жазосини ўтаётган экан.

Кўр ҳассасини неча марта ўқотади?..

Хуллас, сарсон-саргардон бўлган мижоз охир-оқибат яна Турсуналининг олдига бош уриб келишга мажбур бўлди. Аммо фириб-гарликни ўзига касб қилиб олган, алдамчиликда шайтонни яrim ўйлда қолдириб кетадиган бу кимса яна айёрик қилди ва ниятига эришди.

— Келинг, яххиси, шу Европани қўяйлик-да, сизни Россиядаги аэрордром қурилишига ишга жўнатиб юбора қолай, — деди яна ваъда бериб Турсунали.

Ноилож қолган Қолдибоев бу таклифга рози бўлди. Буни қарангки, бу сафарда унга шерик бўлувчи инсон ҳам тайёр экан. Чет элда ишлашни орзу қилган яна бир фуқаро Т. Ҳолмирзаев ҳам Турсуналига 1250 АҚШ доллари миқдоридаги “харажат” пулини келтириб берди. Шу тариқа фириб ҷоҳи тобора чуқурлашиб бораверди.

Калаванинг учи топилди

Аммо орадан уч-тўрт ой ўтиб, бир воқеа сабаб, “учар” фириб-гарнинг сири фош бўлди.

Турсуналининг найрангларига учиб юрган Шоҳида Ураимова бозорда узум сотаётган Сарвинозни кўриб қолди-да, ҳайратланган кўйи уни саволга тутди:

— Вой, Сарвиноз опа, хориждан ишлаб топган пулларим етти пуштимга етади, деган эдингиз-ку! Наҳотки, шундай бой-бадавлат одамнинг куни узум сотишга қолган бўлса³

— Э, синглим, сиз ҳам ярамга туз сепманг, — деди йигламоқдан бери бўлиб Сарвиноз. — Узоқ қариндошим бўлган Турсуналининг гапига кириб, гуноҳга ботдим. Яхшигина ишимни ташлаб, шу тов-ламачининг ҳаром пулига шерик бўлибман. Ўша кийим-бошлар, тақинчоқлар, машиналар ҳам ижарага олинган эди. Пули кўпайгач, Турсунали мендан қутулиш учун номимни ўғри, ёлғончига чиқарди. Айб ўзимда. Майли, шу ярамаснинг чангалидан қутулганимга минг шуқр.

— Нима?! Ҳали бу фирибгар бизни алдаб юрган экан-да³ — кўз олди қоронфиласиб, базўр гапирди Шоҳида.

— Ҳа-да, сингилжон. Тезда тегишли идораларга хабар қилинглар, — тайинлади Сарвиноз. — Акс ҳолда, у бирор ёққа гойиб бўлиши ҳам мумкин.

Шундан сўнг Шоҳида Турсунали тўғрисида мутасадди идораларга мурожаат қилди. Фирибгар тез орада у қўлга олинди. Бу қаллобга “чув” тушган жабрланувчиларнинг барчаси бирма-бир аниқланди. Қаллобнинг қўлига киshan солинди.

Тергов даврида алдов йўли билан фуқароларга етказилган моддий зарар тўлиқ қопланди. Жиноят ишлари бўйича суд ушбу жиноят ишини кўриб чиқиб, Турсунали Мадалиевни фирибгарлик йўли билан жуда қўп миқдордаги фуқаролар мулкига тажовуз қилганликда айбдор деб топди. Унга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Ўзга юртларда мўмай пул топаман деб, нақдидан ҳам ажралиб қолаётган юртдошларимиз нега қонуний йўл тутмасликлари кишини таажжублантиради. Шу маънода уларнинг ўзлари фирибгарлик тегирмонига сув қўйишаётганини билишмасмикин? Лақмалик ҳам эви билан-да!

АЗАГА АЙЛАНГАН ТҮЙ

Келинни келгандың күр, “сеп”ини ёйгандаңаң күр...

Түйдән кейин уч күн ўтиб ҳам ошхонага қадам босмаган келнінчакни қайнонаси уйидан чақириб чиқишига мажбур бўлди.

— Келинпошиша, ошхонани, қозон-товоқни ўзингизга топшираман, — деди қайнонаси Ўринбиби хола. — Бир умр ширинданд-ширин овқатлар пишириб, катта оиласизнинг олқишини олиб юринг, ўргилай.

— Нега энди бир умр сизнинг катта оиласизнин боқишим керак экан? — қайнонасига тик боқди келин. — Мен ўғлингиз билан оила қурғанман. Кичикроқ қозонча бўлганида эди, иккиласизга лойиқ овқат қиласдим.

Ўринбиби хола келинидан бундай гап әшитаман деб хаёлига ҳам келтирмагани учун беихтиёр ёқа ушлади.

— Ўша сиз билан оила қурған ўғилнинг онаси мен бўламан, — деди у овози титраб. — Ёшим ҳам сиздан анча катта. Бир ҳовлида яшагандан кейин битта қозондан овқат еймиэда! Ҳазилингизни ўфиширингда, паловхонтўрани бошланг. Сабзини ўзим тўғраб бераман.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, — бўш келмади келин. — Колган гапни эрим келгандан кейин гаплашамиз.

Келин зарда билан ошхона әшигини ёпиб чиқиб кетганидан сўнг қайнона шўрлик курсига ўтириб қолди. У шу тобда келин билан боғлиқ орзу-ҳаваслари чилпарчин бўлганлигини тушуниб етди.

Егуликлар солинган тўрхалта кўтариб олган Ёқуб ўзининг алоҳида қурилган уйига кириб кетганида ҳали қош қораймаган

эди. Ўғлининг қорасини кўриши билан ошни дамлаган она ўғли кийимини алмаштириб чиқишини кўзи тўрт бўлиб кутди. “Келинга юмшоқроқ гапирсам бўлар экан, ошириб юбордим шекилли”, деб ўзини койиб ҳам олди. Ош дам еди ҳамки, янги уйдан ҳеч ким чиқмади. Хавотирга тушган Ўринбиби хола келин-куёвни кечки овқатга чорлаб қизини чиқарди. Ош лаганга солинаётганда янги спорт кийимини кийиб олган Ёқуб ошхонага кириб келди.

— Сарполар муборак бўлсин, ўғлим, — деди капгирни қозонга ташлаб, фарзандининг пешонасидан ўпган она. — Буюрсин, роса ярашибди.

— Тилёғламалик қилманг, ойи, — ўзини ортга тортди Ёқуб. — Қилғиликни қилиб қўйиб, хурсандсиз шекилли³ Келинни биринчи кундан ҳақорат қилиш керакмиди³

— Ҳақорат қилганим йўқ, қайнона-келин ошхона юмушлари ҳақида шунчаки гаплашиб олдик, — деди қолган ошни лаганга солишини ҳам, солмаслигини ҳам билолмай боши гангиг қолган она.

Она биринчи марта ўғлини таниёлмай қолганди. Ота-онанинг қўзига бирор марта тик қарамаган фарзандининг важкоҳатидан у ичидা сесканди.

— Нега гапингиздан тонасиз³ — ўғли эса, овозини баландлаб гапираради. — “Тандирда нон ёпишни, овқат пиширишни билмайсан, ношудсан”, дебсиз-ку!

— Хотининг менга туҳмат қиласин, — Ўринбиилининг зардаси қайнади. — Бундай ёлғон гапларни тўқиб чиқаришдан мақсади нима³

— Ўзи майли, онасини ҳақоратлаб нима қиласиз, ойи³ — яна овозини баланд кўтарди ўғли.

— Нима дебман?

— “Эшитдик, онанг ҳам ярамас одам экан” деганингиз ёлғонми³ — ўша оҳангда давом этди Ёқуб. — Уялсангиз бўларди, ойи!

— Энди гапимни эшиш, ўғлим, — ўйғламсиради она. — Шу уйга келин бўлиб тушганимга 26 йилдан ошди. Қаҳратон совуқда ҳам совиб қолган ошни дастурхонга тортмагандим. Бугун биринчи марта шундай бўладиганга ўхшаб қолди. Қозондаги овқатни-ку, иситса бўлади, лекин кўнгил совумагани яхши эди. Аттанг, аттанг, аммо умринг азобда ўтар экан.

Шу куни Ўринбиби хола лаганда совиб қолган ошни яна қозонга солиб иситди. Она эканда, дили йиғлаб турган бўлса ҳам, ўғли билан келинига бир товоқ ош киритди, ўзи эса, бу оқшом туз тотмади. Бояқиши туни билан “ажриққа ағанаб чиққан” бўлса-да, аzonга яқин кўзи илиниб, туш кўрди. Тушида оқ ҳарир либосга ўралган келинчак қошига келиб нуқул таъзим қилиб, кечирим сўрармиш. У эса, йиғлаб, “кечирдим, кечирдим” дермишу лекин тили келишмасмиш. Ҳонанинг нарги бурчагидаги диванда ётган эри уни туртиб ўйғотди.

— Намунча босинқирамасанг, боядан бери туртаман-а, сезмайсан? — деди эсхонаси чиқиб кетган Шароф ака. — Ёмон туш кўрдингми?

— Йўқ. Жуда яхши туш кўрдим, — деди оғзи қулогида бўлиб хотини. — Сиз ётиб ухлайверинг, дадаси.

Ўринбиби хола қоронгидан фойдаланиб кўча эшик олдига сув сепиб, яхшилаб супурди. Ҳовлини супуриб бўлгунча икки кўзи ўғлининг ўйида бўлди. Назарида ҳозир келини югуриб чиқади-ю, қайнонасинг қўлидан супургини олади. Аммо тонг отиб, кун ёйилгунча сўри остидаги ёғоч каравотда омонатгина ўтирган кампирнинг ёнига ҳеч ким чиқмади. Унинг умидлари нонушта пайтигача узилмади. Фақат шошиб-суриниб ишга кетаётган Ёқуб ўйлйўлакай ойнаванд айвоннинг очиқ турган деразасидан ичкарига мўралаб айтган икки оғиз сўзи дилини вайрон қилди:

— Салтанат ўйига кетмоқчи эди, аранг қолишга кўндиридим. Олдига кириб, кўнглини яна сиёҳ қилманг. Умуман, бизнинг ўйдаги ишларга аралашманг, хўпми, ойи?

Бундай мумомаладан ҳанг-манг бўлиб қолган она ўғлининг ортидан жавдираб қараб қолди. Келин тушириб, бир фарзандим иккита бўлади, кўлимдан рўзгор юмушларини олади, деб ўйлаган шўрлик қайнона орзулари чил-чил синганини тушунди. Унинг синиқлари устида юриш, яшаш янада қийин. Аммо у яна уч қизни турмушга бериб, уч ўғилни ўйлантириши керак. Чидамасдан иложи қанча. Балки, келин инсофга кириб қолар...

Лекин орадан бир, икки, уч ой ўтиб ҳам танноз келинга инсоф кирмади. “Бошга тушганини кўз кўрар” деганларидек, қайнона ҳам аzonга яқин кўчани супуришини қўймади.

Шу орада оиланинг асосий тирикчилик манбай бўлган иссиқхонада ҳам ишлар бошланди. Айни иш тифизлашганда Ўринбиби келинига мурожаат қилди.

— Бир оиласда яшагандан кейин ора-орада қўл қоқишиб туринг, — деди унинг гапига парво қиммай безрайиб ўтирган келинини инсофга чақириб. — Ишласангиз, бошқа гап эди.

— Сизлар билан ҳовлим умумий бўлса ҳам, оиласа бўлак, деб неча марта айтишим керак? — деди келинпошша. — Ишламаёттанимни юзимга солманг, эрим рухсат берган.

— Сизнинг ёрдамингизга муҳтоҷ ҳам эмасмиз-ку, — узиб олди Ўринбиби хола, — лекин яккараб қўйдига чиқмайлик, деб айтган гапим эди.

— Ўзиям “без” одам экансизлар-да! — зарда қилди Салтанатхон. — Сизларга келин эмас, қул керак экан! Лекин мен сиз айтган одам эмасман, ҳақимни ажратиб олиш қўлимдан келади.

Дили вайрон бўлган она изига қайтаркан, келини гапирган сўнгти жумла кўнглини хижил қиласверди.

“Яна қандай ҳақинини ажратиб олар экан? — ўйлади у. — Келин бу гапни бекорга гапиргани йўқ. Яна бир кўнгилсизликни бошламаса эди. Балки, бекорга шубҳаланаёттандирман.”

Афуски, Ўринбиби холанинг шубҳалари тўғри бўлиб чиқди.

Ўзингдан чиққан балога...

Кирчиллама қиши қунларидан бирида келиннинг бозорда паттачилик қилиб Қамара “қақилдоқ” лақабини орттирган онаси қудасиникига келиб, Ўринбининг гирибонидан олди.

— Менинг қизимни қул қилиб, томорқада ишлатмоқчи бўлган сенми? — деб ўдағайлади Қамара опа қудасини қўйиб юбормай. — Бекорларнинг бештасини айтибсан!

— Ноўрин гапирияпсиз, қуда! — деди ранги-қути ўчган қайнона. — Бу гапларни қаердан олдингиз?

Қамара опа бўш келмай, оғзига келганини қайтармади.

— Ҳей, юмшоқ супурги! — яна бақирди келиннинг онаси. — Қизимнинг юрагини касал қилдинг. Уйини бўлак қилиб берасанлар! Ҳе, ўргилдим, сендақа камбағалваччалардан!

Күпни күрган Ўринбиби бир амаллаб ўзини босиб, қудасига ялинишга тушди.

— Жон қуда, уйимиздаги гап ҳали күчага чиққан эмас, — деди у синиқ овозда. — Қўни-қўшнилар эшитса нима дейди? Илтимос, шовқин қилманг. Ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Айтмасангиз ҳам ҳаммасини ўзим биламан, — деди овозини янада баландлатиб қудаси. — Ландавур ўғлингиз келгач, бу масалани бир ёқлик қиласиз.

— Ҳўп, иссиқхонадаги ишларга қарашиб юборинг, деб мен айтгандим, — деди яна ялиниб Ўринбиби. — Майли, ноўрин гапирган бўлсам, келиндан ҳам, сиздан ҳам узр сўрайман.

— Узрингизни пишириб енг, хўпми? — Қудасининг бўш келганини кўрган аёл қуда депсинди. — Ўша пиёз-укропингиздан келадиган даромадни қизим бозорда паттачилик қилиб, бир кунда топади.

Шу палла хонага шошилганча кириб келган кўёв онаси бир ёқда қолиб, қайнонаси билан қулоқ сўрашди.

— Кўёвтўра, бу ерда гаплашадиган гапнинг ўзи қолмади, — айбдордек бош эгиб турган Ёкубга мурожаат қилди қайнонаси. — Мен қизимнинг кўч-кўронини ортиб, уйимга олиб кетаман. Онангиз барибир унга кун бермайди. Ўзи “отаси йўққа кун йўқ” деганлари тўғри экан.

Бу гапни эшитган Ёқуб довдираб қолди.

— Менинг қўядиган хотиним йўқ, — деди у қайнонасининг оёғига бош ургудай бўлиб.

— Үнда танланг, — деди худди шу гапни кутиб турган қайнонаси. — Ё ота-онангиз билан ё қизим билан яшайсиз.

— Ҳозир ҳам алоҳида бўлиб, бир ҳовлида яшайпмиз, — деди содда йигит.

— Нимаси алоҳида? — пинагини бузмади Қамара опа, — Ҳовлини ўртасидан девор тортса, ана унда алоҳида бўлади. Фақат шу шарт билан қизимни қолдираман.

Бу гапларга қулоқ солиб турган Ўринбиби опанинг чинакамига зардаси қайнади.

— Бўлмаган гап! — хитоб қилди у. — Қанақа девор тўғрисида гапирияпсиз? Нима, бизни уйимизни бузмоқчимисиз, қуда?

— Икки кемани ушлаган одам охири дарёга фарқ бўлади, — деди күёвига қарата қайнона. — Бирини танлашингизга тўғри келади.

— Адашдингиз, кема аслида битта, қизингиз ҳам ўша кемада, — бўш келмади Ўринбиби хола. — Оилани бузманг. Нима бало, миянгиз ачиганми?

— Охирги, эрқакча гапингизни эшитайлик, куёвтўра, — қатъий туриб олди келиннинг онаси.

— Майли, ўртага девор урамиз.

— Балли. Мен суриштириб билдим, — баҳри-дили очилиб гапирди Қамара опа. — Ҳовли 27 сотих экан. Ўртасидан бўлса, ошхона келин-қуёв томонда, молхона нариги томонда қолади. Эртагаёқ БТИдан одам келади.

— Сал шошилмаяпсизми, қуда? — деди хонадон сохибаси. — Пулига тўлашиб қўйгандек буйруқ беряпсиз. Бу уйнинг эркаги ҳам бор.

— Э, Шароф қудам тушунади, — бамайлихотир гапирди келиннинг онаси. — Сизнинг фикрингизни сариқ чақага ҳам олмайман.

— Ўғлим, — деди онаси Ёқубга, — энди ҳаммасига тушундим. Совчи бўлиб борганимда, қўшнилари “Билиб туриб, ўғлингизни ўтга ташламанг” дейишганди, бошқа гапларни ҳам айтишганди, афсуски, ишонмагандим. Аттанг!

— Қўшниларимнинг ҳаммаси бахил одамлар, бой-бадавлат яшашимиизни кўролмайди, — жавоб берди Қамара опа.

Йигитнинг онаси эса, гўё бу гапни эшитмагандек, сўзида давом этди:

— Ўғлим, энди қайнангга, хотинингга хизматкор бўласан ёки бир куни сени ҳайдаб солишади. Менга қолса, иккинчисига розиман.

— Сиз аралашманг, — деди кутилмаганда Ёқуб онасига еб юборгудек бўлиб тикиларкан, — ўзи ҳаммасига сиз айбдорсиз.

Онаизор эса, унга жавобан ҳеч нарса демади. Фақат ҳўрлиги келиб, бошини ўғлининг елкасига қўйиб, юм-юм йифлади.

Кудасининг “артист, артист!” деганини эшитиб, сергак тортган уй бекаси дадил жавоб қилди:

— Артист деб сизни айтади. Ролингизни қотириб ўйнадингиз. Аммо томошангиз бир куни тугайди. Шунда аҳволингизни бир кўрсам эди.

— Кўрасиз, ҳали қўп нарсаларни кўрасиз, — тиржайди келиннинг онаси. — Истеъдодимга тан ҳам берасиз!

Шу куни ўз олдига қўйган “мақсад”ига эришган Қамара опа ичкарига киргач, қизини қучоқлаб, қулогига пичирлади:

— Кўрдингми, қайнонангни писта пўчоғидай чақиб ташладим. Сен бўлсанг, қўрқандинг.

— Бунча балосиз, ойи³ — эркаланди онасига Салтанат.

— Онасини йўлдан олиб ташладик, — деди креслога ўтириб, дам оларкан Қамара опа. — Боласининг бурнидан ип ўтказиш муаммо эмас. Бозорқўм рози, эринг мактабини йиғишираверсин, шу ҳафта паттачиликка ишга ўтади.

— Вой, қандай яхши! — ойисини қучди қизи. — Ойи, деворни ҳозир олдирманг, экинлар нобуд бўлади.

Бу гапи учун она қизининг юзига шапалоқ тортиб юборди.

— Қаҳрингни қаттиқ қил, — онанинг қўзларида олов ёнди. — Бўлмаса, қашшоқлиқда оёқ ости бўлиб ўлиб кетасан.

— Уэр, ойи, айтганингиздек бўлади.

— Ўйни ўз номингга расмийлаштирасан, — тайинлади онаси. — Куёвинг йўлимизга юрса-юрди, бўлмаса ёмонотлиқ қилиб ҳайдаймиз. Қолганини кейин гаплашамиз.

Махалла фаоллари ҳам келин-куёвни фикридан қайтаришполмади. Қишлоқ тарихида биринчи марта фарзандининг талаби билан ота ҳовлисининг ўртасига девор урилди. Энг ёмони, иссиқхона экинлари нобуд бўлди. Янги уй-жой Салтанатнинг номига расмийлаштирилди.

Кўр қўзнинг очилиши

Ёкуб аввалига хотини билан алоҳида уйда баҳтли-тахтли ҳаёт кечиришига ишонганди. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Махалла-кўй, қавм-қариндошлар оқибатсиз фарзанддан юз ўғиришди. Дўстлари ҳам секин-аста уни давраларга таклиф этмай қўйишиди. Ука-сингиллари у билан сўрашмай қўйишиган бўлса-да, лекин ота-

онаси ундан юз ўгирмади. Она экан-да, кунда-кунора кўчанинг бирор муюлишида дийдираб, ўғлининг дийдорини кўриш учун кутиб турарди. Бора-бора Ёқуб қилаётган ишлари тўғрилигидан гумонсирай бошлади.

Янги оиласда дастлабки тўқнашув йигит бозорда паттачи бўлишдан бош тортган куни юз берди.

— Мен паттачи бўлишдан ор қилаётганим йўқ, — деди Ёқуб унга еб юборгудай бўлиб тикилиб турган хотинига. — Мен ўқитувчи бўлишни орзу қилганман, университетда ўқиганман. Бошқа соҳага ўтмайман.

— Орзунгизга ўт тушсин! — кесатди Салтанат. — Бир умр битта галстук, ювилган костюм-шимда ўтиб кетмоқчимисиз? Тўғри, муаллимнинг обруси баланд, лекин пули бўлмайди.

Хуллас, бу сұхбатнинг натижаси ўлароқ, шу кундан бошлаб йигит кийимларини ўзи дазмол қиласидиган бўлди.

Иккинчи тўқнашув... Буни тўқнашув эмас, балки “қалампир қўшилган асалдек нордон сұхбат” десак, тўғрироқ бўлади. Ўша куни кечқурун ишдан келган Ёқубга хотини кўпдан кутилган хабарни айтди.

— Аёллар шифокори кўригидан ўтгандим, гумонам бор экан, — деди жуда ҳам хурсанд эмаслиги сезилиб турган хотини. — Суюнчисига нима берасиз?

— Бу жуда зўр хабар-ку! — деди қувончдан сакраётган эр. — Нима истасанг, шуни олиб бераман. Ўзимни ҳам сенга тортиқ қиласман.

Эрининг бу гапидан хурсанд бўлиш ўрнига келин негадир лабини бурди:

— Сиздақа мирқуруқни бошимга ураманми? — деди мутлақо жиддий қиёфада. — Суюнчисига сизни чиқимдор қиласман, барибири пулингиз йўқ. Ҳам тижорат, ҳам зиёрат деганларидек, Дубайга бориб келаман.

— Оғироёқ аёлга Дубайдаги нима бор? — сесканиб тушди Ёқуб. — Ўйлаб гапиряпсанми ўзи?

— Ойимнинг тижорати учун у ёқдан юк жўнатаман, — ялтоқланиб эрининг ёноқларини силади хотини. — Холам менга вақтинчаликка иш ҳам топиб қўйибдилар.

— Оғзингни оғритиб нима қиласан, барибир ҳеч қаерга бормайсан, — деди жаҳли чиққанидан қалтираб кетган Ёқуб.

Иблис девори қулади

Донолар “Чайнағанинг гумон, ютганинг нақд”, деб бекорга айтишмаган әкан. Баҳорнинг дастлабки кунларидан бирида юз берган бир воқеа ёш келин-куёвнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб, остин-устун қилиб юборди, десак янада тўғрироқ бўларди.

Ёрталаб бинойидек ишга кетган Ёқубнинг тоби қочиб, учинчи соатдаги дарсига қолмай, уйига қайтди. У даҳлизда кийимларини алмаштираётib, ётоқхонадан пала-партиш кийинган, кўринишидан бу ерликка ўхшамайдиган норгул йигит чиққанини кўриб, анграйиб қолди. Унинг орқасидан бир алфозда чиққан хотини лаби-лабига тегмай меҳмонни эрига танишиди. Маълум бўлишича, бу ажнабий икки қундан бери уларнида ижарада турган әкан. Қайнонасилининг бизнес-ҳамкорлари бўлган икки нафар меҳмонлар ижара пулини АҚШ долларида, жуда қиммат тўлашармиш...

Ёқуб индамай китобларини йиғишиди, бир сидра кўча кийимини кийиб, баъзи лаш-лушларини олди-да, ташқарига йўналди.

— Ҳозир чиқиб кетсанг, қайтиб уйимга қадам босмайсан, — шаллақилик қилди энди собиқ хотини.

— Исподни дастурхон қилиб кўчага ёядиганлардан эмасман, — деди ҳоргин қиёфадаги Ёқуб. — Кўрганларим орамизда қолади. Туғиляжак фарзандим ҳаққи, шундай қиламан. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман. Ҳаётимиз қовушмагани учун ажрашипмиз...

Тандирдан нон узаётган Ўринбиби хола дастлаб дарвозадан кириб келган киши ўғли эканига ишонмади. Ёқуб онасилининг оёқларига бош уриб кечирим сўради. Ота-она ҳам, ука-сингиллар ҳам уни кечиришди. Эртаси куни тушдан сўнг Ёқуб деворни бузиб ташлади.

Салтанатнинг ажрашиш тўғрисидаги аризасини суд қонунга биноан кўриб чиқди. Берилган ярашув муддатидан сўнг ҳам томонлар келишувга эришмагач, ҳал қилувчи қарор чиқарилди. Турар-жойнинг қонуний бир қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган Ёқуб ернинг қолган қисмини собиқ хотинидан сотиб олди.

Жиммининг кўз ёшлари

Онасининг уйига келгач кўзи ёриган Салтанат ўғлига Жамшид деб исм қўйди. Лекин тантиқлигига бориб, чақалоқни Жимми деб қақира бошлади. У бошқаларни ҳам шунга ўргатди.

Тўртинчи синфда ўқиб юрган вақтида аллақайси қариндошининг ҳовлисида бўлаётган тўй базмига келган Жимми ўзидан кичкина қизчани пичоқ кўрсатиб, қўрқитади. Қизча йиглаб, отасини бошлаб келганда безори болакай одамларнинг фашига тегиб, тўйхонада велосипед ҳайдаб юрганди. Газаби қайнаган ота “Ҳей бола, велосипеддан туш, сенда гапим бор”, дейиши билан ерга йиқилган Жимми шундай қаттиқ чинқиради, тўйхонадагилар тўй бир ёнда қолиб, у томонга қарашади. Беҳуш ётган боласининг у ер-бу ери шилиниб, қон чиққанини кўрган Салтанат эркакнинг ёқасига ёпишиб, “Боламни ўлдириб қўйди! Вой болам” деб дод-вой солиб, тўйхонани бошига қўтаради. Текин томошага йигилганлар қизчанинг отасига “Кучинг ёш болага етдими?” деб дашном беришади.

Шу орада тўғри тўйхонага кириб келган “Тез ёрдам” машинаси она-болани касалхонага олиб кетади. Йўлда шифокорнинг кўзини шамғалат қилиб, “ҳуши”га келган бола онасига “Хавотир олманг, ҳаммасини ёлғондан қиляпман” деб шипшишга ҳам улгуради. Бечора қизнинг отаси касалхонада ётган жабрдийда боланинг барча айтганларини муҳайё қиласди. Бир жуфт роликли, бир жуфт музда учадиган конькидан тортиб, спорт ва тоғ велосипедигача сотиб олиб берган “зўравон амаки” энг қимматбаҳо кийим-кечак ва аккумулятор билан юрадиган электромобиль ҳам совфа қилди. Салтанат эса, “айбсиз айбдор” отани бир йилгача роса “соғди”. Мактабни битириш арафасида Жамшид математика фанидан қониқарсиз баҳо қўйган ўқитувчини қасдан итига талатгани учун балофат ёшига етмаган болалар билан ишлаш комиссиясининг қарорига кўра на-зоратга олинди. Бир умр “Оғирнинг устидан, енгилнинг остидан” ўтиб, бирор ишни ёлчитмаган Жамшид ҳам йигирма ёшга кириб қолди. Аммо бирорта қўшни бу оила билан ҳамон борди-келди қилмасди.

Қотил құшни

Салтанат ўзига құшни ҳовли-жойни сотиб олиб, күчиб келған Шоқосим аканинг хотини Зұхра опа билан биринчі қунданоқ апоқ-чапоқ бўлишнинг ҳаракатига тушди. Ош-овқат чиқарип, янги құшниларни сийлади. “Еган оғиз — уялар” деганларидек, бу мулоzаматларни меҳр-оқибатта йўйиган Зұхра опа Салтанатга бутун сирларини тўкиб-соладиган бўлди.

Бир куни Зұхра опа құшнисига уч ойдан кейинга тўй белгилаб қўйишганини, аммо келин тушадиган уйни таъмиратиш учун уста тополмаётганини айтаб қолди.

— Ўғлимга айтаман, арzonроқда таъмиратиб беради, — кеккайди Салтанат. — Бир-биrimизда қолиб кетмайди.

Жамшид эшик-деразаларни бўяш ишлари учун 400 минг сўмга Шоқосим aka билан келишди. Тўй куни белгилаб қўйилганлиги сабабли таъмирлаш ишларига икки ҳафта муддат белгиланди.

Аммо орадан бир ярим ой ўтса ҳамки, ишни бошлаб, чала ташлаб кетган таъмировчидан дарак бўлмади. Бундай аҳволдан норози бўлган буюртмачининг ўғли Шомурод Жамшидни уйидан чақириб, аччиқ-тирсиқ гапларни юзига айтди. Бир ҳафталик муддатда ишни битирмаса, бошқа уста ёллашини ҳам яшириб ўтиради.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ота-онаси билан уйни кўришга келған Шомурод аҳвол ўзгармаганлигини кўриб, Жамшидни уйидан чақириб чиқди.

— Бажарган ишингиз учун сизга 50 минг сўм бераман, — деди Шомурод. — Бугуноқ бошқа уста ёллайман.

— Бекор айтибсан, ўша келишилган 400 минг сўмни бермасанг каллангни оламан, — деб йигитнинг ёқасидан олди Жамшид.

Кейин гапини икки қылган Шомуродни дўппослаб ерга йиқитган құшни ҳовлини четида ётган болта билан ҳамла қилди. Шоқосим aka уни безорининг қўлидан бир амаллаб олиб қўйди. Босқинчининг қўлидаги пичоқни кўрган Шомурод қочиб уйга кирди.

Энди мақсадига эришолмаган Жамшид жазавага тушиб, темир парчаси билан уйнинг деразаларини уриб синдириди. Бир палла синган ойна парчаси Жамшиднинг қўлини кесиб кетганини кўрган

Шоқосим ака йўловчи машинани тўхтатиб, шифохонага олиб борди. Шифокорлар жароҳатни тикишга, беморнинг уйига кетишига рухсат беришди.

Муолажалар таъсирида ўғли ухлаб қолгач, қўшнисиникига чиққан Санталат жанжал кўтарди.

— Икки миллион сўмлик ишга 400 минг бераман дейдиган сенлар одам эмассан! — дея қўшниларини ҳақорат қилди у.

Шоқосим ака билан Зўҳра опа унга ялингани сайин Санталат овозини баландлатар, оғиздан боди кириб-шоди чиқарди.

Шу пайт кўча томондаги деразадан ошиб тушиб, ҳовлига кирган Жамшидга кўзи тушган Шоқосим ака “Ана, пичофи бор!” дейишга улгурди, холос. Аммо энди кеч бўлганди. Қотил-қўшни Шомуроднинг ортидан келиб, нақ юрагига пичноқ санчишга улгурди. Шифокорларнинг барча уринишлари бекор кетди. Орадан бир неча соат ўтиб, оғир жароҳат олганлиги туфайли Шомуроднинг жони узилди.

Эндинга 18 ёшни қоралаган навқирон йигит онаси олиб келиб қўйган күёвлик сарпосини кийиб қўришга ҳам улгурмай, тўйига саноқли кунлар қолганида бу ёруф оламни тарк этди. Фарзандидан жудо бўлган ота-онага сабр тилашдан бошқа иложимиз йўқ. Аммо орзулари саробга айланган келинчакнинг аҳволини бир тасаввур этинг-а?!

Хуроса

Суд қотил Жамшид Ёқубовга нисбатан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Бўлиб ўтган воқеалардан хуроса чиқаришни ўзингизга ҳавола қиласиз.

БОЛАНИНГ УВОЛИ

Ривоят

Ривоят қилишларича, ўтган замонларда бир қишлоқда Холид исмли маҳсидўз йигит бўлган экан. У ўз ишининг устаси бўлганлиги учун ҳам рўзгори бут, оиласи тўқ, фаровон яшар экан. Майхўрликка муккасидан кетган ҳамқишлоқлари уни кўролмас, қандай қилиб йўлдан уришни билмай, гаранг бўлишаркан. Улар орасида ёшлигига илмга иштиёқманд, мадраса кўрган, кейинчалик дину диёнатни унугиб, ашаддий майпарастга айланган Сармон исмли киши ҳам бор экан.

Майхона эгаси бир куни сархуш бўлиб ўтирган Сармонга дебди:
— Эй Сармон, сен ҳаммамиздан кўра ақллироқсан. Агар Холидни йўлдан уришнинг уддасидан чиқсанг, бир ҳафта сенга май текин. Хотинларимиз уни бизга ўрнак қилиб кўрсатавериб, жонимизга тегди...

Уч кундан сўнг Сармон Холиднинг иззат-нафсониятига тегадиган гаров ўйинини ўйлаб топиби ва фирром ишлатиб, содда йигитни “доғ”да қолдириби. Бу шартга кўра, ютган одам истаган ҳар қандай топшириқни ютказган киши бир марта бажаришга мажбур экан.

Сармон Холидни бир уйга бошлаб кирибди-да, дебди:
— Сенга учта шартим бор. Шулардан хоҳлаган биттасини бажарсанг бўлгани, қарзингдан қутуласан. Биринчиси, қўшни хонадаги қизни зўрлаш. Иккинчиси, ёш болани ўлдириш, учинчиси — мана, олдингдаги бир кося майни ичсанг ҳам бўлади. Хуллас, танлов сенинг ихтиёргингда. Шу шартлардан бирортасини бажаришинг

билан эшикни тақиллатасан, мен кириб күргач, түрт томонинг қибла!

Сармон шу гапларни айтиб, уйдан чиқиб кетибди.

Холид дастлаб қиз ўтирган хонага кириб, самимий оҳангда сўрабди.

— Синглим, исминг нима?

— Зайнаб, — дебди қиз бурчакка биқиниб, “даф-даф” титрар-кан.

— Ўтинаман, баҳтимга чанг солманг, севган ёрим бор.

— Қўрқма, мен сенга қўлимни ҳам теккизмайман. Тошбўрон бўлишни истамасман.

Кейин ёш болага юзланибди.

— Болакай, қўрқма, сени ўлдиргунча, ўзимни ўлдираман. Дорга осилишни истамайман.

“Бир коса май ичганим билан майпараст бўлиб қолармидим, — ўйлабди Холид. — Икки бошқа гуноҳдан кўра, мана шуниси афзал”. У косадаги майни сипқорибди. Сал ўтмай, шайтоннинг гапига кириб аввал бегуноҳ болани ўлдирибди, кейин бокира қизнинг номусига тегибди. Эшикни синдириб, ташқарига чиққан Холидни қўрган Сармон ниятига етганини тушунибди.

Қозининг фатвоси билан шу куниёқ гуноҳкор Холидни дорга осиб, мурдасини тошбўрон қилишибди. Зайнаб тун ярмида қишлоқ яқинидаги тоққа чиқиб, чўққидан ўзини пастга отибди. Севгилисинг фожиали ўлимидан хабар топган Омон ҳам ёри ҳажрида ёнма-ён чўққидан ўзини пастга отибди. Шу-шу бу чўққиларга одамлар “Зайнаб учди” ва “Омон учди” деб ном беришибди ва ҳали-ҳануз эслаб юришаркан.

Ўша куниёқ Сармон ҳам қишлоқдан фойиб бўлибди. Холиднинг оиласи пароканда бўлиб, болалари қишлоқма-қишлоқ юриб, тиланчилик қилишаркан...

Қамчиқ довони остонасидағи Четсув қишлоғига йўлингиз тушса, албатта, маҳаллий ахоли салобатли Чотқол тогининг эгизакдай, ёнма-ён турган икки чўққисини сизга кўрсатишади ва эндиликда ривоятга айланган фожиали, аммо ибратли ҳикоят воқеалари айнан шу қишлоқда юз берганига ишонтиришади. Менга эса, бу ривоятни шу қишлоқда туғилган ўтогаси Шамсиддин ота айтиб берган-

дилар. У киши бу ривоятни оталари Фози мергандан, у зоти шариф эса, үз навбатида боболаридан эшитган эканлар.

“Үзимиз ҳам фаришта әмасдик”

Акмал институтни битириб, шифокор бўлиб қишлоққа қайтган кундан бошлаб ота-онаси тезроқ унинг бошини “иккита” қилиб қўйиш учун қиз қидиришга тушди. Акмалга қизини берадиганлар кўп эди. Шунинг учун қишлоқнинг олди қизи бўлган Шоҳидани унга унаштиришганда, ҳеч ким ҳайратта тушмади. “Тенг-тенги” билан-да, дейишди қариялар.

Тўйға бир ҳафта қолганда Зарифа опа бўлғуси куёв бўлмишнинг ароқхўрлиги тўғрисида топиб келган гапи Парпи акани бир оз хавотирга солган бўлса-да, сиртида буни билдирамади.

— Ким кўп, қизимизни олий маълумотли дўхтирга бераётганимизни кўролмайдиганлар кўп, — тинчлантириди у хотинини. — Үзимиз ҳам ёшлиқда фаришта әмасдик, онаси, ўйлангач, “шўхлик”лар қолиб кетди.

— Ишқилиб, айтганингиз келсин-да, — хўрсинди Зарифа опа.

— Э, хавотирга ўрин йўқ, — деди ичидан “зил” кетганини яшириб эри, — тайёргарликни бўшаштирма.

Тўйдан сўнг ўн беш кун ўтар-ўтмас Шоҳида кўзининг ости қўкариб, ота уйига йиглаб келганда хавотир бежизга әмаслиги ойдинлашиди.

Үдагилар келинчакка насиҳат қилиб, шу куниёқ ортига қайтариб юборишиди.

Кейинчалик ҳам ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмаган Акмал ичкилиkbозлиknи ташламади. Биринчи фарзанд — Акрам туфма ногиронлик билан дунёга келгач, Шоҳиданинг боши маломатдан чиқмай қолди. Шифокорларнинг ташхиси ундан ҳам беаёв эди: ичкилиkbозлик оқибатидаги туфма ақлий заифлик.

Қайнота билан қайнонаси боланинг ногиронлигига келинни айблашди.

“Ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзинг ичсан” деганларидек, бечора келин “тишини тиши”га қўйиб яшашда давом этди. Унинг барча умиди туғилажак иккинчи фарзанддан

эди. Афсуски, бу умидлар ҳам пучга чиқди. Туғилган қизчанинг бир оёғи хиёл калта әканлиги аён бўлгач, келинни икки боласи билан уйдан ҳайдашди.

Турмушга чиққанида ҳамманинг ҳавасини келтирган Шоҳиданинг уч йиллик оиласвий турмуши давомида афт-ангори ўзгариб, юрагидаги дарду аламлар сабаб ёшлигидаги ҳуснини анчайин йўқотганди. Улар ажрашгач, мерос масаласи ҳам аёлнинг фойдасига ҳал бўлмади.

Бу орада иш жойини бир неча марта ўзгартирган Ақмал ўзидан анча катта ўшдаги аёлга уйланди. Бу турмуш ҳам икки йилга бормади. Ўйнагилар бир бўлиб туфмас аёлнинг “жавоби”ни бериб юборишиди.

Яхшилик билан ёмонликнинг ораси бир қадам, деганларича бор экан. Ёлғиз ўғилининг тарбиясига эътибор бермаган шўрлик ота-она-нинг оиласиги ғурбатдан бошлари чиқмай қолди. Кейинчалик ҳам Ақмални икк-уч марта уйлантиришиди. Аммо икки норасида ногирон боланинг уволи тутдими, ҳарқалай кутилган зурриёд дунёга келмади.

Бир вақтлар давраларнинг тўридан тушмайдиган Ақмал ичкиликбозлик сабаб обрў-эътиборидан, кассб-коридан, ёру дўстларидан айрилди. Орадан йиллар ўтиб, энди мўйсафид ёшини қоралаган бу кимсанинг бир пайтлар шифокор бўлганлигини одамлар ёдидан ҳам чиқарип юборишиди. Сурункали ичкиликбозлик, нотўғри турмуш тарзи унинг ҳасталанишига олиб келди. Унга иккинчи гуруҳ ногирони нафақаси тайинланди. Аммо шундан кейин ҳам Ақмал ароқхўрликни ташламади. Саёқ юрган эса, бир кун келиб, албатта, таёқ ейиши турган гап.

“Олифтагарчиликка бало борми?”

Шу куни “бош оғриғи”ни қолдириш учун кўчага чиққан Ақмал 150 грамм ароқ ичди-ю, қаҳвахона атрофида айланиб, уйига кетолмади. Ҳамтовоқларидан бири кўриниши билан пиво олдириб, уни ҳам жигилдонига уриб олди.

Кечга томон у яна ўша қаҳвахона атрофида пайдо бўлди. Пенсиясидан қолган пулни ҳам ароқ ичишга сарфлаган Ақмал чиқаверишда доимий ҳамтовори — Валерани учратиб қолди. Энди базму жамшидни унинг ҳисобидан қош қорайгунча давом эттиришиди.

Қаҳвахона эшиги олдида Фофири учратиб қолишмаганда, әхтимол, бу күргиликлар йўқ эди. Фофири эски таниши Валера билан қуюқ сўрашиб, унга бир ҳовуч писта берди. Иккаласи нималар ҳақидадир сұхбатлашишди. Шундан кейингина ёnlарида турган Акмалга кўзи тушган Фофири унга ҳам бир ҳовуч писта узатди.

— Мана, сен ҳам қуруқ қолма. Писта чақасанми?

— Отанг тенги одамни нега сенсирайсан? — деди астойдил жаҳли чиқкан Акмал. — Писта чақишига тиш йўқ.

— Бергандан кейин олавер-да, олифтагарчиллик қилишингта бало борми? — илжайди ширакайф Фофири. — Чақмасанг, сочиб юборарсан.

— Мени сенсирама дедим, — Акмал Фофирининг ёқасидан олди, — ҳозир ўша пистадай сени “чақиб” ташлайман.

Фофири жавоб беришига улгурмай, башарасига шапалоқ тушди. Йигит юзини ушлаб, тисланди. Валера Акмални четга тортди.

— Ёш бола билан тенг бўлма, ўртоқ, — деди у ёлвориб.

Акмал бир силтаниб, унинг қўлидан чиқди.

— Мени сенсирагани учун уни ўлдираман, — деди-да, Акмал Фофирининг юзига яна бир мушт тушириди.

Зардаси қайнаган Фофири устидаги камзулини ечиб, четга улоқтириди-да, Акмални бир ҳамлада ерга йиқитди. Бир-икки мушт тушириди-ю, қўйиб юборди. У камзулини кийиб, энди кетмоқчи эди, бу орада туришга улгурган Акмал яна рақибига мушт тушириди.

— Ака, бўлди энди, жиннилик қилманг? — деди ҳимояланаркан Фофири.

— Ҳали ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди сўкиниб Акмал, — ҳозир қўрасан нима қилишимни!

Кутимаганда Акмал ён тарафдаги кўп қаватли уйлар томонга югуриб кетди.

Орадан кўп ўтмасдан, қоғозга ўралган бир нарсани кўтарганча югуриб келган Акмал яна Фофирига ташланди. Шундагина унинг қўлида пичноқ борлиги маълум бўлди. Қочиб кетаётган Фофирининг ортидан етиб олган Акмал унга пичноқ урди.

— Ака, нима қилиб қўйдингиз? — дейишга улгурган Фофири гандираклаб йиқилди.

Кўзи қонга тўлган Акмал ҳимоясиз ерда ётган йигитнинг дуч келган жойига 5-6 марта пичоқ санчди.

Шу пайт воқеа жойида пайдо бўлган участка инспектори унга бақириди:

— Пичноқни ташла, ҳозироқ ташла, дедим!

Акмал ўринидан туриб, овоз келган томонга ўгирилди.

— Яқинлашма, милиционер, сени ҳам ўлдирман! — хириллади қотил.

— Пичноқни ташла! — огоҳлантириди участка инспектори ва тўғри унинг устига бостириб келди.

Оралиқ масофа тўрт-беш қадам қолганда, Акмал қочишига тушди. У болалар боғчаси ҳудудига кириб, кўздан фойиб бўлди.

Участка инспектори таъқибни давом эттиар экан, рация орқали воқеа жойига “Тез ёрдам” машинасини чақириди. Зудлик билан етиб келган милиция ходимлари ёрдамида жиноятчи қўлга олинди. Болалар боғчаси ҳудудидаги ўтлар орасидан қонга беланган пичоқ ҳам топилди.

Гофир Қодиров оғир тан жароҳатлари билан касалхонага олиб борилди ва ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам натижасида тирик қолди.

Сўроқ жараёнида айбланувчи Акмал Абдуллаев ёлғон кўрсатмалар бериб, терговни чалфитишига ҳаракат қилди. Жумладан, у пичноқни уйидан олиб чиқмаганлигини, балки меваларни арчиб ейиш учун доимо ёнида олиб юришини айтди. Рад этиб бўлмайдиган далил-исботлар келтирилгач, у ўз айбини тўлиқ тан олди. Бундан ташҳари, жиноятчининг милиция ходимига ҳам таҳдид қилганлиги ўз исботини топди.

Жиноят жазосиз қолмайди

Жиноят ишлари бўйича суд ушбу жиноят ишини кўриб чиқди ва Акмал Абдуллаевга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан 7 йибу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Шунингдек, унга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 баравари миқдорида жарима жазоси ҳам тайинланди. Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ва жарима жазоси алоҳида ижро этиладиган бўлди.

Хулоса

Аслида хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Умр — ўткинчи. Вақти келиб, инсон ортига, ўтган умр йўлига назар ташлаганида, унда мамнун бўлиши керак. Акмалга ўхшаганлар эса, ана шу пайт келганда қандай манзарани кўриб, не ахволга тушибаркин? “Э воҳ, аттанг”, дейишар, балки. Лекин у вақтда пушаймондан на унга ва на атрофдагиларга бирор фойда борми? Йўқ, албатта. Менинг ёдимга эса, негадир шу тобда “Кўпак дарёдан сув ичгани билан дарё булғаниб қолмайди”, деган мақол келди.

ҚОТИЛ “КҮЁВ”

Қайтиб келмаган совчилар

Маҳалладаги энг бадавлат хонадоннинг бекаси бўлмиш Сайёра опа бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўз тувишган синглиси Моҳиранинг ҳам туриш-турмушини қўролмасди. Қўчанинг нариги бошида яшайдиган синглисининг уйига ҳар куни бир марта бормаса, уйқуси келмасди. Ертўладаги дон-дундан тортиб чорхаридаги молларгача киши билмас бир-бир унинг назоратидан ўтарди. У кейинги сафар келганида бирор нарса камайса майли-я, лекин кўпаймаслиги шарт! Акс ҳолда, эртадан қолмай, эри шўрлик ё қанор қопда дон кўтариб ёки мол етаклаб келиши керак эди, тамом-вассалом. Моҳира ўз тувишган опасининг бу каби хурмача қилиқларидан ичидা “зил” кетса ҳам, сиртида зинҳор буни билдирмасди. Жигарчилик экан, бармоқларнинг қайси бирини тишласа ҳам оғрийди-да. Боёқиши кимга ҳам ҳасрат қиласди. Аммо қизи Шоирани сўраб синглисиникига совчилар келган куни Сайёра опа ўзини нақ оловнинг ўртасида қолиб кетгандай сезди. Яна совчилар қаердан келишган денг? Пойтахтдан, ўзига тўқ оиласдан, фирма бошлигининг ўғлидан-а?! Синглисида ёлғиз қиз бўлса, унда ҳам якка-ю ягона, кўзининг оқу қораси — шу Улфатой. Иккаласи ҳам тиббиёт академиясини тамомлаган. Шоира бор-йўғи болалар шифокори бўлса, Улфатой — стоматолог, пул топиши ёмон эмас. Шундай экан, ўша бой-бадавлат қудалар нега унинг уйини четлаб ўтишади?! Нега?!

Сайёра опа бутун аламини алламаҳалда ширакайф бўлиб уйга кириб келган эри Неъмат акага тўкиб солди.

— Энди тушундим, — деди зарда билан Сайёра опа, — нега бу уйга тузук жойдан совчи келмаслигини билдим. Ҳамма айб сизда! Негаки, сиз ландавурсиз!

Шу тобда Неъмат аканинг “чурқ” этишга журъати етмасди. Хотинининг чакаги эса, очилгандан-очилиб борарди.

— Доим итнинг кейинги оёғи бўлиб юрамиз, — йиғламсиради Сайёра опа. — Шу музлаткич ўлгурни ҳам писмиқ синглим уч миллион сўмлигидан биринчи бўлиб олволибди. “Мана сенга, куйиб ўл” деб, тўрт миллион сўмлигини сотиб олдим.

Бу вазиятда эри тайинли гап айтолмаса ҳам, ҳар ҳолда йўқдан кўра луқма ташлади:

— “Жип”имиз ҳам бор...

— Шу “Жип”ни сотиб олар экансиз, — киприк қоқмасдан мавзуни давом эттириди хотини. — Улардан олдин “отни қамчилаш” керак эди-да... Ҳа, майли, эртага шу “Жип”ингизда Тошкентга бирров бориб келамиз. Шу қудаларни божангизни қизидан айни-тиб, ўзимники қилиб олмасам, юрган эканман.

Хотинининг чехраси ёришиб, қора буулутлар тарқалаётганини кўрган Неъмат aka унда ҳам лаб-даҳан борлигини эсига солиб қўйиш учун деди:

— Бошқа янгиликлар йўқми?

— Нима, атайлаб “қитиқ патим”га тегяпсизми? — ичкарига кириб кетаётган хотини тўхтаб, еб юборгудек бўлиб эрига тикилди. — Моҳирани сигири ҳам эгиз туғди, шу керакми? Бизники қисир қолди. Мол эгасига ўхшамаса ҳаром ўларкан.

Хотини жойидан жиларкан, бирдан уввос солиб йиғлаб юборди.

“Бизда ҳам қиз бор...”

Тонг саҳарда вилоятдан йўлга чиққан “Жип” автомашинаси пойттахтдаги қўш қаватли уйлардан бирининг олдига келиб тўхтаганида қуёш аллақачон ёйилиб кетганди. Бу ўша, кеча Моҳираларнигина совчи юборган хонадон эди. Сайёра опа иш билан пойттахтга келганини, жигарчиликка қарамай, жиянининг шабкўр эканлигини, бекитиқча линза тақиб юришини айтиб қўйиш бурчи эканлигини, бир кўришдаёқ бу хонадон ёқиб қолганлигини

уў бекасига қайта-қайта таъкидлади. Сўзининг охирида эса, “Бизнинг вилоятдан қиз олмоқчи экансиз, бизда ҳам қиз бор, айланай” деди Сайёра опа мақсадга кўчиб.

— Яхшиям сиз бор экансиз, овсинжон, — деди уў бекаси, — бўлмаса, ўтдай қуйиб қоларканман-а? — Якка-ю, ягона ўглимнинг умри сал бўлмаса кўча-кўйда кўзи кўр хотинини етаклаб юриш билан ўтиб кетаркан. Вой, худо бир асрабди-я!

Ҳасад ўти

Сайёра опа шу бугунги қилган ишидан беҳад хушнуд эди. Ҳозир кимдир уни мақтанини жуда-жуда истарди. Қайда дейсиз? Нимагадир ҳар доим бунинг акси бўлади. Унга маҳалладагилар орқаворотдан “ичкора”, “ҳасадгўй” деб лақаб қўйишган. Тўй-маъракаларга ҳам шунчаки, юзхотирчилик учун айтишади. “Мана, шу бугун аzonлабдан қийналиб, қаёқдан қаёқларга сандирақлаб юрибман”, деб ўйга толди Сайёра опа. У ўзини оқлашга уринди: “Ўйласам, ўз қизимнинг баҳтини ўйлабман, бунинг нимаси ёмон? Нима, менинг қизим баҳтли бўлиши мумкин эмасми? Биламан, маҳалладагилар яна менга “лой” чаплашади. Бироннинг, йўғ-а, ўз синглиснинкига келган совчиларни айнитди, деб гап тарқатишади. Баҳт учун курашиш айбми? Майли, бир кун гапиришади, икки кун гапиришади, кейин ҳаммасини унутиб юборишади...”.

Сайёра опа хаёлларини жиловлаб, эрига мурожаат қилди.

— Энди бүёфи менинг “сценариийим” асосида бўлади.

— Нима бўлади? — тушунмай сўради эри.

— Дард бўлади, тўй бўлади, — ўшқирди хотини. — Совчилар келишига тайёргарлик кўрайлик, деяпман.

— Агар Моҳираникига келган совчиларга умид боғлаётган бўлсанг, — деди жиддий қиёфада Нельмат ака хотинига, — ўҳшамайдиган гапни қўй. — Одамлар нима дейди, Моҳира туғишиган синглинг бўлса, божам нима дейди? Сабр қилайлик, қизингга ҳам эр чиқар.

— Сиз ҳам ҳар доимгидай мени тарафимни олмай, ўша маҳалладошларингизни тарафини оляпсизми? — хўрлиги келди Сайёра опанинг. — Яна мен ёмонман! Мен...

— Бўпти, билганингни қил, аттанг қилмасанг бўлгани, — тақдирога тан берди Неъмат ака хотинига бас келолмаслигини билиб.

“Кутма, қариқиз!”

Чиндан ҳам воқеаларнинг кейинги ривожи Сайёра опа айтган “сценарий” бўйича давом этди. Орадан уч кун ўтиб, таниш совчилар Неъмат аканинг эшигини тақиллатиб келишди. Совчи аёл поликлиникада Шоиранинг тиббий картасини хуфия олиб қўрганлигини, унинг кўзи сурункали касалликка чалингани рост бўлиб чиқданлигини гап орасида қистириб ўтди. Щўрликнинг “тиббий дафтар”часидаги бу ёзувларни онасининг қистови билан Улфатойнинг ўзи киритганди. Хуллас, маҳаллада “ёмон”лар кўп эканлиги баҳонасида ўн беш кун ўтар-ўтмай тўй ҳам бўлиб ўтди.

“Куш уясида кўрганини қиласди”, деганларидек, Улфатойнинг янги хонадонга қўниши қийин кечди. У ҳамон онасининг топшириғи билан иш қиласди. Мақсад йигитни ота-онасидан совутиб, ичкуёв қилиб олиш эди. Биринчи навбатда бу бўлмагур фикрга куёв қарши чиқди. Улфатой униб-ўсан мұхитига содиқ ҳолда, айтганини қилдиришга уринарди. У охирини ўйлаб ўтирмаӣ, күёвни чўчитиб қўйиш учун масалани кўндаланг қўйди. “Ё алоҳида яшаймиз, ё ажрашаман!” Сабр косаси тўлган куёв иккинчи ўйни танлади. Ярим ўйдан сўнг эри билан ажралган Улфатой кўч-кўронини машинага ортиб, уйига қайтиб келди. Энди бу оила билан маҳалладагилар ҳам алоқани бутунлай узишди. Уларнинг жонига оро кирган эса, яна ўша жигарлари — Моҳира ва Шоира бўлди. Аммо шундай бўлса ҳам, Улфатой Шоирага пичинг қилишдан уялмади.

— Оқ от минган шаҳзодадан ҳали ҳам дарак ўйқми? — сўйарди у жўрттага.

— Йўқ.

— Оти ҳам, шаҳзода ҳам қариб қолгандир, — дерди холавачаси сурбетларча унга тикилиб, — энди келмайди. Кутмасанг ҳам бўлади.

“Шаҳзода”нинг ташрифи

Халқимизда “ўтирган қиз ўрнини топади” деган гап бор. Шоира ҳам ўша баҳтни интизорлик билан кутди. Кунлардан бирида оқ

от минган “шаҳзода” унинг ҳовлисига кириб келди. Фақат у ёлғиз эмасди. Отга шаҳзоданинг эндигина оёғи чиққан ўғли ҳам мингашиб олганди. “Шаҳзода”нинг исми Содиқжон экан. Унинг ёшигина хотини саратон касаллигидан вафот этиб, икки ёшдан ошган ўғли билан ёлғиз қолибди. Хуллас, никоҳ тўйидан сўнг Содиқжон ота-онасиз бўлганлиги учун қайнонаси Мөҳира опани ҳам ўзи билан Тошкентга олиб кетди. “Подачининг таёғидан, келинчакнинг оёғидан...” деган бироз чапанироқ бир гап бор. Шу сабабми, нима бўлганда ҳам янги келинчакнинг қадами қутли-баракали келди. Тез орада Содиқжонни ўзи ишлайдиган қўшма корхонанинг Америкадаги офисига ишга ўтказиши. Бутун оила хорижга кўчиб кетди.

“Захар сочмоқ эрур қасби илоннинг...”

Сайёра опа касаллигини баҳона қилиб, синглисининг уйидаги тўйға чиқмади. Ҳасад ўти энди унинг жону жаҳонини ўртаб, кул қилмоқда эди.

— Мен шу тўйни кўргунча, кўр бўлиб қўяқолсам бўлмасми? Бир ойга қолдирмасдан Шоира ўлгурни эридан ажратмасам отими ни бошқа қўяман, — деди у йифламсираб қизига ҳасрат қиларкан.

Улфатой онасининг гапларини эшитиб, аввал қиқир-қиқир кулди, кейин ўта жиддий, ҳатто ёвуз одам қиёфасига кирди.

— Шу вақтгача Шоирага қилган ёмонликларингиз бир пулга қиммат бўлиб чиҳди, — деди у онасига яқин келиб. — Энди бу ёғини менга қўйиб беринг. Аввал унинг пулини, мол-дунёсини тортиб олиб, гадой қиламан, кейин эрини тортиб оламан.

— Ҳа, молини ҳам, жонини ҳам суғуриб оламиз, — деди онаси бир оз тетиклашиб.

Мөҳира холасида 100.000 АҚШ доллари миқдорида пул борлигини қариндошларидан эшитиб қолган Улфатойнинг тинчи бузилди. Бу пулни қандай бўлмасин қўлга киритиш устида ўйлай бошлиди ва ниҳоят йўлини топгандай бўлди. У собиқ хушторларидан бири, муқаддам бир неча марта судланган Самир Самариддиновга бу ҳақда оғиз солди.

— Ўша бойвучча холанг Америкадан қачон келади? — бамайлихотир сўради йигит.

— Ҳар йили ёзда, — деди Улфатой. — Аниқ вақтини билиб бераман. Пулни қандай қилиб оласиз? Агар бирор билиб қолса...

— Бу менинг ишим, агар ўша пул бор бўлса, албатта, — гапни чўрт кесди жиноий шерикчиликни бўйнига олган ҳамтовори.

— Уйида тилла буюмлар ҳам кўп, — деди аёл худди гап оддий нарса ҳақида бораётгандай.

— Уни ҳам “арра” қиласиз-а? Ҳолангни менга рўбарў қилиб, танишириб қўйсанг бўлгани, — деди Самир негадир кулимсираб. — Бу ёгини “уста”нинг ўзи билади.

Шафқатсиз қотил

Орадан бир ярим ой вақт ўтиб, ўша ёмонликни соғинган кунлар ҳам етиб келди. Улфатой Самирнинг қистови билан 2-3 марта Америкага, Шоирага қўнғироқ қилиб, холасининг қачон Тошкентга учеб келишидан тортиб, унинг пойтахтдаги уйида қачон бўлишигача аниқ билиб олди.

Тошкентга учеб келган куниёқ буни аллақаёқдан билиб, уйига келган Улфатойни холаси хушламайгина кутиб олди. Аммо табиатан ҳалимдек юмшоқ, муруватли бу аёл жиянининг илтимосини жон қулоги билан эшилди.

— Ишхонамизда мен билан бир хонада ўтирадиган ходими-мизнинг узоқ йили қўли синган экан, — деди тилёғламалик қилиб Улфатой. — Шуни эртага бир кўриб қўйсангиз? Сизни Америкада ишлайдиган врач қариндошимиз деб айтганман. Ҳўп денг, хола? Мени шарманда қилманг.

— Менинг касбим жарроҳлик бўлса ҳам, — деди босиқлик билан Моҳира хола, — амалиётни тўхтатганимга анча бўлган. Йўқ, бўлмайди. Шу мақтанчоқлигинг қолмади-да. Майли, ўша ҳамкасбингга айт, эртага тушгача келсин бўлмаса. Ҷақириб келганда сени юборганингни айтсин.

— Энди очишини айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, — холасининг пинжига тиқилди жияни, — бўлғуси күёвингизни кўришни истамайсизми? Сиз нима десангиз, шу бўлади, холажонгинам. Мен бирга келмайман, ўзингиз бафуржга гаплашиб кўринг, майлими.

— Гап бу ёқда демайсанми? — суюниб кетди холаси. — Бегонага ўшаб гапирасан-а, жигарим. Айт, эртага тушгача келсин, сабрсизлик билан кутаман.

— Холажон, ҳали бўладими-йўқми, ҳеч кимга, онамга ҳам, бошқаларга ҳам ҳозирча бу ҳақда айтманг, илтимос? — эркалаб ялинди Улфатой.

— Мен биламан, худо билади, болажоним, — сира хавотирланма, — деди Моҳира хола. — Баҳтинг очилиб кетса, ажабмас. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади.

Хуллас, эртасига эрталаб Моҳира опанинг уйига киришга муваффақ бўлган Самиф яхши гап билан ҳора ниятига эришолмаслигига кўзи етгач, пичоғини ишга солди. Қотил ўта шафқатсизлик билан кекса аёлнинг юрагига бир неча марта пичноқ санчиб ўлдирди. Ягона гувоҳдан қутулган босқинчи ортиқча қийинчиликсиз 100.000 АҚШ доллари билан тилла буюмларни олиб, тезда воҳеа жойидан фойиб бўлди. Улфатой жинойй шеригини икки кунгача келишилган жойда сабр-тоқат билан кутди. Ниҳоят, Самиф қўнғироқ қилиб, ҳар эҳтимолга қарши учрашув жойини ўзгартирганини маълум қилди. Улар чоғроққина тунги ресторонлардан бирида учрашишидди. Бу вақтда содир этилган жиноятдан хабар топган ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари сўнгги телефон сўзлашувлари асосида гумондор Улфатойнинг ҳар бир қадамини синчилаб кузатишаётганлигини жиноятчилар билишмасди. Сиртдан қарагандা бу жуфтлик чақчақлашиб ўтиргандек кўринса-да, аслида иккаласининг оғиздан чиқаётган гапларга “илон пўст ташлаши” турган гап эди.

У холасига нима бўлганини сўрамади ҳам. Ҳуфя жойда пул билан тиля буюмларни тенг тақсимлаб олишди.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек, қанчалик чигал бўлмасин, тергов якунланиб, иш судга оширилди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ушбу масалани кўриб чиқиб, жиноятчиларга айбига яраша жазо тайинланди.

ФИРИБГАРЛИК ТҮРИ

Яқин ўтмишда хорижга бориб келиш, ҳеч муболағасиз, оламшумул воқеа сифатида қабул қилинганилиги, бор гап. Шуқурки, әндилекда эмин-эркин қонуний йўл билан чет элга саёдат қилиш, ҳатто ишлаб келиш ҳам одатий ҳолга айланди. Аммо айрим баднафс кимсалар текин пул топиш мақсадида ана шундай имкониятни суистеъмол қилаётганлигини қандай тушуниш мумкин?! Таги пуч, ёлгон ваъдаларга учиб, охири хор-зор бўлганларнинг бошидан кечган азоб-уқубатлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Аслида бир жойда қўним топиб ёлчитиб ишламайдиган, “оғирнинг устидан, енгилнинг остидан ўтиш”га одатланган кимсаларгина аллақаёқдаги, аслида сароб бўлган, “дараҳтини тепсанг, пул ёғилади”ган юртларни орзу қилишади. Натижа эса, маълум, аттанг ва афсус-надоматдан бошқа нарса эмас. Яна унинг кунига ўз юрти, ўз халқи ярайди.

“Узоқдаги қуйрӯқдан...”

Шаҳардаги “Maxsustrans” корхонасида омилкор бўлиб ишлётган Дилшоднинг топиш-тутиши, яшаши ҳам ҳеч кимдан кам эмасди. Кунлардан бирида унда бирдан бойиб кетиши иштиёқи пайдо бўлди. Шайтон йўлдан урдими ёки эски таниши Эркиннинг гапига кирдими, ҳар ҳолда ишни ташлади.

— Менга шерик бўлсанг, — деди Дилшодни Қўйлиқ дехқон бозорида учратиб қолган Эркин, — бир йилда бир умрга етадиган пулни жамғариб оласан.

— Ўзимнинг ҳам ниятим шундай эди, — деди оғзини таноби қочиб Дилшод, — қўлингдан нима каромат келади? Шартингни айт.

— Қозоғистонда акамнинг “Шовинвест” номли хусусий фирмасига ишчилар ёллаш учун келгандим, — деди Эркин Дилшоднинг қўнглига қўйл солиб кўраркан. — Шунга одам изляяпман. Ёрдам берсанг, бояги гапим — гап.

Хуллас, “иш” “хамирдан қил суғуриш”дан ҳам осон битди.

Шартга кўра, Дилшод қурилишда ишлайдиган одамларни ёллайди ва чегарадан олиб ўтиб, Эркинга топшириши лозим бўлади. “Шовинвест” хусусий фирмасининг муҳори ва тамғаси туширилган маҳсус шартнома бланкаларида эса, ҳар бир ёлланма ишчи ойига 700 дан 1500 АҚШ долларигача маош олишидан тортиб, ётоқхона, кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва бошқа иш анжомлари билан таъминланиши кафолатланган эди. Ёлланма ишчилар эса, ўзлари билан паспорт ва 30-40 минг сўм пул олсалар бас.

Шундай қилиб, Дилшод худди эртаклардагидек, бир думалаб ўзи кўрмаган ва эшитмаган “Шовинвест” хусусий фирмаси ходимига айланди-қолди. Бу йўлдаги илк даромади ҳам чакки бўлмади. Қаллоблик йўли билан бир кунда қўлга киритган мўмайгина даромад Дилшоднинг иштаҳасини бутунлай очиб юборди. Аввалига иккиланган бўлса-да, энди унинг ўзига мутлақо ишонч пайдо бўлганди.

Шу ниятда у Юнусобод туманидаги одам гавжум кўчаларидан бирида пайдо бўлди. Тез орада у алдов йўли билан 5-6 нафар соддадил одамнинг ишончига кириб, лақиллатишга эришди.

Натижада И. Умаров, Ж. Мастонов, Ф. Матмусаев, Б. Шерқулов, Г. Зиятуллаевларнинг ҳар биридан фуқаролик спорти билан бирга нақд 400 минг — 500 минг сўмдан пулини олиб, чўнтақка урди. Кейин уларни айланма йўллар орқали Чимкент вилоятига олиб ўтди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бу вақтга келиб Дилшод ҳеч қандай “Шовинвест” деган фирма йўқлиги, ҳаммаси фирибгарлик эканини яхши биларди. Қолаверса, ватандошлиарининг кейинги тақдирни уни заррача қизиқтирумади.

Доноларнинг “Ҳар ерни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу” деган ибратли ҳикмати бор. Бундай дейишимизга са-

баб, аслида фирибгарлик “тўри”га илинган одамларнинг бирор таси мухтожлиқдан бу ишга қўл уришмаган. Бу жабрдийдаларга қанчалик ачинмайлик, вазиятга барибир холисона баҳо берган маъқул. Шу боис йўлдан адашган бундай кимсалар тортган азоб-үқубатлари учун айни ӯзларидан қидирса яхши бўларди...

Дилшод қисқа вақт ичидаги ўз ишининг шу даражада “устаси фаранг” бўлиб кетди-ки, энди у истаган одамини топиб, қўйини пуч ёнғоқка тўлдириши ҳеч гап эмас эди. Кўпни кўрган бекободлик Жаббор ака ҳам унинг “қармоғи”га қай тарзда “илиниб” қолганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Аввалига унинг хотини Дилшоднинг “шумқадам” одам эканлигини сезиб, уйидан қувиб солди. Лекин қишлоқ одами эмасми, фирманинг муҳри ва тамғаси туширилган аслида сохта шартнома қофозини кўргач, Жаббор ака розилик берди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмасди. Дилшоднинг “маҳорати” туфайли унинг иккита жияни ва уч нафар қўшниси ҳам ўзи билан бирга борадиган бўлди. Ахир Дилшодни мижози қанча кўпайса, “даромад” и ҳам шунга яраша ортишдан бошқа нарса қизиқтирмасди-да! Шундай бўлди ҳам. Лақмалардан у оз эмас, кўп эмас, 2,5 миллионга яқин пулни “шилиб” олгач, Дилшод ошнасининг “Дамас” автомашинасида божхона назоратини яширин четлаб ўтиб, айланма йўллар орқали уларни қўшни Қозоғистон Республикаси ҳудудига олиб ўтди. Кейин эса, аллақандай гадойтопмас жойда автобусга чипта олиб келаман деди-ю, бир зумда фойиб бўлди. Шу кетганича, у бошқа қорасини кўрсатмади.

Адашганлар қисмати

Ҳикоянинг бу ёғини “қул”чиликнинг барча жабр-ситамларини бошидан кечирган, адашиб хато қилган Жаббор ака Шерқуловдан эшитинг:

— Мен кўп нарсага ақлим етади, деб хато ўйлаб юрган эканман, — дейди аламли ҳикоясини бошлар экан кўз ёшларини тиёлмаётган, оиласидагиларнинг гапига қараганда, ёш бўлишига қарамай, бир йилда қарив-чўкиб қолган Жаббор ака. — Аслида “сўқир” эканман. Бошим деворга бориб тақиллаб текканида,

кўзим “ярқ” этиб очилди. Бу ҳам етмагандай, яна беш кишининг товонига қолдим... Ўша куни бизни чегарадан олиб ўтган Дилшод ҳужжатларни расмийлаштириб, автобусга чипта олиб келаман деб, “Дамас”да фойиб бўлди. Бахтга қарши фуқаролик паспортларимиизни ҳам у ўзи билан олиб кетганди. Оч-нахор, ташландиқ чакалакзорда бир-икки соат уни кутдик. Шундан кейин яна қанча вақт ўтди, билолмайман, шом палласи 5-6 нафар нотаниш йигитлар қошимизга келиб, “Дилшод сизларни бизга сотиб кетди, ишонмасаларинг, мана паспортларинг”, деб кўрсатишиди. Қопқонга тушганимизни сезиб, вақт борида қочиб қолишга уриндик. Бироқ улар жисмоний куч ишлатиб, бизни енгил машиналарга ўтказишиди-да, аллақандай қишлоқ чеккасидаги ташландиқ жойга олиб келишиди.

Бу ерда бизни қўзимизнинг олдида нотаниш бир аёлга сотиб юборишиди. Бизнинг қандай аҳволга тушганимизни таърифлаш қийин. Бу даражада таҳқирланишимиз хаёлимизга ҳам келмаган эди.

Янги “хўжайнинлар” имиз бизни кичикроқ бир шаҳарчага олиб боришиб, энди Тўрабек деган кимсага сотиб юборишиди.

Тўрабекнинг кўрсатмасига асосан, кейин бизни кимсасиз чўлдаги шахсий иморат қурилаётган обьектга олиб келишиди. Эрта тонгдан қора кечгача совуқда тинимсиз ишлашга мажбур қилишиди. Иссик овқат у ёқда турсин, кўрпа-тўшак ҳам беришмади. Арз қилайлик десак, қоровуллардан бошқа ҳеч ким йўқ, телефон тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Охири, орадан бир ойча чамаси вақт ўтгач, яширинча пул эвазига бир амаллаб уйга қўнғироқ қилдим. Тезда хотиним ва қўшниларим биз яшайдиган жойни топиб, этиб келишиди. Юртимизга қайтиб келгач, икки ой даволаниб чиқишимга тўғри келди”.

“Бузоқнинг юргани сомонхонагача...”

Дилшоднинг жинойӣ хатти-ҳаракатлари узоқ давом этмади. Чунки ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари аллақачон унинг изига тушишганди. Шундай кунларнинг бирида у навбатдаги бир гурӯҳ одамларни машинага ўтқазиб, энди йўлга тушганида,

милиция ходимлари томонидан мамлакатимиз ҳудудида қўлга олинди. Энг муҳими, фирибгарни қўлга туширишда жабрдийдалар ҳам фаол иштирок этишди. Суд ҳукми билан ашаддий фирибгар Дилшод Шодмонов тегишли муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бўлиб ўтган нохуш воқеалар жабрдийдалар учун ҳам, бошқалар учун ҳам сабоқ бўлиши керак. Чунки кўчада дуч келган одамнинг ёлғон гапларига ишониб, ўзини ҳам, оиласини ҳам барбод қилиш лақмалиқдан бошқа нарса эмас. Огоҳ бўлинг, одамлар, мўмай даромад орттираман, деб ўзганинг қулига айланниб қолманг!

АКАНИ УКАГА ДУШМАН ҚИЛМАСИН...

Қабиҳ режа

Ойладаги фарзандларнинг тўнгичи бўлган Зарифга ота-онаси катта умид боғлаганди. Аммо у мактабни тамомлагач, бошқа ўқимаслигини айтиб, ишга кирди. Топиш-тутиши яхши бўлса-да, топган пулини машшатга сарфлайдиган бўлди. Бошини “иккита” қилиб қўйисак, инсоға кириб қолар, деб ўйлаган ота-она уни ўйлантириб қўйишиди. “Ўрганган кўнгил — ўртанса қўймас” деганларидек, оз муддат рўзгор тебратгандек бўлди-ю, кейинчалик яна эски ошналари билан ичкиликбозлиқдан бўшамай қолди. Пиёниста эрнинг калтакларига чидай олмаган хотини у билан ажрашишдан бошқа чора тополмади.

Табиатан дангаса, бироннинг ҳақидан қўрқмайдиган Зариф ишни ҳам ташлаб, пойтахт машина бозори атрофида пайдо бўлди-ю, шу пайтгача белини оғритиб пул топиб юрганидан хафа бўлди. Қинғир йўллар билан мўмайгина текин даромад топиш мумкинлиги унинг иштаҳасини очиб юборди. Ким кўп, машина сотиб оламан деб, ҳалол йўл билан топган пулини белига туғиб, машина бозорига келадиган содда одамлар кўп экан. Зариф гумашталари билан бўш-баёв харидорларни алдаб, қўйини пуч ёнгоққа тўлдириб, фирибгарлик йўли билан пул топишга ўтиб олди. Аммо “Шаҳар бедарвоза эмас” деганларидек, кунлардан бирида у қўлга тушди.

Фуқаро Зариф Ортиқов жиноий қилмишлари учун 2 йилу 6 ойга озодлиқдан маҳрум қилинди.

Одатда бир марта қора курсида үтирган одам бундан тегишли хулоса чиқарып, түғри йўлни танлагувчи эди, аммо Зариф ундаи одамлар тоифасидан бўлиб чиқмади. Қилган тавбаларини унутиб, яна машина бозорида пайдо бўлди ва яна фирибгарлик ишини давом эттириб, одамларни қон қақшатишда давом этди.

Энди уни сувдай оқиб келаётган текин пуллар ҳам қониқтирмай қўйди. Залолат ботқофига тобора ботиб бораётган бу нобакор кимсанинг хаёлига иркит фикрлар кела бошлади. Ниҳоят, унинг ичи қоралиги устун келиб, қабиҳ режага қўл урди.

Бир вақтлар ота ҳовли-жойига меросхўр сифатида эга бўлган укаси Шарифни ўйни ташлаб, чиқиб кетишга мажбур қилгани етмагандай, энди уни ҳозирги яшаб турган шахсий ўйидан ҳам маҳрум қилиш режасини тузди.

“Ҳа, Шарифбой, — деди ўзи билан ўзи гаплашаркан, қўзлари ғазабдан қисилиб, қўллари мушт тутгилган Зариф, — сен ҳали “Ҳалол йўл билан топган пулимга ўй олдим”, деб мағурланиб юрибсанми? Ота ўйимизни “меросхўрман”, деб менга бермадинг, амаллаб, тортиб олдим. Қўни-қўшниларнинг гина-кудурати менга сариқ чақачалик ҳам таъсир қилгани йўғу лекин сенинг ўша кунги насиҳатларинг қулоғимдан кетгани йўқ. Синглимни қарамоғингта олиб, институтга ҳам киргизбсан. Ўзингча, мен ҳақман, деб гердаясан-да! Ўша гердайған гавдангни пачақлаб, майиб-мажруҳ қилдирмасам, хотинингни хўрлатмасам, Зариф отимни бошқа қўйман! Ҳали бу ҳаммаси эмас, хор-зор бўлиб, эшигимга пул сўраб келсанг, ўйингни арzon-гаровга сотиб оламан. Ана шундан кейин кўчада қолганингда менинг кимлигимни биласан, укажон. Билиб қўй, Зариф, сени йўқ қилишга сарфлаган пулини ўн баробар қилиб қайтариб олади”.

Бу шунчаки гаплар эмасди. Зарифнинг қалбидаги ўпқон гирдоби ўз жигарбанди, укаси Шарифни домига торта бошлаган ва унинг якуни аянчли эди.

“Укамни қачон ўлдирасиз?”

Зарифнинг ҳамтовоқлари орасида пул учун ҳар қандай жинойи ишдан қайтмайдиган ярамас кимсалар bemalol топиларди, улар осонгина бирлашишди.

Машина бозорига кириб келган Ўлмас Тохиров, Олим Шокировларга кўзи тушган Зариф айнан ўзи излаган одамларини топганига ишончи комил эди.

Аслида Ўлмас қўёви Олимга ижарага автомашина олиш учун машина бозорига келганди. У рўпарасидан чиқиб қолган Зарифни илгаридан танигани учун салом-алиқдан сўнг мақсадини очиқ айтиб қўяқолди.

— Ижарага битта “Мерседес” автомобили бор, нархи 10 000 АҚШ доллари қилиб белгилантган, — деди айёрлик қилаётганини сездириб қўймаслик учун ўта жиддий қиёфада Зариф. — Лекин олдиндан 1000 АҚШ доллари миқдорида зақалат тўлашинглар керак бўлади.

— Лекин бизда бунча пул йўқ-да, — деди бўшашиб Ўлмас.

Бу жавоб Зарифга мойдай ёки тушди. У вақтни бой бермаслик учун темирни қизифида босди.

— Агар келиша олсак, иккалангизга битта арзимаган “иш” бор. Шуни битириб берсанглар, “Мерседес”ни сизларга арzon нарҳда олиб бераман. “Закалат” ҳам тўламайсизлар.

— Нима иш экан, билсак бўладими? — сўради Олим.

— Сирни очиб қўйганимдан кейин, рад жавобини берсанглар, бўлмайди-да, — деди сал қизишиб Зариф, — Қулогимга лағмон осиб кетсанглар-чи?

— Одам ўлдириш эмасми, ахир? — саволга савол билан жавоб берди Ўлмас.

— Йўқ, жуда унчалик эмасу лекин шунга яқин, — деди Зариф йигитларнинг кўзига бир-бир тикиларкан.

— Ундаи бўлса, пачакилашиб ўтирамайлик, — деди Олим қайногасига қараб, — биз розимиз. Менга машина керак, гап та мом-вассалом.

— Мана бу эркакча гап бўлди, — деди қувончини яшиrolмай Зариф.

Уч “оғайни” бозор ичидаги қаҳвахонанинг одамлардан ҳолироқ жойига бориб ўтиришиди.

Зариф ҳамтовоқларига Холдор исмли илгариги шериги унинг 1 500 000 сўм пулини ўзлаштириб юборгани учун унинг оёқ-қўлини синдириб, камида бир йил кўчага чиқолмайдиган қилиб

қўйиш лозимлигини уқтириди. Шунингдек, жабрланувчининг тилини кесиб олиб, хотинини зўрлаш, уйидаги машина сотиб олиш учун сақланаётган 10 000 АҚШ долларини унга олиб келиб бериш ҳам ана шу келишув шартига киришини айтди.

— Тортиб олинган пулдан сизларга яхшигина улуш бераман, — деди сўзининг охирида Зариф. — Уйидаги хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ. Холдорни Қўйлиқдаги дон бозоридан топасизлар.

— У номард калтак етандан кейин ўлиб қолса нима қиламиш? — хавотирланиб сўради Ўлмас.

— Унда яна ҳам яхши бўларди, — бепарво жавоб берди Зариф. — Майдага харажатларга 500 000 сўм пул бераман.

Ҳуллас, Зарифнинг ёнидаги 900 000 сўм пулни олган Ўлмас билан Олим “операция”га тайёргарлик қўришларини айтиб, қаҳвахонадан чиқиб кетишиди.

Эртаси куни Ўлмас буюртмачига қўнғироқ қилиб, “объект”ни кузатиш учун машина ёллаш лозимлигини ва бунинг учун қолган пулни бериши кераклигини айтди.

Жиноий гурӯжнинг талабини бажарган Зариф укасининг балоға гирифтор бўлганлиги ҳақидаги хабарни сабрсизлик билан кута бошлади.

Бешикдаги бола ҳаққи...

Жиноят ижрочилари бўлган Ўлмас билан Олим Зарифдан буюртмани олгач, мутлақо бошқа режа асосида иш кўра бошлашиди. Бошқача айтганда, улар “ўғрини қароқчи урди” қабилида Холдорни қўрқитиб, пулини шилиб, ўзлаштириб олмоқчи бўлишди. Босқинчилар Холдорнинг аслида Зарифнинг укаси Шариф эканлигини хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Шарифнинг асл исмини унинг яқинларидан бошқа ҳеч ким билмаслигини ёлланган қотиллар қаёқдан ҳам билсин эди.

Ҳуллас, ёлланган автомашинада Холдорни овлоқроқ жойда учратишни иложини тополмаган жиноий гурӯж аъзолари ярим тунда Тошкент шаҳридаги у яшайдиган уйга бостириб боришиди.

Бемаҳалда келган чақирилмаган “мехмон”ларга эшикни ҳеч ким очмагач, улар деразани тақиллата бошлашиди. Ноилож қолган Шариф уларнинг қошига чиқишга мажбур бўлди.

— Бир одам сени ўлдиришга бизларга буюртма берди, — деди бирор пайқаб қолмаслиги учун гапни қисқа қылган гурухбоши Ўлмас. — Бошингга 3000 АҚШ доллари тикилган. Ўйнгдаги 10 000 АҚШ долларини ҳозир бизга берсанг, жонинг омон қолади.

— Менда бунча пул йўқ, — жавоб берди титраган овозда Шариф.

— Ўйнгда сендан бошқа ким бор? — сўради Олим.

— Хотиним, синглим, бешикда болам бор, — деди дудукланиб, ранги ўчиб кеттан Шариф йиғламоқдан бери бўлиб.

— Рост гапиряпсанми? Алласанг, ўласан! — ўсмоқчилади Олим.

— Ишонмасаларинг, ана, кириб қўришларингиз мумкин, — деди қўрқанидан қалтираётган уй эгаси.

— Бизга боласи бор дейишмаганди-ку, — деди Ўлмас Олимга яқин келиб. — Юр, кириб қўрамиз.

Ичкари уйга кирган босқинчилар бешикни қучоқлаб ўтирган Шарифнинг хотини ва бурчакка қисилиб олган синглисини қўришди. Шарифнинг ишораси билан аёл бешик пардасини очди. Ширин уйқудаги чақалоққа бир муддат тикилиб қолган Олим ортига қайтаркан, “Худди адасининг ўзи-я!”, деди.

Уч эркак яна ташқарига чиқишиди.

— Гап бундай, — деди бир оз юмшаган Олим, — мен ҳам ота-онасиз ўғанман, болангни етим қилиб, сени ўлдириш фикридан қайтдим.

— Аммо менга сени ўлдириш ҳеч нарса эмас, — деди қўлидаги пичоқни ўйнатиб Ўлмас. — Майли, шеригим айтганча бўлақолсин.

Жони ҳалқумига келиб қолган Шариф бу гапдан бир оз ўзига келди.

— Буюртмачидан 1 000 000 сўм пул олиб қўйғанмиз, шуни берсанг, жонинг ўзингга сийлов. Бизни алдаган абладни сенга кўрсатамиз, керак бўлса, ундан сени ҳимоя қиласиз.

— Мен розиман, — деди бу гаплардан анча тетиклашган Шариф, — лекин уйда 200 000 сўмдан ортиқ пулим йўқ. Колганини эртага топиб бераман.

Хуллас, Ўлмас ва Олим эртаси куни Қўйлиқ дехқон бозорининг белгиланган жойида қолган пулни олиш учун Шариф билан учрашадиган бўлиб, хайрлашишиди.

Қилмиш-қидирмиш

Дўстларининг маслаҳати билан бўлиб ўтган воқеа тўғрисида Шариф ички ишлар идорасига хабар берди. Пулни олиш учун белгиланган жойга келган босқинчилар жиноят устида қўлга олинди. Уларнинг кўргазмаси билан буюртмачи Зариф ҳам ўша куниёқ ушланди. Фақат тергов вақтидагина Холдорнинг асл исми Шариф эканлигини ва у Зарифнинг тувишган укаси эканлигини билган Ўлмас билан Олим ёқа ушлаб қолишиди.

Гумондор Зариф Ортиқов дастлабки терговда бирорта айбилини бўйнига олмади. У гўёки Ўлмас ундан олган 390 000 минг сўм қарзини қайтармаслик учун тужмат қилаётганини баён қилди. Аммо қилни қирқ ёрадиган ички ишлар ходимлари воқеани синчилаб ўрганиб, рад қилиб бўлмайдиган далил-исботларни келтиришгач, унинг чўпчаклари чиппакка чиқди.

Шунингдек, тергов жараёнида жиноий гуруҳ аъзоларининг таржимаи ҳоли улар айтганчалик ҳавас қиласа арзигулик эмаслиги маълум бўлди. Суднинг қора курсисида ўтирган жиноятчиларнинг ҳар бирида бир нафардан уч нафаргача вояга етмаган фарзанд бўлиб, аввал ҳам судланган эканлар. Фарзандларни тирик етим қилмаслик учун уларда имконият бормиди³ Албатта, бор эди. Лекин бундан тўғри хulosса чиқариш ўrniga улар яна жиноятга қўл урганликларини қандай тушуниш керак? “Қилмиш-қидирмиш” деб шунга айтишса керак-да.

Суд судланувчилар Зариф Ортиқов, Ўлмас Тоҳиров ва Олим Шокировларнинг ҳар бирини 8 йибу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ тайинланди.

Жиноятчилар-ку, қонуний жазосини олишди, аммо бизни бошқа нарса безовта қиласди. Ака-укалар орасидаги дарз кетган меҳр-оқибат яна қайта тикланармикан⁴ Буни энди вақт кўрсатади.

ҚҰШНИ УЙДАГИ ҚОТИЛЛИК

А ёл... Дунё бино бўлибдик, инсон зоти бу номни ҳамиша буюк ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Ҳақиқатан ҳам аёл гўзаллиги, нафосат тимсоли сифатида асрлар давомида улуғланиб келинган. Бироқ ҳаёт ўз номи билан ҳаёт. Баъзан ўзининг ножоиз қадами билан ана шу улуғ номга доф тушираётган аёллар ҳам учраб туради.

Яқинда содир этилган жиноятни эшитиб, қиятошликлар ёқа ушлаб қолишиди. Ўша куни зим-зиё тунда жиноятчилар бир хона-дон мол-мулкини талон-тарож қилиш билан бирга, энг даҳшатлиси, кекса бир отахоннинг умрига ҳам зомин бўлишганди...

Нафс васвасаси

... Кўр кўрни қоронғуда топади, деганлариdek, кўчада бемақсад санқиб юрган Ҳусан таниши Мастиуранинг уйини йўқлаб келганида соат кечки ўндан ошиб қолганди. Уй бекаси ёлғиз эмас, балки ҳамсоя — дугонаси Саодат билан қўшни хонадонда яшайдиган отахон ҳақида гийбатлашиб ўтиришганди. Илгари икки марта судланган Ҳусаннинг “айни иштаҳа очилган вақтда” келгани уларни қувонтириб юборди.

Тунги меҳмонни ўтқазишга жой тополмай қолган Мастиура дилидагини тилига чиқарди:

— Насиб қилса, келар шому ироқдин, деган гапни бекорга айтишмаган экан-да, акажон, — деди у оғзи қулоғига етиб, — сизбоп иш чиқиб қолди.

— Қанақа иш экан, тушунтириброқ, гапир, — сўради Ҳусан ҳам қизиқиб.

Мастура болалари ётган хона әшигини ёпиб келди-да, шивирлаб гап бошлади:

— Кече күчада аёлларнинг оғзидан эшитдим, — тилёғламалик қилди уй бекаси, — қўшнимиз Арслон ота хотини вафот этгандан бери уйидаги нарсаларни сотиб, ичиб юрганимиш. — Бунақада шўрлик бор бисотини қуритади-ку! Шунга раҳмимиз келиб, дугоналар гаплашиб ўтиргандик. Бир чора кўриш керак.

— Менинг назаримда, қайси бирларингдир отахонга эга чиқиб, йўғ-э, эрга тегиб, мол-дунёсига эга бўлмоқчисизлар, — кулди меҳмон. — Бу нарса сизларнинг қўлларингиздан келади. Мени ўртага солмоқчи бўлсангиз, розиман.

Шу пайтгача гапга аралашмай ўтирган Саодат туйқус Ҳусанни ўғирлик қилишга кўндириш учун гапнинг индаллосига кўчиб қўяқсолди:

— Арслон отанинг ўғли Руслан ҳарбий. Хотини билан хизмат жойига кўчиб кетган. 6-7 та гиламини ўмарсак, қарабисизки, бой бўламиз-қоламиз, — деди.

— Қарзларимиз кўпайиб кетди... — деди Мастура ўзини ёлғондакам йиглаганга солиб.

Бироқ икки аёлнинг бири қўйиб-бири олиб, бироннинг тог-тоғ мол-давлати тўғрисидаги гаплари ёқиб тушган бўлса-да, Ҳусан аввалига тихирлик қилиб, рози бўлмади. У сигарета олиш баҳонасида кўчага чиқиб кетган бўлса-да, фикру хаёли бўлғуси босқинчилик ҳақида әди. “Аёл киши барибир аёллигига боради-да, — деди ўзича тамакини босиб-босиб тортаркан у. — Олти-еттита гилам әмиш... Ўғирликка киргандан кейин қўлга илинадиган нарсанинг ҳаммаси олиб чиқилади-да. Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон, деган гап бекорга айтилмаган”.

Үйга қайтиб кирган Ҳусанни қўрган аёллар уни кўндириш учун ишни енгиллаштиришга қарор қилишди.

— Майли, — дейишиди улар бир-бирининг гапини қувватлаб, — қўшнининг фақат телевизорини ўғирлаймиз, бўлмаса. — Барибир биз олмасак, бошқаси ўмариб кетади. Отахон хотинига куявериб, хаёли сал паришон бўлиб қолган.

Шайтон қутқусига учғанлар

Охир-оқибат Ҳусан ўғирликка розилик берди.

— Ҳозир қария маст бўлиб, қўчада сандирақлаб юрибди, — деди Мастура. — Бунинг устига у эшикнинг қалитини ҳам йўқотиб қўйган. Уйига деразадан кириб-чиқади. Биз ҳам деразадан кирамиз.

Нафс васвасаси бу нияти нопок кимсаларнинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйған эди. Энг ёмони, Мастура бири эндиғига на 4 ёшга, бири 6 ёшга кирган болаларнинг тақдирини ўйлаб ҳам кўрмай, қоқ ярим тунда ҳамтовоқларини ўғирликка бошлаб борди.

Жиноий режага мувофиқ, Саодат кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги таниш хонадоннинг деразасини бир неча бор тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермагач, талончилар уй әгаси йўқлигига ишонч ҳосил қилишиди.

Шундан сўнг икки пойлоқчини ташқарида қолдирган Ҳусан нарвон орқали деразадан осонлик билан ичкарига кирди. Қўлидаги чироқ билан ичкарини ёритган йигит қимматбаҳо буюмларнинг кўплигидан шошиб қолди. Кейин сал ўзини босиб олиб, гиламларни ташқарида турган ҳамтовоқларига узата бошлади. Шу пайт кутилмаганда кимdir “Жойингдан қимиirlama”, дея хитоб қилди. Ҳусан овоз келган томонга чироқни қаратди-ю, уй әгасига кўзи тушди. У ўйлаб ҳам ўтиrmай, қарияга ташланди. Кучли зарбдан ерга йиқилган Арслон ота ёрдам сўраб, бақира бошлади. Ҳусан унинг овозини ўчириш учун кетма-кет мушт тушириди ва ҳушидан кетган уй әгасини меҳмонхонадаги диванга ётқизиб қўйди.

Вазият қалтис тус олганига қарамай, Ҳусан шаштидан қайтмади. Уйдаги нарсаларни тезроқ олиб чиқиш учун Саодатни ҳам ичкарига киритди. Икковлон қўлга илинадиган қимматбаҳо нарсаларни ташқарига олиб чиқишиди.

Фарзандлар кечиришармикан?..

Шу куни босқинчилар Пиревлар хонадонидан бир миллион икки юз минг сўмлик қимматбаҳо буюмларини талон-тарож қилишиди. Учовлон ўғирланган буюмларни қўшни маҳалладаги Мастурага тегишли темир гаражга беркитишиди.

Эртаси куни Руслан Пириевнинг илтимоси билан отахонни йўқлаб келган хизматдош дўстлари унинг мурдасига дуч келишди.

Арслон отанинг вафот этганини эшигтан талончиларнинг пайтавасига қурт тушди. Улар ўғирланган буюмларни бошқа жойга ташиётганда қўлга тушишди. **Ҳукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари** тезликда жиноятини фош этишди.

Тергов жараёнида шу нарса маълум бўлдики, **Ҳусан Турсуналиев** муқаддам икки марта судланиб, кейинчалик амнистия қўлланилиб, берилган жазо ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Аммо бу нобакор кимса озодликнинг қадрига етмай, яна жиноятга қўл урган. Суд **Ҳусан Турсуналиевга** нисбатан узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Жиноят ташкилотчилари бўлган Маствура Сайдазова ва Саодат Менглибоевалар ҳам қилмишларига яраша жазоланишди.

Хуллас, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати кишини ўйлантириб қўяди. **Ҳусан** аввал ҳам қора курсига ўтирган жиноятчи экан. Аёллар-чи? Уларга нима бўлди? Улар белгиланган жазо муддатини ўтаб қайтгач, фарзандларининг кўзига қандай қарашади? Энг асосийси, эртага фарзандлари уларни она деб аташга ор қилишмасмикан?

ҚОРАДОРИГА “ҲОМИЛАДОР” АЁЛ

“Семизликни қўй қўтаради”

Маҳалладаги тўй-маъракаларда чой қайнатишми, қоп-қоп сабзини иссиқ-совуққа қарамай ювишми, ўтин ёриб, ўчоққа қалашми, ҳашарда лой ташишми, хуллас, қишлоқдошларининг яхши-ёмон кунларида кўмак бериб юрувчи, ҳеч бир юмушдан бўйин товламайдиган мўмин-қобил Бозоралининг юриш-туриши бирдан ўзгарди-қолди.

Сўнгги пайтда сартарошликни ҳам йиғишириб қўйган бу йигитнинг кутимагандга автомашинали бўлганини кўрган ҳамкишлөклари ҳайрон бўлишди.

— Майли-да, эвини қилиб машина олибди, қандини урсин, яхши кунларига хизмат қиссин, — дейишиди ҳамма нарсадан яхшилик ахтарадиган одамлар.

— Омади чопиб, ҳазина топиб олган бўлса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам охири баҳайр бўлсин, — дейишиди эҳтиёткорликни хуш кўрадиган одамлар.

— Раҳматли отасига тортиб, пиёниста бўлмаганига ҳам шукур қилинглар. Биронга оғирлиги тушмаса, топармон-тутармон бўлса, бунинг нимаси ёмон? — дегувчилар кўп бўлди.

Тўғри, ҳозирги замонда автомашина сотиб олиб, ёш болаларни ҳам ҳайратта солиб бўлмаслиги кундай равшан. Шу қишлоқнинг ўзида ҳам автоулови йўқ хонадон оз бўлса керак. Лекин Бозорали умрида шахсий велосипедга эга бўлмасдан туриб, осмондан тушгандек, бирдан автомашина сотиб олса, яна у гижинглаган, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган “Мерседес” бўлса, бунисига нима дейсиз?!

— Бозоралининг ҳафта-ўн кунлаб қишлоқдан йўқ бўлиб кетиши менга ёқмаяпти. Бу ерда бир сир борми, дейман-да? — дея хаёлга толди маҳалла посбони Гулом ака. — Ёки мен янгишяпманмикан-а?

Вақт ўтиши билан қишлоқ аҳли учун бошқа янгиликлар эрмак бўлди-ю, бу мавзу эскириб, унудилди. Аммо кейинроқ юз берган воқеалар туфайли Бозоралининг номи яна “қишлоқ ахборотлари кун тартиби” нинг биринчи қаторига чиқиб олди.

Бозорали кутилмаганда эски уйини бузиб, икки қаватли иморат қуришга киришиб кетди. Ҳамқишлоқлари қулоқларини “динг” қилиб, ҳашар ҳақидаги хабарни ҳарчанд кутишмасин, даррак бўлмади. Лекин нордонроқ жавобни эшишиб, ҳафсалалари пир бўлди. “Мен томи лойсувоқ товуқхона эмас, балки евростандарт лойиха асосида ҳашаматли уй қуряпман. Бунаقا уйларни ўқиган мутахассислар қуряди, сендақа ҳашарчиларга зор эмасман”, дебди ёрдам бермоқчи бўлган қўшниларига Бозорали.

Бу ҳам майли эди-я, лекин Бозорали қураётган уйнинг пой-девори кўчанинг ярмини тўсиб қўйгандан сўнг посбон чидаб туролмади. Гулом ака маҳалла фуқаролар йиғини раисининг рухсати билан тартиббузарнинг ҳузурига келди.

— Мен янги бойларданман, — посбон ҳали савол беришга ул-гурмасдан тилига эрк берди Бозорали, — керак бўлса, шу кўчани сотиб олишга пулим етади. — Мен энди Бозорали эмас, Бозорбойман, ҳа, менга энди “Бой” деб, мурожаат қиласизлар, бу сизга ҳам тегишли.

— Сендақаларни “бой” дейиш нотўғри, — деди кўпни кўрган Гулом ака босиқлик билан. — “Бой” деганлари саховатпеша бўлади. Сенга ўхшаб кўчабузар бўлмайди, аксинча, кўчани ободонлаштиради, равон йўллар қуряди. Бундайлар қишлоқда кўпайиб қолди. Ҳалол одамлар. Улардан менинг қўнглим тўқ, лекин...

— Энди собиқ участка инспекториман деб, тирноқ остидан кирқидиряпсизми? — сұхбатдошининг гапини илиб кетди Бозорали. — Керак бўлса, сиз билан эркакча гаплашишга ҳам кучим етади.

— Сен эркакмисан, “бойвачча”? — важоҳат билан сўради посбон.

— Нима, шубҳангиз борми?! — тутоқиб кетди уй эгаси.

— Чунки ҳақиқий әркак, бунинг устига бойвачча одам хотинини маҳалла фуқаролар йифинидан моддий ёрдам сўрашга мажбур қилмайди деб ўйлайман, — сўзида давом этди посбон. — Мен тирноқ остидан кир қидираётганим йўқ, шунчаки бор гапни айтдим. Яна бойваччаман, деб кериласан. Тутурифинг борми, ўзи?

— Нима, эл қатори моддий ёрдам олишга ҳаққим йўқми? — энди бир оз ҳовуридан тушди Бозорали. — Мен ишсизман. Битта хотиним ишлайпти. Даромадимиз қўнгилдагидек эмас, — минфириллади Бозорали.

— Унда данғиллама бу уйни қайси даромад ҳисобидан қураётганинг билсак бўладими? — сўради Гулом ака. — Майли, автомашина сотиб олганингни гапиromай қўяқолайлик.

— Э, бўлди, моддий ёрдам сўрамаганим бўлсин, — чўрткесарлик қилди Бозорали. — Кўнглингиз тўлдими?

— Йўқ, — деди посбон, — ариза берган экансан, маҳалла фуқаролар йифини комиссияси оиласи ҳзволингни ўрганади, даромадингни ҳисоблаб чиқади. Ҳаммаси қонун асосида бўлади.

Нима бўлганда ҳам ана шу нохуш сұхбат бўлиб ўтган куннинг эртасига Бозоралининг ўз тили билан айтганда кўчани ўз жойига қўйиб қўйди-ю, ўзи ҳам қишлоқдан қорасини ўчириди.

Кўпчилик уни “маҳалла посбони даромадларимни текширади” деб, қўрққанидан қочиб кетди, деган хulosага келганди. Аслида эса, ҳзвол мутлақо бошқача бўлиб чиқди...

Ҳавфли рейс

Пойтахтдаги Шимолий вокзалдан “Тошкент-Москва” йўналиши бўйича йўлга чиқдан поезднинг 4-вагони, 4-купесидаги йўловчи нимаси биландир вагон кузатувчисининг эътиборини ўзига тортди.

Кузатувчи Москвадай жойга “қуруқ қўл” билан, яъни юксиз кетаётган йўловчини биринчи марта кўриб туриши эди. У таклиф қилинган бир стакан чойни ҳам рад этаркан, безовталигини яширишга уриниб, деди:

— Мен Москвага етиб боргунча чой ҳам ичмайман, овқат ҳам емайман. Чарчаганман, дам оламан, бошқа мени безовта қилманг, илтимос. Божхоначиларга ҳам үзингиз тушунтирасиз.

Бу ерда бир гап бор, деган холосага келган кузатувчи шубҳали йўловчи тўғрисида поезд бошлифига хабар берди. У эса, зум ўтмай, ҳаракатдаги поезд милиция постига бориб, кузатувчининг гапини етказди.

— Барча кузатувчиларингиз ҳам ана шундай ҳушёрми? — деди подполковник ҳазиллашиб. — Зийраклиги учун унга раҳмат. Бўлди, у билан ўзимиз шуғулланамиз.

Ҳамсуҳбати чиқиб кетиши билан подполковник оператив йиғилиш ўтказди.

— Мавжуд тахминларга кўра, объектнинг ошқозонида наркотик модда бор, — тушунтириди у. — Кузатув давом эттирилсин. Куръер божхона изоляторида қўлга олинсин ва заарсизлантирилсин. Бу қатъий топшириқ.

Шундай қилиб, мажбурий тиббий текширув пайтида гумондор шахснинг ошқозонида 3 дона целлофан ёстиқча борлиги аниқланди. Табиий йўл билан чиқариб олинган целлофан ёстиқчаларда 53.33 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддаси бор эканлиги холислар иштирокида ўз тасдигини топди.

Жиноятчининг шахси аниқланганда, у ҳикоямиз қаҳрамони — “бойвачча” Бозорали Маҳкамов бўлиб чиқди.

Озодликнинг қадрини билган билади...

Орадан йиллар ўтиб, тайинланган жазо муддатини ўтаб келган Бозорали яна маҳаллада пайдо бўлди. “Буқрини гўр тўғрилайди” деганларидек, келганига уч кун бўлмасдан, у хотинининг тилла тақинчоқлари-ю, жамғарган пулларини ўғирлаб, кўздан фойиб бўлди.

“Кўйлиқ” дехқон бозорида пайдо бўлган Бозорали эски ҳамтовоқлари Умаржон билан Одилни излаб топди. Ижара уйида у тилла тақинчоқларни уларга кўрсатиб, “Шунга яраша наркотик топиб берсаларинг, тезда бойиб кетамиз”, деди.

Бу фикр йиғилганларга жуда маъқул келди.

Фарзанддан ҳам ширин неъмат...

Хотинининг чизган чизигидан чиқолмайдиган бўлиб қолган Умаржон бор гапни ўша куниёқ Ноилага етказди. Ноила эса, хаёлига келган қабиҳ режадан илҳомланиб, кўнглидагини эридан ҳам сир тутди.

Жиноий тўда аъзолари тумандаги пастқам кўчалардан биридаги хонадонда йиғилишганида, “операция”га раҳбарлик қилишни ўз қўлига олган Ноила қорадорини олиб келиш учун Қўқонга Бозорали, Одил билан бирга қизим Дилафуз ҳам бирга боради, дея шарт қўйди. Бу таклиф Бозорали билан Одилни ҳангук манг қилиб қўйган бўлса ҳам, улар қалтис ишни битиришимиз балки осонроқ кўчар, деган умидда, индамай рози бўлишди. Нафс васвасасига учган Ноилани фарзандининг ҳаёти ҳам, келажак тақдирни ҳам қизиқтиримасди. Унинг фикри-зиқри осонгина келадиган жарақ-жарақ пулларда эди. Бўлмаса, у эндигина 18 ёшга кирган навниҳол қизини етти ёт бегона эркаклар билан бошқа шаҳарга юборармиди.³

Қўқонда “наркокуръер”ларни Олтиной исмли аёл кутиб олди. Узоқ тортишувлардан сўнг у нархи 8 минг АҚШ долларига баҳоланган 1 килограмм “героин” гиёхвандлик моддаси учун тилла тақинчоқларни 4 минг АҚШ долларига баҳолаб, гаров тариқасида олиб қолишига рози бўлди. Қолган 4 минг доллар товар сотилгач, тўланадиган бўлди.

Қорадорини белига боғлаб олган Дилафуз “ҳомиладор она” қиёфасида уйига эсон-омон етиб келди.

Эркакларни доғда қолдириб...

“Операция”нинг биринчи босқичи хамирдан қил суғургандек, ими-жимида битганидан хурсанд бўлган тўдабоши янги йил байрами арафасида хуфия мижозларга 20 грамм қорадорини пуллаб, гумашталарига базму жамшид қилиб берди. Албатта, бу пулдан ўз улушкини олиб қолишини унутмади.

Орадан 3 ёки 4 кун ўтиб, Ноила қизидан бошқа жиноий тўданинг барча аъзоларини тўплаб, Қўқонга жўнаб кетди. Маккора аёл ўзи ўйлаб қўйган пинҳона режанинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришди.

— Менга ўша Олтинойни топиб берсаларинг бўлди, — деди манзилга етиб келгач ҳамтовоқларига Ноила. — Бу ёғини ўзимга қўйиб бераверларинг...

Дарҳақиқат, “Сифати паст героинни сотиб, бизни алдадинг”, деб Олтинойнинг юзига чанг соглан Ноила фақат гаровга қўйилган тилла тақинчоқларни қайтариб олиш билан чекланмади. У қўрқиб қолган Олтинойга “Сенинг қаллоблигинг эвазига 8 минг АҚШ долларига чиқимдор бўлдик. Шу пулни топиб берганингдан кейин 1 килограмм матохингни қайтариб берамиз, деб шарт қўйди.

Энди текинга тушган гиёҳвандлик воситасини сотиб, пулини бўлишгина қолганди. Аммо арқонни узун ташлаган Ноила, бошидаёқ пулни бошқалар билан бўлишишни ўз режасига киритмаганди. У энди ҳамтовоқларини “чув” тушириш учун қорадорини ўғирлатиб қўйғанлиги тўғрисида гап чиқарди-ю, товарни яхшилаб яшириб қўйишни қизига тайинлаб, ўзи кўздан нари бўлиш учун санаторийга жўнаб кетди. Лекин ўлжанинг йўқолганини эшитган Бозорали бутун маҳаллани бошига кўтаргудай айюҳаннос солдики, сир очилишидан қўрқкан Дилафуз қорадорининг бир қисмини унга қайтарди. Қолган 222 грамми эса, ўзида олиб қолди.

Иллати борнинг ёёғи қалтираиди

Қорадорини Тошкент шаҳрида пуллаймиз, деб ҳамтовоқларини “чув” туширганликларидан ўзида йўқ хурсанд бўлган Бозорали билан Одил йўловчи “Дамас”га ўстириб, Янгийўлни тарқ этишганда, уларни олдинда нималар кутаётганини асло билишмасди.

Пойтахтнинг гавжум кўчаларидан бирида йўл-патруль хизмати ходимларининг эътиборини тортган йўловчи “Дамас” автомашинаси тўхтатилиб, ҳайдовчининг ҳужжатлари текширилаётганда, салондаги икки нафар йўловчи безовталанаётганини сезиб қолишиди.

Шубҳали кўринган бу кимсалар ЙПХ масканига олиб кирилгач, жиноятчилар қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини англаб этишди. Бозоралининг курткасига яширилган сувқоғозга ўроғлиқ 678.46 грамм героин суд-кимё экспертизаси томонидан текширилганда, унинг таркибида гиёҳванд модда — деацитилморфин мавжудлиги аниқланди.

Она-бала — Ноила ва Дилафруз томонидан олиб қолинган 222 грамм миқдоридаги заҳри қотил эса, тинтув пайтида уларнинг уйидан топилди.

Шундай қилиб, нафс васвасасига учган жиноятчиларга нисбатан одил суд ҳукмига биноан қилмишларига яраша турли муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ашаддий рецидивист Бозорали бой бўламан деб, қингир йўллар билан умрини хазон қилганилигини тушуниб етдимикан?! Жиноий тўда орасида ҳали келинлик либосини киймаган Дилафрузнинг ҳам борлиги кишини оғир ўйга чўмдиради. Ўз умрини хазон қилгани етмагандек, навниҳол қизини баҳтиқаро қилган Ноиланинг хатти-ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин?!

ЙЎЛДАН ЧИҚҚАН ЭЎРАВОНЛАР

Суд залининг темир панжара билан тўсилган бурчагида тўрт нафар тоғни урса, толқон қиласидан йигит бошларини қўйи этганича, қилган жиноий ишларидан пушаймон бўлиб ўтиришибди. Айнан шу бутун тўртовлон Тошкентнинг муҳташам тўйхоналаридан бирида бўлиб ўтаётган никоҳ тўйида куёв жўралари сифатида ўтиришлари керак эди... Афсуски, энди улар бир неча йиллар бундай қувончли тантаналардан йироқда, эркин юрган кунларини қўмсаб яшайдилар...

“Жангарилик” сабоги

Йигитлар бугун ҳам эрта тонгдан то ярим тунгача диска ёзилган фильмларни томоша қилишди. Энг охирги қўрилган жангари фильмдаги шафқатсизлик, ур-сур саҳналари йигитларга қаттиқ таъсир қилди. Кўчага чиққанларида ҳам фақат шу фильм таассуротлари ҳақида бири олиб-бири қўйиб, баҳслашишди.

— Э-э, ўзиям кино эмас, муштлашиш дарслиги экан, — деди йигитлар орасида ёши ҳам, бўйи ҳам новчароқ Собир ёнидаги йигитни тутириб. — Ботир, дўконингда шу фильмнинг давоми бўлса, эртага топиб қўй, бир мазза қилайлик.

— Бундан зўрлариям бор, — деди Ботир сигарет тутатаркан, — кеча Янгибод бозоридан ўнта қутида босиб олиб келганман.

— Соат ҳам тунги ўн бир ярим бўлибди. Мен ишга кеч қолдим, хайр бўлмаса, — деди қалин кийиниб олган Зокир дўстлари билан қўй бериб хайрлашаркан. — Чойхонага бориб, қоровулчилигимни қилишим керак.

— Мени уйқум келди, уйға кетдим, — деди улфатларнинг энг кичиги Шариф бошқалар билан хайрлашган киши бўлиб.

— Кемага тушганинг жони бир, — деди ташаббусни ўз қўлига олиб Собир, — ҳозир ҳаммамиз Зокирни чойхонасига кузатиб қўямиз. — Ўша ерда қиттай-қиттай қилиб, кейин тарқалишамиз.

Таклифга ҳеч ким эътиroz билдирамади. Бу вақт ҳамтовоқлар маҳалладан хийла узоқлашиб, катта ўйлга чиқиб олишганди. Шу пайт кимсасиз, ҳоронги тунда йўл четида капоти очиқ турган “Москвич” автомашинаси йигитларнинг эътиборини тортди.

— “Кинофильмнинг давоми борми?”, деб сўрагандинглар, — деди негадир қувониб кетган Ботир. — Марҳамат, ҳозир уни 3D форматида ўз қўзингиз билан кўрасизу фильм воқеларида иштирок этасиз. Қани бўлмаса, олфа!

Амалдаги тажриба

Зум ўтмай, ширакайф йигитлар бегона машинани ўраб олишиди. Машинада фақат икки кишигина борлиги босқинчиларни янада дадиллаштириди.

Йигитларнинг шум ниятидан бехабар ҳайдовчи улардан машинани итаришиб юборишларини илтимос қилди.

— Сен кимсан ўзи, бизга иш буюрадиган, олифта! — деди Собир қўллари қора мойга ботган отаси тенги келадиган одамни сенсираб.

— Меҳмон йўловчимиз, укажон, — деди кутилмаган совуқ муносабатдан қалтираётган ҳайдовчи, — гапим оғир ботган бўлса, узр.

Собир важоҳат билан келиб унинг гирибонидан олди.

— Сенлар ўғирликка келгансанлар!

— Ундаи деманг, ука, — ёлворди ҳайдовчи, — биз Тошкентданмиз, исмим Воҳид. Ҳамроҳимнинг исми — Соҳибжон, қўшним бўлади. Сал нарироқдаги қишлоқда яшайдиган опаси касал экан, шунга дори олиб келгандик. Кеч қолдик, бунинг устига машинам бузилиб қолди. Биз... меҳмонмиз.

— Яна “меҳмонмиз” дейди-я! — ўшқирди Собир, — Қани, Зокир, чақирилмаган меҳмонларни қандай қутиб олишимизни бунга кўрсатиб қўй.

Күйкисдан оёқ билан берилган зарбадан Воҳид ака ерга ийқилди. Кимдир уни тепмоқчи бўлиб, ёнига югуриб борганди, Собир негадир уни тўхтатди. Воҳид ака ўрнидан туриб, уст-бошини қоқаркан, нималардир фудранди.

— Энди навбат Шарифга! — голибона қийқирди Собир. — Шариф, бу шаҳарлик олифтага нималарга қодир эканлигингни бир кўрсатиб қўй.

Ҳайдовчи энди кўқрагига теккан тепкидан ерпарчин бўлди. Шу пайт ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқда ташқарига чиқишига юраги бетламай ўтирган Соҳибжон шартта эшикни очиб, жон ҳолатда ўзини йўл четидаги чакалакзорга урди. Коронфида фойиб бўлган қочоқнинг ортидан ҳеч ким қувмади.

Ҳайдовчининг ерда инграб ётганидан фойдаланиб йигитлар машинани тунашга киришиб кетишиди. Улар салондан қўлга илинадиган бирор-бир нарса топишолмагач, орқадаги юхонани тинтишга тушишиди. Захира фидирак билан насос камлик қилди шекилли, эски бўлса ҳам, салон ўриндиқларидағи филофларни очиб олишиди.

Бензонасос панд бермади, аммо...

Воҳид ака иккинчи марта ўрнидан базўр турди. Бечоранинг чаккаси шилинган, қўйлаги ёқасида қон излари бор эди. У оғриқларга ҳам эътибор бермай, бу безорилар чангалидан қутулиш чорасини излай бошлади. “Соф-омон қолишнинг биргина йўли — машинага ўтириб, қочиб қолиш. Бензонасос яна панд берса — ишлар пачава бўлади. Нима бўлса бўлди, таваккал қилишдан бошқа илож ҳам, илинж ҳам йўқ”, қўнглидан ўтказди у.

Йўлтўсарлар чеккароқда сигарет тутатаётганидан фойдаланиб, Воҳид ака рулга ўтириди, зудлик билан эшикларни қулфлади-да, машина калитини буради. Унинг баҳтига икки соатдан буён жойидан қимирамаган машина ўт олиб, ўрнидан қўзғалди. Дафъатан нималар бўлаётганини англаб етмаган босқинчилар ўқдай учиб, қўздан фойиб бўлаётган автомашинанинг ортидан тош отишга ҳам улгуришолмади.

— Қалай, Ботир, “фильм”нинг давоми ёқдими, оғайнин? — деди ўлжага олинган фидирак устида омонат ўтирган Собир. Ке-

йин саволига жавобан кутиб ўтирмай, хитоб қилди: — Жаноблар, энди чойхонага кетдик.

Даҳанаки жангнинг давоми

Чойхонада қорнини тўйдириб, бир шиша ароғни бўлиб ичиб олган ҳамтовоқлар Зокир билан қуюқ хайрлашиб, яна келган йўлларидан ортга қайтишди. Аҳоли пунктининг чеккасида жойлашган автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчасидан яrim ҷақиримча юришгандан кейин улар сал нарида турган таниш машинани кўриб қолишиди. Эски “танишлар”и машина капотини очиб, уни таъмирлаш билан банд эдилар.

Йўлтўсарлар чакалакзор оралаб, эҳтиёткорлик билан воқеа жойига яқинлашиб боришарди. Аммо Воҳид aka барибир уларни кўриб қолди, шоша-пиша рулга ўтираркан, шеригига бақириди: “Газандалар қайтиб келишяпти, Соҳиб, тез машинани орқасидан итар, ёқилғи қўйиш шохобрасига етиб олмасак, бизни ўлдиришади”.

Соҳиб шеригининг айтганини қилди, лекин машина салгини ўринидан қўзғалди-ю, яна тўхтаб қолди. Шу орада уларни қувиб етиб олган уч нафар безорилар аввал Соҳибни дўппослашди. У юхонадан таёқ олиб, ўзини ҳарчанд ҳимоя қилишга уринмасин, оч бўридек унга ташланяётган ваҳшийифат йигитларга бас келолмади. Охири у қорнини чангллаганича ёқилғи қўйиш шохобчasi томонга кочди. Аллақаёқдан пайдо бўлиб қолган Зокир Соҳибни тўхтатиб қолмоқчи бўлди-ю, лекин нимагадир қоқилиб, ерга йиқилди. Чамаси, унга мастилиги панд берганди.

Қароқчилар машина эшигини бузиб очиб, Воҳид акани салондан судраб чиқаришиди. Қаршилик кўрсатмаётган бўлса-да, бечорани обдон калтаклашди. Жабрланувчи қўллари билан бошини чангллаганича, ётган жойида қимиirlамай қолганини кўрган йигитлар уни ҳушидан кетди деб ўйлаб, нарироққа бориб, маслаҳат қилишиди.

Йигитлар ўзаро даҳанаки “жанг”га киришиб кетиб, уни эътибордан четда қолдиришганини кўрган Воҳид aka секин-аста әмаклаб бориб, машинага кириб олди. Кейин қўрқа-писа, машинани ўт олдириб юргизди. Тезлик юқори бўлмаганлиги учун босқинчилар

унга етиб олишди. Анча жойгача улар ёнма-ён бориши. Кейин таъкибиларнинг икки нафари олдинга ўтиб, унга таҳдид қила бошлиди. Бу фойда бермагач, машинанинг олди ойнасини тош билан уриб синдириши. Сал ўтмай, орқа ойна ҳам чил-чил синди.

Автомашина ёқилғи қуйиш шохобчаси дарвозасидан салги на ичкирига кириб, яна юрмай қолди. Машинадан тушган Воҳид акани аламзада таъкибчилар тинмай тошбўрон қилишарди. Собир яқинроқ келиб отган тош Воҳид аканинг елка аралаш ўнг қўлига тегди. Безори йигитларнинг бояги кетма-кет зарбаларидан азобланган кўйи зўр-базўр оғриқларга чида беклаётган ҳайдовчи охири ҳушидан кетиб, йиқилди. Агар шохобча ходимлари ваҳшиёна қиёфага кирган йигитларни тўхтатиб қолишмаганида бундан ҳам аянчироқ воқеа юз бериши турган гап эди.

Безорилар меҳр-шафқатга лойиқми?

Жиноий иш юзасидан ўтказилган судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, жабрланувчи В. Мирзоҳидовнинг елка суюгининг пастки қисми очиқ синиши оқибатида суюклар силжиши рўй берган, унга ҳаёти учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати етказилганлиги аниқланди.

Гумондорлар аввалига қилган жиноятларини тан олиш у ёқда турсин, терговни чалғитмоқчи ҳам бўлиши. Аммо ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жуда қисқа мuddатда тўпланган далиллар олдида уларнинг тили калимага келмай, бўлган воқеалар хақида кўрсатма бера бошлиashi.

Шу ўринда бир фикрни айтиб ўтишни лозим топдик. Гап шундаки, асосий жабрланувчи Воҳид Мирзоҳидов жиноятчиларнинг жазосини енгиллаштириш учун тергов жараёнларида ҳам, судда ҳам уларга нисбатан ҳақ-даъвоси йўқлигини, етказилган зарар қоплаб берилганлигини бот-бот таъкидлади, илтимосномалар билан мурожаат қилди. Буни қандай тушуниш керак?! Яна буни “ӯзбекчилик” деб ўзимизни оқлаймизми?! Одамийликни унутган, зўравонлик билан ўзганинг мулкини эгалламоқчи бўлган безори-ю, пиёнисталарга меҳр-оқибат қўрсатиш шартмикан?! Бугун муштумэўрлар бир одамнинг умрига зомин бўлишларига оз

қолди. Эртага улар бу қылғилиқларини тақрорламайди, бундан баттарини қымайди, деб ким кафолат беради.

Яна бир гап. Ҳозир энг чекка қышлоқларда ҳам аудио-видео маҳсулотлар билан савдо қылувчи шохобчалар тобора кўпайиб бормоқда. Албатта, улар қонун-қоида асосида ишлайдиган бўлишса, бунинг ҳеч қандай ёмон томони йўқ. Лекин кўпинча бунинг аксини кузатиш мумкин.

Ҳеч қандай рухсатсиз, лицензияланмаган аудио-видео маҳсулотлар бозорларда соxта “тадбиркор”лар томонидан пулланмоқда. Юқоридаги жинойи иш судга оширилиши оқибатида ноқонуний диск савдоси билан шуғуланишдан ташқари рухсат берилмаган жойда яширин томоша залини очган Ботирнинг фаолиятига ҳам барҳам берилди.

Маҳкумларга жинояткорона хатти-ҳаракатларини ипидан-игнасигача, қайта-қайта ўйлаб қўриш учун берилган муддат етарли. Фақат гап бу кўргилиқдан тўғри хулоса чиқаришда. Буни эса, вақт кўрсатади.

ГИППОКРАТ ҚАСАМИГА ХИЁНАТ

Хавотир

Одамга дард бераман деса, ҳеч гап әмас әкан. Кечаги на маҳалланинг барча тадбирларига бош-қош, ёш-қарига маслаҳаттўй бўлган Шаҳринисо ая бир қунда тоби қочиб, кўрпатўшак қилиб ётиб қолди. Узоқ текширувлардан кейин шифокорлар аёлнинг саратон касалига чалинганини аниқлашди ва бу ҳақда фақат аёлнинг эри Баққос акага маълум қилишди.

Оиланинг беш нафар фарзанди — уч қиз, икки ўғил онаси-нинг бошида парвона әди. Аммо бу беморнинг ғазабини қўзғатди.

— Бошимда қаққайиб ўтиришингизни қандай тушунишни биломаяпман, — деди у зардаси қайнаб. — Одам ўладиган бўлса, касалликка чалиниши шарт әмас. Мен ҳали яшайман. Ўладиган аҳмоқ йў! Кенжатоим Аҳаднинг тўйини ҳам кўраман!

Оила ҳаёти яна ўз изига тушиб кетгандай бўлди. Катта келин Гулсанам қайнонасини оқ ювиб, оқ тараб олиб ўтиргани фарзандлар кўнглини тўқ қилди. Шу зайдада икки марта куз ортидан қиши, баҳор ортидан ёз фасли келиб-кетди. Тиббий муолажаларга қарамай, касаллик забтига олди, ая ўрнидан туролмай қолди. Тақдирга тан берган онахоннинг юзидаги безовталики пайқаган Баққос aka бунинг сабабини билишга ошиқди, аёли билан холи ўтирган пайт гапни узоқдан бошлади.

— Шаҳринисо, Тошкентдаги дўхтири ўртоғим Абдураҳимни танийсан-ку, ўша телефон қилди. Чет элда бу касалликнинг давосини топишибиди.

— Шунча йил яшаб, ёлғонни эплаб гапирганингизни эслолмайман, — хўрсинди аёли. — Энди ёш бўлмадик, гапни айлантиромасдан, кўнглингиздаги гапни гапира қолинг.

Ваққос ака бир оз ўнғайсизланди, кейин тезда ўзини ўнглаб, кулимсиради:

— Ўзи... тўғри айтасан, сўзга чечан эмасман-да, рост гапни ҳам эплаб гапиролмайман. Чарчатиб қўймаган бўлсан, эшит, бир рост воқеани айтиб бераман. Қўшни маҳалладаги Зебо деган ўқитувчини яхши танийсан. Институтни битириб келиши билан, ҳали турмушга чиқмай, хасталаниб, ётиб қолди. Дўхтирлар унга жигар циррози ташхисини қўйиб, узоғи билан 2-3 ойда ўлади, дейишибди. Иккита акаси манаман деган фермерлардан эмасми, синглисини даволатиш учун аллақайси чет давлатга олиб боришибди. Ажнабий дўхтири касаллик тарихини ўқиб, ажабланиб “Сиз шундан-шунга узоқ йўл босиб, дардингизга даво излаб, Ибн Сино ватанидан менинг ёнимга келдингизми?” — деб сўрабди таржимон орқали. Беморнинг тасдиқловчи ишорасини кўриб, ҳалиги дўхтири меҳмонларга таъзим қилиби: “Мен шу даражага улуғ ҳаким Ибн Сино китобларини ўқиб эришганман. У зоти шарифнинг юртдошлири ҳам менга устоз саналади, уларга таъзим бажо айлашни ўзимга шараф деб биламан”.

“Боболаримизга ҳурмат учун катта раҳмат, дўхтиро, — дебди Зебонинг катта акаси. — Илтимос, синглиминг соғайиб кетишига ёрдам берсангиз. Ҳақини тўлашга тайёрман”.

Дўхтири негадир хижолат бўлиб, бир зум сукут сақлабди, кейин шундай дебди: “Маъзур тутасизлар, синглингизга ёрдам беролмайман. Мен жигар жарроҳлиги амалиётини Тошкентда, ўзбек олимидан ўрганганман. Устозимнинг олдига қайтиб боришингизга тўғри келади. Синглингизнинг соғайиб кетишига ишончим комил. Яна бир бора узр сўрайман...”

Меҳмонлар ноилож ортга қайтадиган бўлишибди. Ҳайрлашаётиб, ажнабий дўхтири Зебога “Албатта, соғайиб кетасиз. Юртингизда дунёдаги энг шифобахш тарвуз етиштирилади, уни кўпроқ истеъмол қилишингизни тавсия қиласман. Аслида мен эмас, бу рецептни Ибн Сино бобонгиз тавсия этган. Тарвуз-ку, ҳамма

жойда ўсади, аммо ҳамма жойда ўзбек заминининг тупроғи йўқда”, — дебди...

Ҳикояси шу ерга етганида, Ваққос ака хотинига дам бериш учун гапиришдан тўхтаб, унга разм солди.

— Бу ёғини мен айтиб бера қолай, — деди ҳикоядан рұхлангани юз-кўзидан сезилиб турган хотини. — Чиндан ҳам, Зебо ўзимизнинг шифокорлардан даво топиб, соғайиб кетди. Кўргани келганда, менга ҳам далда берди. Уни кўриб, соғайиб кетишимиға ишончим анча ортди.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим-да, онаси, — деди эри. — Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасан.

Шаҳринисо ая бирпас тин олиш учун қўзини юмди. Эри бугун ҳам кўнглидаги гапни айтишига ўзида журъат тополмаганини тан олиб, секингина ўрнидан қўзғалди.

— Қаёққа?.. — кутилмаганда хотини берган бу саводдан Ваққос ака ўрнида ўтириб қолди. Аёл ҳамон қўзини очмасдан гапида давом этди: — Менинг танамда касаллик бор, аммо ақлим, фикрим жойида. Ниманидир сўрамоқчисиз, буни фаҳмламади, деб ўйлаяпсизми? Қулоғим сизда?

— Сен шу кунларда нимадандир безовтасан, хотин, бу менга ёқмаяпти, — овози аранг чиқди эрининг.

Эрининг ёрдамида ёстиқларга суюни ўтириб олган Шаҳринисо ая яна “уҳ” тортди.

— Икки йилдан бўён ётиб қолган бўлсан ҳам, бутун хаёлим Аҳадда. Шу ўғлимизнинг келажагидан кўнглим нимагадир фаш. Шунча бола ўстириб, унга қолганда тарбия беролмадик, шекилли.

— Яқинда мактабни битиради, — бош эгди ота ҳам. — Ҳали бола-да, эси кириб қолади. Сен хавотир олма, онаси.

— Бола эмас, бало ўстиридик, — йиғлади аёл. — Мен дунёдан ўтиб кетгац, “онаси ўлган” деб, қылғиликларига раҳм-шафқат қилиб ўтираманг, бўлмаса, у сизни тириклай гўрга тиқади. Ҳали кўп нарсани билмайсиз.

Гап шу ерга етганда Ваққос ака ҳам чидаб туролмади. У тилининг учидаги турган гапни айтиб юборди:

— Ўғирланган узук воқеасими?

Хотини унга “ялт” этиб қаради.

— Бундан хабарингиз борми? — деди у мажолсиз. — Қандай қилиб?..

— Нега хабарим бўлмасин? — тиззасига шапати урди Ваққос ака. — Эътиборинг учун ана шу падарлаънат Аҳаднинг отаси бўламан...

Аёл киши эмасми, Шаҳринисо ая тўшакка михланиб қолгандан кейин ҳам пардоз-андозини ташламади. У оила аъзоларига ҳам, йўқлаб келувчиларга ҳам, ҳатто шифокорларга ҳам ораста қўринишни истарди. Бу билан у одамларга ҳали ҳаётдан умиди бор эканлигини билдириб қўймоқчи бўларди. Барча аёллар қатори у ҳам тилла зеб-эйнатларни яхши кўрарди. Мана, ўн беш кундирки, у барчани ҳайратга солиб пардоз-андозни, ясантусанни ҳам йиғишириб қўйди. Ваққос ака нима бўлганини тахмин қилди-ю, сўрашга ботинмади, аёлининг аҳволи оғирлашиб қолишидан қўрқди.

Куни кечака, ҳе йўқ-бе йўқ, куппа-кундуз куни қўшни маҳаллада яшайдиган Салим сартарош Ваққос акага “ўғлингиз берганди” деб, хотинининг узугини олиб келиб бергач, ҳаммаси аниқ бўлди. Маълум бўлишича, узук йўқолишидан бир кун илгари тунда Аҳад Салим сартарошнинг уйига ўғирликка тушиб, товуқларини ўғирлаб кетибди. Эртасига қишлоқ четидаги дараҳтзорда паррандаларни сихга тортиб, пивоҳўрлик авжига чиққан пайтда, товуқ эгаси Аҳадни ушлаб, маҳалла посбонига топширган. Ҳуллас, “Емоқнинг қусмоги бор” деганларидек, Аҳад онасининг тилла узугини ўғирлашга мажбур бўлган...

Эр-хотиннинг ўша қунги судбатидан сўнг бир ҳафта ўтиб, Шаҳринисо ая бандаликни бажо келтириди.

Ўзингдан чиққан бало

Азали уйга кириб келган милиция кийимидағи кишини кўрган Ваққос ака бу ташрифдан мақсад шунчаки кўнгил сўраш эмаслигини дарров сезди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. У шошилинч туман ИИБга этиб келиши лозимлиги тўғрисида чақирув қофозини олди.

Үғли Аҳаднинг бу сафарги ножӯя хатти-ҳаракати мотамсаро отани лол қилиб қўйди. Бу нобакор фарзанд ҳали унга кўп жабру жафолар келтириши тўғрисидаги хотинининг айтганлари тўғри чиқди. Маълум бўлишича, Аҳад онаси вафот этгач, йиллар давомида уйда йиғилиб қолган дориларни “қора бозор”да пуллаб, мўмайгина даромад орттирган. Бу ҳам етмагандай, муддати ўтиб кетган дориларни ҳам вилоятдаги қишлоқ дорихоналарига арzonгагровга пуллаган.

Панжара ортида ўтирган ўғлининг олдига кирган отанинг биринчи саволи шундай бўлди:

— Онангнинг васиятига кўра, яроқли дориларни Мурувват уйига топширишимиз кераклигини билатуриб, нега бундай қилдинг?

— Васият деган гапларингизга бало борми? — бақрайди ўғил. — Дориларни пуллаган бўлсам, буни нимаси ёмон? Кимдир шифо топгандир, балки?..

Хуллас, туман вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси Аҳад Ваққосовни хулқ-атворини тузатиш ва назорат қилиш учун ИИБга рўйхатга қўйиш билан чекланди. “Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас” деганларидек, тиббиёт колежини тамомлаган Аҳад кейинчалик ҳам ота насиҳатини қулогига оладими-йўқми, бу ёфи қоронфу эди.

Дори ўғриси

Умрида бирор марта шифохонада ётмаган Ином ота 65 ёшида бирдан юраги хуруж қилиб, инфаркт бўлиб қолди. Туман шифохонасининг жонлантириш бўлимида у ўзига келди. Аммо танасининг ўнг томони бежон бўлиб қолганди. Ином отанинг бахтига, үғли Маҳмуджоннинг энг яқин дўсти Тоштемир шу соҳада катта натижаларга эришган ёш олимлардан бири экан. У таътилда бўлгани учун ўн кунгача беморнинг ёнидан жилмади. Олим барибир олим экан-да, отанинг фалаж бўлиб қолган оёқ-қўлларига жон кирди, гап-сўзларига ҳам энди тушунса бўларди.

— Энг муҳими, юракдаги қон томири ёрилиши тўхтатилди, — деди Тоштемир Тошкентта қайтиши олдидан. — Энди муолажалар

ўз вақтида бажарип турилса, отахон узоги билан бир ойда оёққа туриб кетади.

Аммо шундан кейин, орадан икки ойдан мўлроқ вақт ўтса ҳам, Ином отанинг сиҳат-саломатлигига сезиларли ўзгариш юз бермади. Энди бемор қошида эртаю-кеч жилмай ўтирган Маҳмуджон бора-бора бир ҳақиқатни англаб етди. Негадир Аҳад деган фельдшер навбатчилик қилган куни отасининг тоби қочарди. Унинг шубҳалари тўғри бўлиб чиқди. Аҳад навбатчилик қилган куни вақт ярим тундан ошганда Маҳмудгга шошилинч камёб дорилардан бирини топиб келишни буюарди. У дорини қимматроқ бўлса ҳам, шифохона яқинидаги икки қаватли уйда яшайдиган Лиза исмли аёлдан сотиб олишни тайинларди. Зарур бўлганидан кейин Маҳмуджон дорининг нархи ҳақида ўйлаб ўтирафиди?..

Ана шундай кунлардан бирида Маҳмуджон деярли икки баробар нархда Лизадан сотиб олган “Самозин” дориси қофозига билнар-билинмас қилиб ўзи ва отасининг исмидаги бош ҳарфларни ёзиб қўйди. Кейинги навбатчиликда азонга яқин Аҳад яна ўша доридан олиб келишни буюрди. Маҳмуджон дори топилганига хурсанд бўлиб, Лизага минг қуллуқ қилиб уни олиб келди. Йўлда у тасодифан дори қофозидаги ўтган сафар ўзи қўйган белгини кўриб қолди. Фельдшернинг дори чайқовчилиги билан шуғулланаётгани кундай равшан эди. Аммо буни исботлашга Маҳмуджоннинг юраги дов бермади. Шу орада отахоннинг аҳволидан хабар олишга келган Тоштемир ҳайратда қолди. У бўлим мудирига муолажа рисоладагидек амалга оширилган тақдирда, bemор аллақачон оёққа туриб кетиши кераклигини айтди. Аҳаднинг соҳтакорлигига энди Маҳмуджон шубҳаланмай қўйди. Фақат уни қандай қўлга тушириш керак, шуни ўйлаш керак эди.

Кейинги навбатчиликда нафси ҳакалак отган Аҳад bemornining ўғлига энди Лизадан бирданига бир нечта қимматбаҳо дорини шошилинч олиб келишни тайинлади. Маҳмуджон худди шуни кутиб турганди. У барча дориларни сотиб олиб, этикеткаларига сезилмайдиган қилиб белги қўйди. Энди Аҳадни “тузоққа” туширишни кутиш қолганди, холос.

Тонг маҳали касал отахоннинг палатасидан чиққан Аҳадни Маҳмуджон ва бу ишга жалб қилинган прокуратура ходимлари тўхтатиб, текшириб кўришди. Фельдшернинг оқ халат остидаги кийимларидан белги қўйилган барча дорилар чиқди. Гиппократ қасамини бузган бу нопок тиббиёт ходими ўша заҳоти қўлга олинди ва унга нисбатан суд томонидан озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Афсуски, шу воқеадан бир неча кун ўтгач, Ином ота вафот этди...

Бўлиб ўтган бу нохуш воқеаларнинг туб илдизи битта. У ҳам бўлса, инсон омилига, унинг тарбиясига бориб тақалади. Бундай нопок шахслар тиббиёт ходимлари орасида балки бармоқ билан санаарли даражада камдир. Аммо гап инсон ҳёёти ва тақдирни ҳақида борар экан, унинг бир нафари ҳам жуда кўп эмасми?!

НОҚОБИЛ ФАРЗАНД

Отанинг касофати

Эрталабдан осмонни қора булат қоплаб, қўнгилга ғашлик солаётган бўлса-да, Дијором опанинг димоги чоғ эди. Қизига биринчи марта совчи келганда, қайси онанинг қўнгли баҳтдан хаприқмайди, дейсиз?! Бугун бўлгуси қудаларнинг илк ташрифи кутилмоқда.

Шунинг учун бўлса керак, аёл кеча тун ярмида гирт маст бўлиб келган эрини уйғотишга ҳам ботинолмай, нонуштани тайёрлаб, кутиб ўтирибди. Қаровсиз ҳовлининг айбини беркитиш учун йўлакчалар четига атай гул эккан қизи Нигора уларга сув қўймоқда.

— Бўлгуси қайнота-қайнонангга бу гулларни сен экканингни айтаман, — деди мамнун аёл. — Чойингни ичиб ол, қизим.

— Чойни қўйинг, ойи, — хўрсинди қиз, — дадамга айтинг, шу бугун ичиб келмасинлар, хўпми?

— Кўнглинг тўқ бўлсин, она қизим, — тинчлантириди она. — Даданг қизининг баҳтига тўғаноқ бўлармиди?

— Биласизми, ойи... — қиз уялиб ерга қаради, — Сардор акамнинг дадаси — маҳалла оқсоқоли. Агар дадамни... бунақалигини билиб қолса, тўйимиизга розилик бермайди...

Шу куни эри ишга отланиб, дарвозахонага етганда, Дијором опа ўша гапни тайинлади. Эр эса аёлининг илтимосига жавобан унга еб юборгудек тикилди:

— Мақтамай қўяқол, ўша Малик майдани яхши биламан. Оқсоқол бўлса, ўзига, мен Раҳмонберди шартакиман! Ҳалитдан қудаларнингга хушомад қилишга бало борми?!

Аёл бечора ортиқ гапиришга ботинолмади.

Айтилган вақтда келган қудалар ўта сабр-тоқатли экан. Үлар ошни суздирмай, “ишхонада ушланиб” қолган уй соҳибини хуфтонгача кутиб ўтиришди. Қўл телефони ўчирилганидан хавотирга тушган Дилором опа эри маст бўлиб, “ўучиб” қолганига энди шубҳаланмасди. Шармандагарчиликдан қутулиб қолишнинг ягона йўли меҳмонларни бир амаллаб, хафа қилмасдан жўнатиб юбориш эди. Аммо...

— Бизни ўйингиздан ҳайдаманг, қуда, бугун ишни битирмагунча кетмаймиз, — деб қолди Малик ака. — Қудамни, қанча керак бўлса, шунча кутамиш!

Меҳмонлар ошни еб бўлишганида, Раҳмонберди ака фирт маст, уст-боши бир аҳволда гандираклаб кириб келди.

— Бўрибосар, булар кимлар? — деди у олдига югуриб борган итига. — Нимага мендан бесўроқ уйга бегоналарни киритдинг, ит эмган? Сени отиб ташлайман!..

Малик ака сўрашиш учун қучоини очганча қолаверди.

— Ҳа, Малик майдা, қайси шамол учирди? Бизникида нима қилиб юрибсан? — ўдағайлари уй соҳиби унга.

— Қудаларимиз-ку, — ўнгайсизланди ҳаммасини ҳазилга буришга ҳаракат қилган Дилором опа. — Эрталаб сизга айтгандимку, булар — қудаларимиз...

Судралиб бориб, сўри четига аранг ўтириб олган уй соҳиби қаҳ-қаҳ отиб кулади.

— М-м-мен маст эмасман, хотин, — гўлдиради сўнг чўнтағидан бир шиша ароқни чиқариб. — Қудани ҳозир синовдан ўтказамиз. Пиёлани бир кўтаришда ичсанг... йўқ, уэр ичсангиз, ўғлингизга қизимни бераман, бўлмаса, ана, катта қўча!

— Мен умуман ичмайман, — одоб сақлади Малик ака.

— Умуман ичмайдиган қуданинг менга кераги йўқ, — дея Раҳмонберди ака ўғли Зуфарни чақирди. У келгач, ароқни иккита пиёлага тўлдириб қўйди-да, Зуфарга юзланди:

— Отасининг ўғли, Малик майданинг олдида шу ароқни иккаламиз майдалаймиз. Оласанми?

— Оламан, кейин кириб ётсангиз, бўлгани, — деди ўспирин итоаткорона.

— Гап йўқ, эркак!..

Ота пиёладаги ароқни бир кўтаришда сипқориб, қоқила-сурила уйга кириб кетди. Раҳмонбердининг ортидан ачиниш ара-лаш нафрат билан қараб қолган Малик aka хотинига қаараркан, гапни қисқа қилди:

— Масхара бўлганимиз етар! Тақир-туқурларингни кўтар, ке-тамиз. Бу хонадонни энди елкамнинг чуқури қўрсин!

Ароқхўр отанинг нодонлиги туфайли Нигорага кейин ҳам ҳеч ким совчи қўймади. Бечора қиз ўттиз ёшдан ошгандагина ўзидан анча ёш катта, беш нафар фарзанди билан бева қолган кишига турмушга чиқди.

“Қўлимдан келганини қилдим”

“Қуш уясида кўрганини қилади”, деганларича бор экан. Зу-фар ҳам бора-бора дадасига ўхшаб, ароқхўрликка ружу қўйди. Майда жиноятлар билан қисқа муддатларга қамалиб ҳам чиқди.

Дилором опа бошқа вилоятдаги қариндошиникига тўйга от-ланаётуб, ўғлига иссиқхонадан боҳабар бўлиб туришни тайинлади. Шунаقا имкониятни сабрсизлик билан кутаётган Зуфар дарров кимгадир қўнгироқ қилди. Шу куни темир қирқадиган арра билан “қуролланган” икки нафар уста келиб, иссиқхонадаги қувурларни бўлакларга ажратиб, тахлашди. Шом пайти эса, усти ёпиқ юк автомашинасида кириб келган харидор келишилган пулни тўлаб, уларни олиб кетди.

“Темирни қизигида бос!” қабилида иш қилган Зуфар шу куни, иссиқхонада пишиб турган бодрингларни ҳам арzonгаровга пуллаб юборди. Хонадон арзандасининг ҳамтовоқлари икки кунгача базму жамшид қилиб, текиндан келган пулни совуриб, тугатишиди.

Тўйдан қайтиб келган Дилором опа вайрон бўлган иссиқхонани қўриб, ақлдан озишига оз қолди. У ҳамон кайфи тарқамаган ўғлига қўзи тушгач, бутун ғазабини бир оғиз жумла билан ифодалади:

— Шунчалар золим фарзанд ўстирганимдан минг пушаймон-ман! Падарингга қусур, Э, аттанг...

— Хумор қилганда, ялинсан ҳам пул бермадингиз, — пинаги-ни бузмади Зуфар. — “Қўлингдан келганини қил”, демаганмидин-гиз? Мана, қўлимдан келганини қилдим.

Она шўрлик бошини деворга уриб, йифлади-сиқтади, охири кўнди. Ахир ўзи пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзи ейди-да, одам!

Орадан уч кун ўтиб, арази тарқади, шекилли, аёл ўғлини чақириб, маслаҳат берган бўлди:

— Тўйда Зоир амакингнинг күёви Соҳибназар сени сўради. **Ховлисининг** этагига икки қаватли уй қурибди. “Зуфар электрмонтаҷчиликка ўқиганини биламан. Янги уйга электр симини ўтказиб берсин, пулини яхши тўлайман”, деди. Бўйи етган қизи бор экан. Балки сени куёв қилмоқчидир. Қамалиб чиққанингни улар билишмайди. Ароқ ичишни йиғиштирип энди, эртага йўлга чиқасан, хўпми?

“Ишқал” и чиқди

Ўғли жўнаб кетгач, ўтган ўн кун ичиди Дибором опа бўлиб ўтган кўнгилсизликларни унутгандай бўлди. **Ҳатто** уйини таъмиратиши учун уста қидирди. Назарида, ўғли хушхабар билан кириб келадигандек, ҳадемай, тўй бошланадигандек эди.

Чиндан ҳам орадан яна бир кун ўтиб, Зуфар ярим тунда уйига кириб келди. Она ўғлини бағрига босди ва унинг башанг кийим ярашиб турган савлатига маҳлиё бўлиб, ширакайфлигига эътибор ҳам бермади.

— Соҳибназар қизини сенга берадиган бўлдими?

— Отини атамант, у ярамасни, — хўмрайди Зуфар. — Ўн кун қулдай ишлатиб, шу костюм- shimни айтмаганда, бир сўм ҳам бермади. Қизи қаёқда-ю, мен қаёқда? У олий маълумотли шифокор экан. Мендақаларга қаармиди? Мени масхара қилдингиз.

— Бу нима деганинг, очиқроқ гапирсанг-чи, болам? — тарвузи қўлтиғидан тушди онанинг. — Шифокор бўлса, эрга тегмайдими? Ё яна бирор ишқал чиқардингми?

— Савол-жавобларингизни йиғиштиринг! Шаҳарга кетяпман, — деди ўғил. — Агар ўша Соҳибназарингиз келиб, мени ёмонласа, лаққа тушиб юрманг. Келганини унга ҳам, бошқаларга ҳам айтманг.

Шўрлик она ҳаммасини тушунди ва тонгтacha мижжа қоқмай, йиғлаб чиқди. Тахмин қилганидек, эрталаб етиб келган Соҳибназар

Дилором опага бор ҳақиқатни айтиб берди. Маълум бўлишича, Зуфар унинг уйида ҳеч қандай иш қилмай, қарзга пул олиб, ичкиликбозлик қилган, уч кун муқаддам озроқ пул, DVD плеер билан видеокамерани ўғирлаб, ғойиб бўлган.

— Майли, қайнотамнинг, сизнинг ҳурматингиз, — деди мулоимлик билан меҳмон. — Ўғлингизга ҳеч қандай даъвоим йўқ. Ҳаммасидан кечдим. Фақат, иложи бўлса, видеокамерани қайтариб берса, яхши бўларди.

Қилимиш-қидирмиш деганлариdek, видеокамерани сотаётганда қўлга тушган Зуфар, суд ҳукми билан учинчи марта қамалди. Кейинчалик бу жазо ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди.

Қабоҳат

Зуфар туман электр тармоқлари корхонасига ишга кирди. Тўғрироғи, туман ҳокимлиги қошидаги мослашув маркази йўлланмаси билан ишга жойлаштирилди. Аммо эртасигаёқ бу даргоҳдан жуфтакни ростлади.

— Сен назоратдаги одамсан, — тергади онаси уни қўриб. — Кейинги ойда никоҳ тўйинг. Ишдан қочиб келганинг нимаси?

— Ўтган гапларни қўзғаб, асабимга тегманг, ойи, — тўнғиллади ўғил, соқолини олишга тушиб. — Режани бажариб қўйганим учун жавоб беришди, келавердим.

Онанинг кўнгли тинчланди ва ўғлидан илтимос қилди:

— Ҳар доим биздан буғдой оладиган Сергей Варасов бор-ку, ўша яна икки қоп сўраганди. Кекса одам, ўзи келиб олиб кетолмайди. Даданг эса яна ичиб келиб, думалаб ётибди. Шуни олиб бориб бергин, болам...

— Бўпти, аравачани бўшатиб қўйинг, — деди Зуфар дарров. — Савоб бўлади, ўзим ташлаб келаман.

— Икки юз минг сўмга келишганмиз, сендан бериб юборади, ола келарсан...

Зуфарни дала ҳовлида таниш чолу кампир кутиб олди. Зина хола йигитни ҳовлидаги столга, мураббо билан чой ичишга таклиф қилди. Чол ичкарига кириб, пулни олиб чиққунига қадар, зери-киб ўтирган Зина хола қизиқувчан меҳмонга ўзи ҳақидаги ҳамма

маълумотларни, фарзандлари узоқда яшашларини, ўзлари деярли, “қора”сини кўрсатишмаса ҳам пул юбориб туришларини, қарилек касалликларини ҳисобга олмаганда ҳеч нарсадан камчиликлари йўқлигигача бирма-бир айтиб берди.

Пулни олаётган Зуфарнинг кўзи дераза токчасидаги бир жуфт “Nokia” русумидаги қўл телефонига тушди-ю, шу заҳоти қўнглида уларни қўлга киритиш истаги туғилди. Зум ўтмай, бу истак қатъий қарорга айланди. Фақат мавриди келишини кутиш керак эди, холос.

Шу куни кечга томон Зуфар башанг кийинди ва онасига қўшни қишлоқда бўладиган ўртоғининг никоҳ тўйига боришини айтди.

— Яна ичиб юрмагин, яқинда уйланадиган йигитсан, — тайинлади она. — Эртароқ қайтгин.

Онаизор шу дақиқаларда ўғлининг бу уйга эртага ҳам, индинга ҳам, чорак асрографа ҳам қайтмаслигини, ўзи орзулаган тўй энди бўлмаслигини қаёқдан билсин?!

Тўйда тўйгунича ароқ ичган Зуфар камига ярим шиша конъякни ҳам бўшатди. Кўчага чиқиб, кимлар биландир муштлашиб, қоши ёрилди. Шундан кейин, тунги соат 23:30 ларда ўртоқлари уни уйига олиб бориб, дарвозадан ичкари киритиб юборишли.

Зуфар кундузи ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш учун темирдан ясалган йиғма пичогини олиб, Варасовларнинг дала ҳовлиси томон ўйл олди.

Чироқлар ўчирилганини кўриб, чол-кампирнинг ухлаётганини шонч ҳосил қиған босқинчи ҳовлига кирди. У очиқ турган дераза токчасидаги телефонларни олиш учун қўл чўзганди, майдада симтўрдан тўқилган парда ичкарига тарақлаб тушиб кетди. Ўйғониб кетган Сергей Варасов ҳовлига чиқиб, итни ечиб юбордида, яна ичкарига йўналди. Шу дамда у қоронгидага ортида кимдир турганини сезиб қолди ва ўша томонга юрди. Зуфар яқин келиб қолган отахоннинг қорни ва кўкрагига пичноқ санчди. Шу пайт уйдан чиқиб келган Зина хола ҳам кўкрагидан пичноқ еб, жон ҳолатда ичкарига қочди. Унинг ортидан етиб олган Зуфар аёлнинг

дуч келган жойига яна уч марта пичоқ санчди. Кейин бамайлихотир токчадаги құл телефонларини олиб, құчага чиқди...

Фожиали воқеадан хабар топған ички ишлар ходимлари Зуфарни уйига етмасдан құлга олишди.

Ашаддий жиноятчи Зуфар Эшжонов жиноят ишлари бүйича Тошкент вилоят суди томонидан үйгирма уч үилга озодликдан маҳрум этилди.

Суд залидаги онанинг фарёди барчани ларзага солди. Одамлар унга ачиниш билан әмас, нафрат билан қараётгани сезилиб турарди. Балки у бошқаларнинг умрига зомин бўлган ноқобил фарзандни дунёга келтирганидан афсус-надомат чекиб йиглаётгандир?! Эҳтимол, ўғлини ўз вақтида ёмон йўлдан қайтартмагани учун ўзини кечиролмайтгандир? Балки...

Қанийди, у ноқобил фарзанд дастидан йиглаётган ер юзидағи энг сўнгги она бўлса...

АЙЛАНМА ЙҮЛДАГИ ҚОПҚОН

Отани ким хафа қилди?

Бир умр қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилиб, нағақага қиққан Абубакир ота кечадан бери изтиробда эди. Қўпчиликнинг иззат-ҳурматига ўрганиб кетган отахонни маҳалла фаоллари йифинига чақиришмади. Аввалига, “Менга хабар етиб келмагандирда”, деган хаёлга борди. Бироқ унинг кўнглидаги таскинлар секин-аста шубҳага айланди. “Йўқ! Бу ерда бир гап борга ўхшайди”, деди у ўзига-ўзи ичини ит тимдалаб. Лекин ўша “бир гап” нималигини билмай, боши гаранг эди.

Абубакир ота саволларига бугун жавоб тополмаса, туни билан мижжга қоқмаслигини тушуниб, кўчага чиқди-ю, ҳовлилар этагидан ўтган илон изи сўқмоқдан юриб кетди. Ота шу тобда маҳалла оқсоқоли тасодифан йўлидан чиқиб қолишини, йигилишга чақириш ёдидан кўтарилганини айтиб, узр сўрашини жуда-жуда истарди.

Бир оз юргач, сал нарида яшайдиган Фатхулла мол дўхтирининг дарвозаси ёнида уйилган шағални қўрсатиб, ниманидир уй эгасига тушунтираётган оқсоқолни кўрди-ю, қадамини секинлатди. Нихоят, қарама-қарши томондан келаётган оқсоқол Абубакир отанинг рўпарасида тўхтаб, унга қўл узатиб сўрашди.

— Тинчликми, Бахтиёр ўғлим? — самимий оҳангда сўради ота. — Ишлар билан чарчамаяпсизми?

Худди шуни кутиб тургандай, Бахтиёр aka ҳам кўнглидагини тўқиб солди.

— Э, отахон, ишдан-ку чарчамайман, — деди у ҳамон ҳаяжонини босолмасдан. — Шу Фатхулла акага ўхшаган одамларнинг икки-

таси билан гаплашсам, тамом, ҳафсалам пир бўлади. Шундай чиройли кўчани бузиб, шагал тўкиб қўйганини қўрмайсизми? Кўча қурилиш материаллари омбори эмас-ку, нега тушунмайди?

— Фатхулла ўша отанинг боласи-да, — деди гап буткул бошқа томонга оғиб кеттанидан қувонган отахон. — Раҳматли Норбўта саранжом ҳам “ҳовли ифлос бўлади” деб, молига хашакни кўчага тўкарди. Майли, мен ўзим олдираман. Ҳар ҳолда ўқувчим, гапим ўтади.

— Афсуски, баъзи яхши одамларнинг фарзандлари отасига тортмайди, чамаси...

Оқсоқолнинг бу илмоқли гапидан сўнг Абубакир ота бояги хавотири беҳуда эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

— Кечака фаоллар йиғилиши бўлғанимиш, — деди сўнг.

— Одоб-ахлоқ мавзуида айрим йиғилиб қолган муаммоларни гаплашиб олдиқ, — негадир ерга қаради оқсоқол. — Узр, устоз, ҳокимиятга шошиб тургандим.

Абубакир ота Фатхулланикига ҳам бормай, шартта ортига қайтди. Катта ўғли Тўхтабой бирор ишқал чиқаргани энди кундай равшан эди. Муюлишда аксига олиб, маҳаллада “сўнгги ахборот” деган лақаб олган пиёниста Норчага рўбарў келди. Бундан 5-6 йил муқаддам қизини ўғлига олиб бериш учун нон синдириб, кейин фикридан қайтгани боис, Норча “собиқ қуда”сидан анча пайтгача хафа бўлиб юрганди. Ҳозир ҳам ширақайф Норча биринчи бўлиб гап бошлади:

— Намунча қовоғингиздан қор ёғади, домла? Ўғлингиз Тўхтабой қизимга уйланмаган бўлса ҳам, лекин ҳамкорлик қиляпмиз. У сиздай мирқуруқ эмас, ҳақиқий бой бўлди.

— Қанақа ҳамкор? — ғазаб билан унга тикилди ота. — Уни ўйлдан урадиган бўлсанг, ўзингдан кўр!

— У товар олиб келади, мен дўконларимга тарқатаман. Буни “бизнес” дейдилар! — тиржайди у.

— Шошма, — таажжубланди, Абубакир ота, — у Қўйлиққа ўйловчи ташийдиган киракаш бўлса. Қанақа товар ҳақида гапиряпсан? Қаердан олиб келади уни?

— Биз узумини еймизу бояни суриштирмаймиз, — мазах қилгандай кулди Норча.

— Ҳаммасига сен айбдорсан!.. — Абубакир ота Норчани зарб билан йўл чеккасига суриб чиқарди. — Бугундан эътиборан ўғлимни тинч қўй, тушунарлими?..

Кечадан бери бўлиб ўтаётган воқеаларнинг тагига етган ота шу ердан тўғри такси-автомашиналар тўхташ жойига бориб, ўғлини суриштириди. Ҳаммасблари Тўхтабойни икки кундан буён кўришмаганини айтишиди. Отa йўловчи автомашинага ўтириб, маҳалла чеккасида яшайдиган катта ўғлининг ўйига йўл олди.

Ейилмай қолган ош

Абубакир ота келини сузисб келган ошга қўлини ҳам теккизмади. У туз тотмай, ярим кечагача ўғлини кутиб ўтириди. Ниҳоят, ҳовлининг қоқ ўртасига келиб тўхтаган автомашинадан тушган Тўхтабой уловнинг юхонасини очиб, зил-замбил картон қутини олди-да, ичкарига қўйиб чиқди. Отаси келганини хотинидан эшитган, шекилли, у гандираклай-гандираклай ёғоч кароват ёнига етиб келди-ю, сўрашиш учун отасига қўл узатди.

— Нопок қўлингни торт! — жеркиб берди Абубакир ота. — Ярим тундан ошганда қаердан келяпсан?

— Қаердан бўларди, — деди мастилик туфайли тили яхши айланмайтган йигит, — бўзчининг мокисидек у ёқдан бу ёққа қатнаб, оилани боқиш учун пул топиб келяпман. Нима, тирикчиликнинг айби борми?

— Мен сендан ҳозир қаердан келяпсан, деб сўраяпман!.. — жаҳл билан тақрорлади ота. — Бугун ишга чиқмаганингни биламан.

— Милициядагиларга ўхшаб сўроқ қиласиз-а, дада, — норози бўлди ўғил. — Нима фарқи бор? Буюртма бўйича бир жойга бордим. Бир халта пул ишлаб келдим.

Ота бу гапларни эшитиб, чидаб туролмади. Ўрнидан туриб келиб, ўғлининг кўзига еб қўйгудек тикилди.

— Демак, айланма тупроқ йўлларда ивирсиб юрганинг рост экан-да?.. Сен юзимни ерга қаратдинг. Қариганимда тириклай гўрга тиқмоқчимисан, ярамас?

— Бойиб кетаётганимни кўролмаётгандарнинг гапини гапирманг, — жеркиб берди отасини Тўхтабой.

— Агар ўзингни ўйламасанг, норасида қизларингни — Фотима-Зуҳрангни ўйла, — дакки берди чол. — Мен ҳам маҳаллада бош кўтариб юролмай қолдим. Номаъқул ишларингни бугундан бошлаб йишиштири. Бўлмаса...

Шу дамда ичкаридан депсиниб чиқиб келган Ойсара, қайнотасининг гапини бўлиб, бобиллаб кетди:

— Э ота, шу ўғлингизни тинч қўясизми-йўқми? Пул топмаса, “топмади”, топса, “топди” деб, уришганингиз-уришган. Оиласизни тинч қўйинг! Сизга ўзингизнинг обрўингиз керак. Ҳудога шукур, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Лекин ҳаммадан бой бўлишни истайман. Шу ёмонми?!

— Келин, мен пул топмасин, деяётганим йўқ, — овозини майинлатди қайнота. — Ғақат қинғир ўйл билан эмас, тўғри, қонуний ўйл билан пул топсин, дейман. Эртага “аттанг”, деб қолманглар.

Келин энди эрига юзланди-да, шанғиллади:

— Бўлди, тушунарли! Мана, душманингиз кимлигини билиб олдингиз. Айтсан, ишонмасдингиз. Дадангиз бир куни сизни қаматиб юборишдан ҳам тоймайди!..

Тўхтабой худди шу гапни кутиб тургандек, итоаткорлик билан хотинига эргашиб, ичкарига ўйл олди. Эшик қарсиллаб ёпилди. Та什қарида ёлғиз ўзи қолган ота аламли қўз ёшларини тутиб туролмади. У келгусида бу оила бошига тушиши мумкин бўлган қўргиликларни ўйлаб, изтироб чекар, аммо қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан ўксиб, қўз ёш тўкарди...

Зуҳранинг ахволи оғир...

Отасининг насиҳатларига қулоқ осмаган Тўхтабой барибир ўз билганидан қолмади. У эртаси куни шом пайти келишилган жойда мижозни кута бошлади. Соч-соқоли ўсиб кетган, турқи совуқ бўлса ҳам, гаплари дадил бу кимса ундан божхона масканидан сал нарироқдаги айланма ўйл яқинидан дехқончилик маҳсулотларини бозорга олиб келиб беришда ёрдам сўради. Кейин 3-4 тонна юк сифадиган транспорт воситасини топишни ҳам илтимос қилди. Энг муҳими, савдолашмади ҳам. У Тўхтабой сўраган пулнинг ярмини ўша заҳоти қўлига тутқазди, бир қути музлатилган товуқ оёқларини ҳам тортиқ қилди.

Машинасида хаёл суриб ўтирган Тұхтабой орқа әшикнинг очилган овозидан чүчиб түшди. Орқа ўриндиқда ўтирган кечаги кимса уни саволга тутди:

— Транспорт нима бўлди?

— Танишимнинг тиркамали “Т-28” русумли тракторини гаплашиб қўйдим. Ҳабар беришим билан айтилган жойга етиб боради. Ўзи ўша томонларда яшайди, — жавоб берди Тұхтабой.

— Жуда яхши, — деди сўраса-да, исмини унга айтмаган кимса, — бўлмаса, кетдик! Йўлдан юкни ортишга мардикорларни оламиз.

Хуллас, Тұхтабой бошқарашётган “Жигули” тиркамали тракторнинг олдига тушиб олиб, манзилга етгунча айланма йўлларда анча вақт айланишига тўғри келди. Ниҳоят, улар чегара симтусиқларидан сал бериоқда тахлаб қўйилган қофоз қутилар уюмига дуч келишиди. Ёлланган ишчилар машина фаралари ёргуфидан қутиларни трактор тиркамасига орта бошлишди.

— Менга қаранг, — деди шошиб қолган Тұхтабой мижозига юзланиб, — сиз деҳқончилик маҳсулотлари дегандингиз-ку? Бу нимаси, нега мени алдадингиз?

— Қанақа ишга бош қўшганингни ҳали тушунмадингми? — ўшқирди мижоз. — Жарақ-жарақ пулини олганингдан кейин буюрган ишимни қиласан! Тезроқ ортишга сен ҳам ёрдам бер. Чегарачилар сезиб қолишиса, қулоғингни ушлаб кетасан!..

Тұхтабой кеча тунда отаси айтган гапларни эслади. Эслади-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Шу пайт қаёқдандир пайдо бўлган қуролли аскарларга кўзи тушиб, шарт машинасига ўтириб, қочишига түшди. Айни дамда қўл телефони тинимсиз жиринглай бошлади.

Анча жойгача қочиб борган Тұхтабой, уни ҳеч ким таъқиб қилмаётганига ишонч ҳосил қилгач, телефонни қўлига олди.

— Шўrimиз қуриб қолди, Тұхтабой ака, — деди хотини йиғи аралаш. — Энди нима қиласамиз?

— Нима бўлди?..

— Зуҳра кеча сиз олиб келган товуқдан еб, заҳарланди. Зуҳрангиз ўляпти... Қаердасиз, тез етиб келинг. Биз касалхонада, жонлантириш бўлимидамиз...

Тұхтабой бу хабардан караҳт бўлиб қолган, ҳатто машинага яқинлашаётган аскарларга ҳам эътиборсиз, бақрайиб турарди.

— Зұхра тирик қолиши керак, — бир-нече бор тақрорлади у. — Дадамдан ёрдам сүра! Дадам ҳақ экан. Мен ҳозир боролмайман. Фақат болам үлмасин...

— Нега келмайсиз? Дадам шу ерда, — жавоб берди хотини. — Дадам туфайли бола ҳозирча тирик.

— Ойсара, мен құлға тушдим, — деди үзи билмаган ҳолда Тұхтабой. — Дадам ҳақ экан, Ойсара...

Тұхтабойнинг тавбаси

Туман ички ишлар бўлимида бошқа жиноий шериклари қаторида сўроқ қилинган Тұхтабойни эрталаб тилхат асосида қўйиб юбориши. У шифохонага етиб келганида, 3 ёшга қадам қўйган Зұхранинг ошқозони операция қилиниб, үзига кела бошлиғанди.

Тұхтабой отасининг кўксига бошини қўйиб, узоқ йиглади, кечирим сўради.

— Ҳаммаси яхши бўлади, ўғлим, — фарзандининг бошини силади ота. — “Сув бир лойқаланиб, тинади”, дейишади. Ёмон кунлар ўтиб кетгани рост бўлсин!..

Хотима

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Пискент туман суди Тұхтабой Абубакиров ва унинг шериклари устидан адолатли ҳукм чиқарди. Жиноят жойида олиб қўйилган 318 кг, умумий қиймати 15.596.700 (ўн беш миллион беш юз тўқсон олти минг етти юз) сўм бўлган товуқ оёқлари йўқ қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан далилий ашё сифатида олинган ва жиноят қуроли сифатида эътироф этилган “T-28” русумли трактор ва бир дона тиркама давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шундай қилиб, бу жиноят иши ёпилди. Бўлиб ўтган нохуш воқеалар кимлар учундир балки ибрат бўлар, деган фикрдамиз. Биз — фарзандлар ота-она олдидаги бурчимизни ҳеч қачон унутмаслигим лозим. Зоро, ота насиҳатига амал қилган фарзанд ҳеч қачон бало-қазоларга йўлиқмайди.

ТАНТИҚ ҚИЗНИНГ ТАҚДИРИ

Олада вояга етаётган уч нафар қизнинг түнгичи Шоҳиста болалигиданоқ “сатанг” деган ном орттирганди. Унинг ёзда очиқ-социқ кийингани етмаганидек, қаҳратон қишида ҳам яланг бош, калта кўйлакда изиллаб юришига кимдир кулар, кимдир куярди. Эрталабдан кечгача бозорда савдо қиладиган ота-онаси эса, бўйи етиб бораётган қизгинани тергаш ўрнига барча қилғиликларини ёшлиқ шўхликларига йўйишаради. Аммо кўп ўтмай уларнинг бу бепарволиги қимматга тушишига оз қолди. Қаттиқ шамоллаган Шоҳистани шифокорлар бир амаллаб ҳаётга қайтаришиди. Тўшакка михланиб ётган қунлари тавбасига таянган бўлса-да, у кейинчалик яна билганидан қолмади.

Кутилмаганда чалинган “иккинчи қўнфироқ” булатсиз осмонда чақин чақиб, даҳшатли гумбурлаган момақалдириқдек ота-онани саросимага солиб қўйди. Тиббий ташхис холосасига кўра, Шоҳиста энди ҳеч қачон она бўлолмаслиги маълум қилинганди. Қайта-қайта ўтказилган таҳмиллар ҳам дастлабки ташхис холосасини тасдиқлади.

— Ҳаммаси бўлмагур гап, — деди шифохонадан берилган қоғозларни битталаб йиртаркан Шоҳистанинг онаси, — ҳали қизим турмушга чиқсин, ўнта бола туғиб, дўхтирларни шарманда қиласади! Нима эмиш, бу очиқ-социқ кийинишнинг оқибати эмиш? Шамоллаш ўтиб кетганмиш? Қизгинамни ёмонотлиқ қилганларнинг шўрига ҳали шўрва тўкилганда қўрамиз!

Орадан бир оз вақт ўтиб, қудалашган она, шифокорлар қўйган ташхисни унутмаган экан шекилли, қизини обдон пишиқлади.

Онасининг гапидан чиқолмаган Шоҳиста тўйғача турли баҳоналар билан никоҳ олдидан ўтказиладиган тиббий кўриқдан бош тортди. Қайлигининг бундай тантиқлигига тушунолмай боши гаранг бўлган куёвбola охири саволига жавоб беришни талаб қилиб туриб олди.

— Орамиздаги муҳаббатга тиббиётнинг нима даҳли бор, — мугомбirona кулди қиз. — Айтайлик, бир-икки йилдан кейин оёғим шол бўлиб қолиши тўғрисида хulosа чиқаришса, нима, менга уйланишдан воз кечасизми?

— Нималар деяпсиз, азизам, — хижолат тортди йигит, — мен шунчаки, тартибга амал қиласлик, дегандим. Мабодо, сиз айтгандай бўлиб чиқса, уйланишдан-ку, воз кечмасдим, лекин даволашни бир кун олдин бўлса ҳам бошлаш тарафдори бўлардим.

Хуллас, шубҳа-гумон билан бошланган ишнинг охири ҳам баҳайр бўлмади. Тўйдан кейин, орадан бир йилдан мўлроқ вақт ўтгач, тантиқ келиннинг сири очилди. Гап нимадалигини англаш етган куёвбola никоҳ олдидан келин билан тиббий кўриқдан ўтмагани учун минг пушаймон еди. Лекин энди кеч бўлганди.

Энди нима қилиш керак? Нима бўлганда ҳам сих ҳам, кабоб ҳам куймаслиги керак! Бунинг иложи бормикан?! Энг муҳими, эр аёлиннинг хўрланишини истамасди. Йигит ўзича ягона тўғри ўйлни танлади. У данғиллама ҳовли-жойни хотинининг номига расмийлаштириб, анча вақтгача етадиган озиқ-овқатини фамлаб берди-да, уруш-жанжалсиз ўзига тегишли автомашинани ҳайдаб уйдан чиқиб кетди. У дарвозахонада рӯбарӯ келган хотини билан хайрлашаркан, юрагидаги самимий гапларни айтди:

— Сени баҳтли қилолмаганим учун узр сўрайман. Бу дунёда нималар бўлмайди дейсан, балки ҳали бир этак фарзандга она бўларсан. Кел, баҳтимизни алоҳида-алоҳида излаб кўрайлик. Мендан рози бўл.

Бу гапларга Шоҳиста итоаткорлик билан бош эгиб, рози бўлган бўлса-да, аммо унинг тош қалби эриш у ёқда турсин, бир қалқиб ҳам тушмаган эди. Бўлмаса, кейинчалик орқаваротдан собиқ эрига отган туҳмат тошларини бошқа эркак балки кўтаролмасди. Эмишки, собиқ эри зурриёт орттиришга жинсий оқиз бўлганлиги учун, узр сўраб, ҳовли-жойини ташлаб, бош эгиб чиқиб кетганмиш...

“Бечора” бойвучча бевага оғиз солғанлар күп бўлди. Онаси уни яна уч марта куёвга узатиб, орқасидан катта-кичик тошларнинг анча-мунчасини отиб юборди. Аммо ҳар сафар икки йилга етмасдан келинчак сепи билан ортига қайтарди.

“Велосипедингни ўртоғингга берма...”

Тақдирга тан берган Шоҳиста ҳамма гап-сўзларга чек қўйиш учун тугуруқхонадан фарзандликка бола асраб олиб, “ўзим тудим” деб туриб олди. Бу гап унча-мунчага “хамири ачимайдиган” онаси-нинг ҳам жаҳлини чиқарди.

— Нима, бола асраб олган битта сенми? — қизига дакки берди она. — Туғмаслигингни ҳамма билади, тўғрисини айтавер. Боланг ҳаётини ёлғондан бошламасин, айланай.

— Э, ҳамма гапирса ҳам сиз гапирманг, ойи, — бобиллаб берди қизи. — Мени соғлиғимга эътиборсизлик қилган ҳам, ёлғон гапиришга ўргатган ҳам ўзингиз эмасмидингиз?! Энди насиҳатингизни пишириб енг.

Она дардини ичига ютишдан ўзга чора тополмади. Шоҳиста эса, боласини еру кўкка ишонмас, уни худбин қилиб ўстираётганини ўзи ҳам сезмасди.

Бир куни Жаҳонгирнинг велосипедини бошқа бир бола миниб юрганини кўрган Шоҳиста фарзандини қаттиқ койиди.

— Ўртоғим яхши бола, унинг велосипеди йўқ, — деди ўшанда эндиғина тўрт ёшдан ошган ўғли. — Уни урушманг, ойи.

— Вой, раҳмдил бўлмай кетинг, — депсинди она. — Иккинчи бундай қилганингни кўрмай, уқдингми? Кўчага чиқармай қўяман.

Яна бир сафар дарвоза олдида кимнингдир рўмолини ушлаб турган ўғлини кўрган она боласини сўроққа тутди.

— Ойи, кимнингдир рўмоли тушиб қолибди, — ранги бўздай оқарди Жаҳонгирнинг, — кутиб турибман, балки излаб юргандир.

— Қани, рўмолни уйга олиб кир, — буйруқ берди онаси. — Қўлингга тушган нарсани бировга беришни ўйлама. Ерда ётибдими, эгаси йўқ, демак, бу нарса энди сеники бўлди.

Илк қалтис қадам

Хамма яхши нарса ўзиники бўлишига ўрганиб қолган Жаҳонгир балоғат ёшига етган кунининг эртасига онасини хонумонини кўйдирадиган илк қалтис қадамни қўйди.

Ўша куни шаррос ёмғир ёғар, уйнинг тунука томи ногора чалгандай гумбирларди. Ўзини бетобга солган Жаҳонгир онасининг қўлини қўйиб юбормай, анча вақт алаҳлаган киши бўлиб ётди. Телефонига кутилган SMS келгач, у тузалиб қолганини айтиб, ўрнидан турди. Қандайдир юмуш билан ичкари уйга кирган Шоҳиста очиқ ётган сейфни кўриб, аввалига дод солди, кейин хушидан кетди.

— Милицияга айтманг, — деди ўзига келган онасига ўғли, — бекорга шарманда бўламиз. Мен ўзим ўғриларнинг изига тушаман.

Шу ондаёқ она ўғриларга йўл кўрсатган ўз фарзанди эканини тушунди. Бечора она ҳар ёқни ўйлаб, тилини тийди.

Ор-номусини ўқотган фарзанд кўп ўтмай уйга яп-янги машина миниб келди.

— Йиғиб қўйган пулим бор эди, қалай, ойи? — деди фурур билан Жаҳонгир. — Ўғирлатган пулингизни ўшанда қўшганингизда, бошқа зўр машина олган бўлардим.

Шоҳиста ўғли билан ўзи орасида жуда катта жарлик пайдо бўлганини пайқади. Бу жарликни яна ҳам чуқурлашишини истамаган онаизор, “ўзи пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзи ичиш”дан бошқа илож тополмади. Аммо сатанглигига бордими, ҳар ҳолда у бир гапни барибир айтди:

— Агар ўғриларни дараклаган бўлсанг, ҳеч бўлмаса қўйлакларимни қайтаришсин.

— Ачинманг, ўша латта-путталарингизга, — ҳазил қилди Жаҳонгир, — ундан зўрларини олиб бераман.

Қулоғига чалинган узунқулоқ гапларга аниқлик киритиш учун Шоҳистаникига ташриф буюрган маҳалла посбони қилган ишидан хижолат бўлди.

— Ўзингиз ўйлаб кўринг, — тилёғламалик қилди ўй бекаси, — ўйимизни ўғри урса, ўғлим машинани қайси пулга сотиб оларди? Ариза бермаган бўлсак, гапингиз қизиқ бўлди.

— Ҳа-я, опа, — деди посбон, — одамлар ҳам билар-бilmас бичиб-түқийверишади-да. Минг марта узр. Балки, ёрдамим керак-дир, деб киргандим. Узр.

Бу суҳбатдан хабар топган Жаҳонгир энди ҳеч нарсадан ҳадиксирамай қўйди.

Тогасини тунаған жияи

Шу яқин атрофда яшайдиган тогасининг аzonлаб иккита боқилган буқа ва қўйларини мол бозорига сотишга олиб кетганини эшитган Жаҳонгирнинг тинчи йўқолди. Шу заҳоти калласига “яроқ” этиб келган фикрдан ўзида йўқ қувониб кетди. Энди тогаси молларни пуллагач, қаерга бориб ароқхўрлик қилишини билиш керак эди, холос. Ҳойнаҳой, чойхонага боради. Миллион-миллион пулни қўлга киритади-ю, чойхонага бормай, ошхонага борармиди.

Жаҳонгир чойхонанинг ёнгинасидаги ҳар доимги жойида турган автомашинани таниди. У атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, тезгина машина эшигини бузиб очиб, салонга кирди. Чарм курткага ўралган бир уюм пулни топиш қийин бўлмади. У пулларни ўзи билан олиб келган сумкага жойлаганида қўли ҳам қалтирамади. Ҳаш-паш дегунча босқинчилик йўли билан беш ярим миллион сўм пулга эга бўлган Жаҳонгирнинг миясига уюшган гуруҳ тузиш фикри келди.

Шаҳар бедарвоза эмас

Жаҳонгир ўзига ўхшаган, “офири остидан, енгилни устидан ўтиш”га ўрганиб қолган ҳамтовоқларни излаб топишда қийналди десак, нотўғри бўларди. Босқинчилик географияси ҳам секин-аста кенгайди.

Аввалига уюшган гуруҳ аъзолари ўзлари яшайдиган ҳудуддан узоқроқдаги вилоятларда “фаолият” олиб боришиди. Тайинланган одамлар бозорга энг кўп юқ олиб келган одамни аниқлаб, савдо-сотиқ тугашини кутишарди. Кейин бечора дехқон болалари ёки шериллари билан бирор ошхонагами, қаҳвахонагами кириши билан бир гуруҳ талончилар машинадаги пулни саноқли дақиқаларда ўмарид, воқеа жойидан яширинишарди.

Одамларнинг жуда катта миқдордаги пул, бошқа моддий төвар бойликларини ўғирлик йўли билан ўзлаштирган талончилар ҳуқуқ-тартибот идораларини чалғитиш учун дехқон бозоридан мол бозорига ўтишди. Нима кўп, мол бозори кўп экан. Баъзи бир туманларда ана шундай бозорларнинг беш-олтитадан эканлиги тўдабоши Жаҳонгирга маъқул тушди.

Энди мижознинг сотишига нима олиб келганлигини пойлашга ҳам ҳожат қолмаганди. Ахир, мол бозорига ҳеч ким қуруқ қўй билан келмаслигини босқинчилар яхши билишарди-да! “Мижоз” шериклари билан мол бозори атрофидаги тўғри келган жойга автомашинасини қолдириб, ичкарига кириб кетса бас, ўша заҳоти ҳозири нозир бўлган “устаси фаранг” ўғрилар уни тунаб кетишади.

Босқинчилар ана шу тарзда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри ва бошқа ҳудудлардаги мол бозорларида қарийб икки, икки ярим йил давомида харидорларни тунаш билан шуғулланишди.

Албатта, “шаҳар бедарвоза эмас” деганлариdek, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари босқинчиларнинг изига тушишди. Буни сезган баъзи жиноий гуруҳ аъзолари четта қочиб кетишган бўлса-да, кейинчалик қўлга олиндилар. Шундай қилиб, талончилар гуруҳининг барча аъзолари — 20 нафардан ортиқ жиноятчи шахс қўлга олинди.

Суд уларнинг ҳар бирига қилган жинояти даражасига қараб жазо чораларини тайинлади. Тўда ташкилотчиси Жаҳонгир Сайдимов ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилди.

Суд ҳукми ўқилганда залда ўтирган Шоҳиста опа овоз чиқармай юм-юм йиғлади. Баъзиларнинг унга раҳми келди. Қўпчилик эса, унга одамларни қон қақшатган ўғри-босқинчининг онаси сифатида нафрат билан қарашди. Эл назаридан қолишдан ҳам ортиқ жазо бормикан? Алҳазар!..

РУСТАМ ХУДОЙҚУЛ
МУНДАРИЖА

“Раҳм қилинг, онажон!..”	4
Фарангизнинг фириблари	10
“Оқ от минган” фирибгар	17
Онасининг қотили	25
Саробга айланган орзулар	30
“Жиян” операцияси	38
Сувда оққан қизалоқ	44
Ҳасад алангаси	51
Ўғрини қароқчи урди	57
Висол оқшомидаги фожиа	63
Болали аёллар “овчи”си	69
Маккорлик тўри	74
Азага айланган тўй	78
Боланинг уволи	90
Қотил “куёв”	97
Фирибгарлик тўри	104
Акани укага душман қилмасин	109
Қўшни уйдаги қотиллик	115

БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ	159
Корадорига “жомиладор” аёл	119
Йўлдан чиққан зўравонлар.....	126
Гиппократ қасамига хиёнат	132
Ноқобил фарзанд.....	139
Айланма йўлдаги қопқон	146
Тантиқ қизнинг тақдири.....	152

БИР ЖИНОЯТ ТАРИХИ

Ўзбек тилида

Мұхаррирлар:

А. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева

Техник мұхаррир:

А. Аҳмедов

Саҳифаловчи:

Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирилги ҳузуридаги
“Адолат” нашриёти. Нашр. лиц. АI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шаҳри, Буюк илак йўли кўчаси, 69-уй.

Телефонлар: 0(371) 268-28-56, 268-28-57.

Факслар: 0(371) 268-28-43, 268-28-41.

Беб сайд: www.adolatnashr.uz

e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 20.12.2017 й.

Коғоз бичими 84x108 1/32. “Academy” гарнитураси.

Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 5,0.

Нашриёт ҳисоб табори 8,5. Адади 1000 нусха.

-буйротма. Нархи шартнома асосида.

“Print Line Group” хусусий корхонаси

босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ш., Бунёдкор шоҳ кўчаси, 44-уй.